Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент Давлат Дорилфунуни

КАМИЛОВ Абдусалим Абдуллаевич

ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАСАЛА МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИЛИШИДА ТУРКИСТОН МСР МИЛЛАТЛАР ИШЛАРИ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИНИНГ ФАОЛИЯТИ

Мутахассислик 07.00.02.- Ватан тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация

Тошкент - 1993

Номзодлик диссертацияси Тошкент Давлат Дорилфунуни тарих куллиёти сиёсий партиялар тарихи кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: тарих фанлари доктори, профессор

Саидқулов Тура Собирович.

Илмий маслаҳатчи: тарих фанлари доктори, профессор

Солиев Султонмурод Солиевич.

Мавзу: ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАСАЛА МУАММОЛАРИНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИДА ТУРКИСТОН МСР МИЛЛАТЛАР ИШЛАРИ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИНИНГ ФАОЛИЯТИ

Кириш 3

I-боб. 1917 ЙИЛГИ ИККИ ИНҚИЛОБ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ.

I-§. 1917 йил Октябрь инқилоби ва Туркистон халқлари миллий муносабатларида янгича хусусиятларнинг вужудга келиши 17-39

2-§. Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг ташкил этилиши ва унинг вазифалари. . . 40-66

3-§. Фуқаролар уруши даврида ўлкадаги миллий муносабатларнинг ҳолати ва йўналиши 67-88

II-боб. ТУРКИСТОН МСР МИЛЛАТЛАР ИШЛАРИ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИНИНГ ҚАЙТАДАН ТИКЛАНИШИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ

I-§. Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг Туркистонда миллий муносабатлар ҳолатига таъсири. . . 89-116

2-§. 20-нчи йилларнинг бошларида Туркистон МСР даги миллий муносабатларни йўлга қўйишда Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг фаолияти 117-146

Хулоса 147-153

Фойдаланилган адабиётлар, матбуот ва архив ҳужжатлари рўйхати . . . . . 154-170.

К И Р И Ш

Масаланинг қўйилиши ва унинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикасининг миллий давлат тарзида мустақилликка эришиши халқимиз ҳаётида энг буюк тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон ўзбек халқидан ташқари бошқа кўп миллатлар, халқлар ва элатлар учун ҳам она-Ватан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов айтганидек: "... умумий Ватанимизда биз билан бирга яшовчи ва Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган бошқа барча халқлар билан биродарликка интиламиз"[I]. Шунинг учун миллатлараро муносабатлар тарихини ўрганиш сўзсиз ҳозирги кундаги мавжуд миллатлараро муносабатларнинг янги босқичдаги долзарб муаммоларини ечишга кўмаклашади. Ана шу мақсадда биз номзодлик диссертация учун илмий иш мавзуси қилиб ушбу муаммони танладик.

Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгач, Туркистон унинг тобе ҳудудига айланди. Ўрта Осиёда мавжуд бўлган мустақил давлатлар: Бухоро амирлиги, Хива хонлиги илгариги ҳуқуқларидан маҳрум бўлдилар. Қўқон хонлиги эса зўрлик йўли билан чор Россияси томонидан тугатилди. Иқтисодий-ижтимоий хабрланишнинг устига мустамлакачилик зулми ҳам қўшилиб, халқни тенгсиз азоб-уқубатга дучор қилди. Кўп миллионли Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилди. Рус мустамлакачилари ўлкани Россияни бозорига қарам қилиб қўйдилар. Моддий бойликлар, хомашё ташиб кетила бошланди. Халқ очликка учради, хонавайрон бўлди.

Чор мустамлакачилари ўлкага яхшилик олиб келмадилар. Улар кўп бойлик орттириш мақсадида маҳаллий амалдорлар билан биргалашиб, оддий меҳнаткашни қаттиқ эздилар. Умуминсоний фазилат-

---

I. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992, 77 б.

ларни оёқости қилдилар. Бир миллат вакилларини иккинчисига гижгижлаб қўйиб миллий низолар чиқишига сабабчи бўлдилар. Халқнинг дунёқараши ва эътиқод рамзи бўлган ислом таълимотига нисбатан тескари иш олиб бордилар. Бунинг натижасида инсон қадриятлари поймол қилинди. Ҳозирги кунимизда шунга ўхшаш аҳвол қўшни Тожикистон ҳудудида рўй бермоқда. Лекин Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "... асрлар давомида Ўрта Осиёда одамлар ва халқларнинг борлиқ тарихий ўтмиши чамбарчас боғланиб, қондош-жондош бирликка айланган"[I].

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги воқеалар мазлум халқлар учун қўлга қурол олиб ҳукмдорларга қарши кураш бошлашдан бошқа нажот қолдирмади. Бу даврда миллий-озодлик ҳаракати кўп музофотларни, жумладан, Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё водийларини ўз гирдобига тортди. Абдураҳмон Офтобачча бошлиқ Қўқон қўзғолони (1875-1876 й.), Дукчи эшон бошлиқ Андижон қўзғолони (1898 й.), Зарафшон водийсидаги Номоз Пиримқул бошлиқ қўзғолонлар (1905-1907 й.), айниқса, 1916 йилги Ўрта Осиё ва Қозоғистонда бўлиб ўтган миллий-озодлик ҳаракатлари юқоридаги фикримизнинг далилларидир.

1916-1918 йилларда Ўрта Осиёнинг асосий қисми - Туркистонда инқилобий сиёсий вазият юзага келди. Миллий уйғониш табиий равишда шаклланаётган миллий зиёлиларни, кўп қатламли деҳқонлар оммасини, косибу - ҳунармандларни, мадрасалар талабаларини, ўқитувчи - мударрисларни, рус гимназиячилари-ю ишчиларини курашга тортди. Ғоявий кураш аста-секин сиёсий тус олиб, ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик касб эта борди. Марказий Россияда юзага келган сиёсий партиялар - кадетлар, РСДРП, эсерлар ва бошқалар Туркис-

---

I. Қаранг: "Ўзбекистон овози". 1992 йил 8 сентябрь, 177- сон.

тон ўлкасида ҳам ўз тўгараклари, комитетлари, ташкилотларини тузибгина қолмай, балки фаол иш олиб бордилар. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида пайдо бўлган ғоявий курашнинг кўзга кўринган дастлабки оқими - жадидчилик аста-секин сиёсий, ташкилий тус ола бошлади. Агар 1908 йилда Константинополда бухоролик зиёлиларнинг маърифатпарварлар жамияти, 1910 йилда Тошкентда тараққийпарварлар жамияти юзага келиб фаолият кўрсатган бўлса, 1917 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Шўрои исломия, Шўрои Уламо, Алаш Ўрда, ёш бухороликлар, ёш хиваликлар, Турк одамлари марказиёти каби маҳаллий аҳоли турли қатламларини ўз таркибига олган сиёсий жамиятлар ва сиёсий партиялар вужудга келди ва фаолият кўрсата бошлади.

1917 йил февраль буржуа-демократик инқилобидан сўнг юзага келган икки ҳокимиятчилик шароитида гарчи Муваққат ҳукумат Туркистон комитети Туркистон ўлкасига мустақиллик берамиз деб ваъдалар берган бўлса ҳам, амалда у чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини давом эттирди. Инқилобдан сўнг пайдо бўлган Шўролар ҳам руслардан иборат большевиклар, меньшевиклар, эсерлар қўлида бўлиб, маҳаллий аҳолига нисбатан ишончсизлик кўзи билан қарадилар. Уларни Шўро ҳокимияти ишларига жалб қилмадилар. Масалан, Туркистон ўлкаси ишчи ва аскар депутатлари Кенгашининг 1917 йил 15 ноябрда очилган III съезди раёсатига бирорта маҳаллий миллат вакили сайланмаган эди.

Октябрь инқилобидан сўнг Шўро ҳукумати Россия ҳудудида миллий масала анча мураккаблигини ҳисобга олиб, РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигини ташкил этган эди. Лекин у ўз фаолиятида Ўрта Осиёда миллий муносабатлар муаммоларини ҳал қилишга етарли даражада эътибор бермади. Ундан кейин ташкил топган Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолият кўрсатди.

Бу комиссарликнинг ўлкада миллий масалани ҳал этишда қанчалик ҳиссаси бор, бу масалада унинг вазифаси, фаолияти ва ўрни шу вақтгача тарих фанида чуқур ўрганилмади. Биз ушбу ишимизда шу масалага аниқлик киритишга ҳаракат қилдик.

Илмий изланишнинг йўналишлари, даври.

Илмий изланишнинг асосий йўналишини Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолияти тарихини атрофлича ўрганиш ташкил этади.

Комиссарликни тузишдан кўзланган асосий мақсад шундан иборат эди-ки, ўлканинг бутун ҳудудида ўндан ортиқ турли халқ вакиллари яшар эди. Лекин уларнинг социал-иқтисодий ва маданий тараққиёт даражаси бир хил эмас эди. Шунинг учун комиссарликнинг асосий фаолияти барча миллатлар тенглиги принципларига амал қилган ҳолда миллий муносабатларни тўғри ҳал этишга эришишдан иборат эди.

Шу мақсадда 1918 йил апрелда Туркистон Шўроларининг У съездида Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги тузилди. Лекин бу комиссарлик фаолияти ҳақидаги қоидалар Туркистон МСР МИК томонидан фақатгина 10 августда тасдиқланди. Унда жумладан, комиссарлик вазифаси қисқа қилиб, яъни "баъзи миллатлар ижтимоий турмуши манфаатларида ҳимоячи ва ваниль ҳисобланади" дейилган эди[1].

Ўлкада авж олаётган ижтимоий-сиёсий вазият Шўро ҳукумати олдига миллий масалани кўндаланг қилиб қўйган эди. Чунки, "Қўқон мухторияти" фаолияти фожиали тугатилгач, халқнинг Шўро ҳукуматига нисбатан ишончи тобора пасая бошлади. Табиий ер ости захиралари ва хомашёга бой бўлган ўлкани ва унинг халқини мар-

---

1. ЎзР МДА 36 ф., 1-рўйх. 4 ҳужжат, 74 бет.

каз тасарруфидан чиқариб юбормаслик мақсадида Шўро ҳукумати бу комиссарликни тузишга мажбур бўлди.

Қўқон мухторияти ағдариб ташлангандан сўнг Ўрта Осиё халқларига нисбатан Россиянинг тазйиқи янада кучайди. Шу ўринда Алихонтўранинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир. "Агар қўлида шароит бўла туриб бир қонуний мамлакатда ўз қонуний ҳаққига эга бўла олмаганлар кишилик тарафидан ажраган, инсоният ҳаққини танимаган одам суратлик ҳайвонлардир"[I]. Демак, биз етмиш йилдан ортиқ вақт ичида ваъда қилинган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи маъмурий-партиявий буйруқбозлик гирдобида поймол этиб келинди. Эзилган халқлар амалда ёруғлик кўрмадилар.

Туркистон МСРда тузилган Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги олдида оғир, қийин вазифа турарди. Чунки, у ўлка тараққиётининг барча жабҳаларида миллатлар манфаатларини ҳимоя қилиши лозим эди. Шунинг учун комиссарлик тизими кўп қиррали бўлиши керак эди. Комиссарликни аскар, ишчи, деҳқон ва мусулмон деҳқонлари депутатлари республика съезди сайлаган халқ комиссари бошқаради. Комиссарликда коллегия мавжуд бўлиб, у Туркистон республикасиц гуруҳига кирувчи барча миллатларни Шўро ҳокимияти платформасида турувчи пролетариат ва камбағал деҳқонлардан сайланадиган аъзолардан ташкил топади. Шунингдек, комиссарликда статистик, ташкилий-ташвиқот ва маданий-оқартув бўлимлари фаолият кўрсатган.

Кейинроқ 1918 йил декабрда Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг жойларда миллатлар ишлари бўйича бўлимлар тузилиши тўғрисида кўрсатма олингандан кейин комиссарликнинг фаолият доираси аниқ белгиланди.

I. Қаранг: Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил 15 ноябрь, 46- сон.

1919 йил 8 февралда эса юқоридаги йўл-йўриқлар асосида ишлаб чиқилган "Туркистон республикаси миллатлар ишлари комиссариати тўғрисида қоидалар" эълон қилинди.

Лекин ташкил топган комиссарлик узоқ фаолият кўрсатмади. Чунки, буюк давлатчи шовинистлар маҳаллий миллат меҳнаткаш халқ оммасини бошқарув органларига, Қизил Армия сафларига жалб қилишга қаршилик қилишиб, миллий кадрларни тарбиялашга эътибор бермадилар. Шундай сиёсат натижасида 1919 йил 2 октябрда Туркистон республикаси Шўроларининг УШ съезди "керак бўлмаган ва бефойда"[1] муассаса сифатида комиссарликни тугатди. Амалда ўлкада бундай комиссарлик бўлишидан марказ манфаатдор эмас эди.

Лекин 1921 йил сентябрга келиб ўлкадаги муҳим ижтимоий-сиёсий вазият миллатлар ишлари халқ комиссарлиги зарур эканлигини тақозо этди. Шу асосда 1921 йил 21 сентябрда Туркистон МСР Шўролари МИК қарори билан комиссарлик қайта ташкил топди. Бу комиссарликнинг тизими олдингисидан мураккаброқ эди. Унинг таркибида ташкил топган оз сонли миллатлар бўлимида эрон-озарбайжон, латиш, арман, поляк-литов, украин, тожик, немис, татар ва бошқа секциялар иш олиб борган эди. Комиссарлик фаолияти 1922 йил июль ойигача давом этган.

Илмий муаммонинг тадқиқ қилинганлик даражаси.

Ўрта Осиё халқлари тарихий тараққиёти мураккаб кечганлиги ва уни холисанилло ёритиш тадқиқотчилардан ўта теранлик билан у ёки бу йўналишга ёндошишни тақозо этади. Ушбу масалага турлича ёндошилган қатор илмий асарлар, мақолалар, эсдаликлар нашр этилган. Лекин афсуски, давр тақозоси билан битилган бу илмий ишлар ва асарларда Ўрта Осиёдаги миллий сиёсатни ҳақиқий аҳво-

---

1. ЎзР МДА, 36 ф., 1-рўйх. 15 ҳужж. 83 б.

лига объектив ёндошилган деб булмайди, уларнинг аксарияти большевизм манфаатлари ва коммунистик ғоявийлик таъсирида юзага келган. Инқилобдан кейинги даврдан то ҳозирги кунимизгача миллий муносабатларга доир нашр этилган илмий тадқиқотларни даврлар бўйича куриб чиқамиз:

а/ Узоқ йиллар давомида Туркистонда мажбурий равишда амалга оширилган Октябрь инқилоби тарихини рўйи-рост, ҳалол, ҳаққоний ёритувчи асарлар нашр қилинмай келинди. Аммо, Т.Рисқулов, Г.Сафаров, Мустафо Чўқай ўғли қаламига мансуб асарлар[1] ҳақиқатни ёритиш учун қилинган дастлабки уриниш эди. Т.Рисқулов асарида ўлкадаги миллий-озодлик ҳаракати таҳлил этилса, Г.Сафаров асарида Октябрь инқилобига хаққоний баҳо берилган эди. Мустафо Чўқай ўғли асари ҳам аниқ далиллар, хужжатлар, эсдаликлар, хотиралар асосида яратилган бўлиб, унда "большевикча" мустамлакачилик сиёсатининг асл мақсади фош қилинади.

Лекин шу даврда яратилган И.Варейкис, И.Зеленский, С.Муравейский, Ф.Божко асарларида[2] Ўрта Осиёнинг ўзига хос ҳолатлари ҳисобга олинмай, миллий масаланинг ҳал этилиши тарихига етарли илмий асосда ёндошилмаган. Бунинг сабаби албатта, шу давр хужжатларининг етарли даражада ўрганилиб, умумлаштирилмаганлигидадир. Чунки, Шўроларга нисбатан танқидий булган ҳужжатлар сир сақланиб, ўрганиш учун тадқиқотчиларга берилмай келинди.

I. Рисқулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Ташкент, Узгосиздат, 1926; Сафаров Г. Колониальная революция /Опыт Туркестана/. Москва, 1921; М.Чўқай. Туркистон Шўро ҳокимияти остида. Париж, 1928.

2. Варейкис И., Зеленский И. Национально-государственное размежевание Средней Азии. Ташкент,1924; Зеленский И. Национальная политика в парторганизациях Средней Азии. Ташкент, 1927; Муравейский С. Материалы по истории Октябрской революции в Туркестане. Ташкент, 1922; Божко Ф. Октябрская революция в Средней Азии. Ташкент, 1932.

б/ 40-60 йилларда бир қанча тарихчи олимлар Ўрта Осиё халқларининг Шуро даври тарихини ёритишга ҳаракат қилиб кўришди. Бу соҳада В.Я.Непомнин, К.Е.Житов, Б.Ғофуровлар[1]нинг дастлабки асарлари пайдо бўлди. Лекин бу асарларда ҳам ўлкадаги миллий муносабатлар умумий йўналишда ёритилади. Айнан миллий масала бўйича муаммони тадқиқ қилишда Е.Песикинанинг[2] китоби алоҳида ўринни эгаллайди. Муаллиф, биринчидан РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолиятини тадқиқ қилган, иккинчидан, комиссарлик фаолияти даврининг маълум қисми билан чегараланган, учинчидан, унда Туркистон ўлкасидаги комиссарлик фаолияти деярли ёритиб берилмаган.

Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолиятини Ўзбекистон тарихшунослигида биринчи марта Л.М.Ланда ёритишга ҳаракат қилади. Олим аниқ далиллар, хужжатлар асосида комиссарлик даври тарихини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Бунинг учун у ЎзР МДАда сақланаётган комиссарлик хужжатларини илмий талқин этади. Лекин у, комиссарликнинг дастлабки даври тарихини ўрганган бўлиб, чоғроқ бир мақолада унинг барча томонларини қамраб олиш имконига эга бўлмаган. Шундай бўлса ҳам унинг мақоласи бу борадаги муаммони ўрганишда дастлабки қадам эди.

Ўрта Осиёдаги миллий масала муаммоларига бағишланган В.Зотов, К.М.Кулиев, Ш.З.Уразаев, М.Х.Назаров, Р.А.Абдушукуров, Б.Я.Непомнин, Х.Ш.Иноятов, Ь.И.Пак, З.Иномжонов, Э.Воскобойников, А.Зеве-

---

I Житов К.,Непомнин В. От колониального рабства к социализму. Ташкент, 1939; Гафуров Б., Прохоров Н. Падение Бухарского эмирата. К 20-летию Советской революции в Бухаре /1920-1940 гг./. Сталинабад, 1940.

2. Песикина Е. Народный комиссариат по делам национальностей и его деятельность в 1917-1918 гг. Москва,АОН при ЦК ВКП/б/, 1950.

3. Ланда Л.М. Создание народного комиссариата по национальным делам Туркестанской АССР и его деятельность в 1918-1919 гг. В кн. "Из истории Советского Узбекистана".Ташкент,Изд.АН УзССР,1956.

лев, С.Ражабов[1] асарларида ўлкадаги миллий муносабатлар муаммолари маълум даражада ёритилган бўлса-да, улар маъмурий-партиявий буйруқбозлик таъсирида ёзилган. Аксарият тадқиқотларда муаммонинг айрим томонлари ёритилган, холос. Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ҳужжатлари, фаолиятини ўрганиш ва уни илмий тахлил этиш четлаб ўтилган. Баҳоланки, ўлка миллатлари ҳаётида асосий ўринни шу орган ўйнаган эди.

в/ 70-90 йилларда Ўрта Осиёда миллий масала тарихига ва миллатлараро муносабатларга оид қатор асар ва мақолалар, жумладан, айнан РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолиятига боғлиқ Г.Макарова[2] тадқиқотлари юзага келди. Афсуски, муаллиф ўз тадқиқот-

---

1. Зотов В. В.И.Ленин и решение национального вопроса в Средней Азии. Ашхабад,Туркменгосиздат, 1960 /на турк.яз./; Кулиев К.М. Национальная политика Коммунистической партии в Средней Азии в годы гражданской войны и иностранной интервенции. Труды инс. ист.арх. и этн.АН Туркменской ССР,т.I,Ашхабад,1956,С.7-40; Уразаев Ш.З. Туркестанская АССР - первое социалистическое государство в Средней Азии.Ташкент,Узбекистан,1965; Назаров М. Туркистон - интервенция ва гражданлар уруши даврида /1918-1920 й./. Тошкент,Госиздат,1961; Унинг ўзи, Туркистон коммунистларининг гражданлар уруши йилларида буюк давлат шовинистлари ва буржуа миллатчиларига қарши кураши. Тошкент,"Қизил Ўзб.","Прав.Вост.", "Узб.Сурх."нашр.1955; Абдушукуров Р.Х. Октябрская революция, рассвет узбекской социалистической нации и сближение ее с нациями СССР.Ташкент,Госиздат УзССР,1962; Непомнин В.Я. Очерки истории социалистического строительства в Узбекистане /1917-1937/. Ташкент,Изд.АН УзССР,1957; Иноятов Х.Ш. Ответ фальсификаторам истории Советской Средней Азии и Казахстана. Ташкент,Госиздат УзССР,1962; Пак Б.И. Выполняя ленинское задание /О создании и деятельности научной комиссии по изучению быта коренного населения Туркестана /1921-1924/.История СССР,1969,№2,С.144-149; Иномжонов З. Туркистон АССРнинг ташкил этилиши ва ривожланиши. Тошкент,Бирл.нашр.1957; Воскобойников Э. Зевелев А.Туркомиссия ВЦИК и Совнаркома РСФСР, Туркбюро ЦК РКП/б/ в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. Ташкент,Госиздат УзССР,1951; Раджабов С.А. В.И.Ленин и национально-государственное строительство в Средней Азии. Душанбе,"Ирфон",1970.

2. Макарова Г.П. Осуществление ленинской национальной политики в первые годы Советской власти 1917-1920 гг.Москва,"Наука", 1970; Яна шу муаллиф,Народный комиссариат по делам национальностей РСФСР 1917-1923 гг. Москва,"Наука",1987.

ларида Туркистонда фаолият кўрсатган комиссарлик ишига етарли баҳо бермаган. Ваҳоланки, миллий муносабатлар мураккаб бўлган минтақалар /Туркистон, Кавказорти/ ўзига нисбатан алоҳида муносабатни талаб этиб келди.

Туркистон ўлкасидаги миллий масала аҳволини тахлил этишда Х.Б.Бегматов, З.Х.Орифхонова, В.В.Чеботарева, Н.Рахмонов, А.Зевелев, Ю.Поляков, А.Чугунов[1] ва бошқа бир қатор тадқиқотчиларнинг асарларида муаммога кенгроқ назар солишга ҳаракат қилинган. Лекин, уларда комиссарлик ҳужжатлари чуқур тахлил этилмаганлиги туфайли масала умумий тарзда эслаб ўтилган, холос.

1971 йили тарихчи-олим Х.Т.Турсуновнинг монографияси нашр этилди.[2] Унда муаллиф Туркистон ўлкасида миллий масалани ҳал этилишида партия фаолиятини кўрсатишга интилган. Асарда ҳозиргача илмий талқин этилмаган кўплаб ҳужжатлардан фойдаланилган. Лекин,давр руҳи билан ёзилган бу асарларда ана шу ҳужжатларга тўғри баҳо берилмаган. Масалан, асарда: ўлка халқлари ўз тақдирларининг тўла ҳўжайинлари бўлдилар, ўзларининг Шуро давлатларини туздилар дейилади-ю, "Қўқон мухторияти"ни Шўролар томонидан тор-мор этилганлиги аниқ, рўй-рост кўрсатиб берилмайди. Хаттоки, ўлкада фаолият кўрсатган Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ишидан лавҳалар ёритилмайди.

Ўрганилаётган мавзуга яқин бўлган Н.Х.Усмонованинг[3] тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун қилган тадқиқоти ягона иш ҳисобланади.

---

1. Бегматов Х.Б.Деятельность Средазбюро ЦК ВКП/б/ по осуществлению ленинской национальной политики.Ташкент,"Фан",1976;Арифханова З.Х.,Чеботарева В.В.Решение национального вопроса в Узбекистане.Ташкент,"Фан",1973;Зевелев А.,Поляков Ю.,Чугунов А.Басмачество:возникновение,сущность,крах.Москва,"Наука",1981.
2. Турсунов Х.Т.Национальная политика Коммунистической партии в Туркестане /1917-1924 гг./.Ташкент,"Узбекистан",1971.
3. Усманова Н.Х.Народный комиссариат по делам национальностей Туркестанской АССР и его деятельность по интернациональному сплочению трудящихся /1918-1919 гг./,Дисс.канд.ист.наук.Ташкент,ТашГУ, 1974.

Тадқиқотчи, Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фондини ўрганиб, шу асосда ўлкада мавжуд бўлган миллий муносабатлар муаммоларини илмий талқин этади. Аммо, 70-йилларда ҳимоя этилган бу номзодлик илмий иши дастхат ҳолатида қолиб кетиб,нашр этилмаган. Бунинг устига тадқиқот, биринчидан, комиссарлик биринчи даври фаолияти билан чегараланган, иккинчидан, муаллиф ихтиёридан ташқари даврнинг вазиятига қараб ёзилиб, Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг фондида йиғилган ҳамма хужжатлардан тўла фойдаланган ва етарли илмий баҳо берган деб бўлмайди, учинчидан, фойдаланилган ҳужжатларга илмий таҳлил орқали ҳаққоний ёндошиш руҳи сезилмайди.

Тадқиқ қилинган муаммонинг айрим томонларини тарихчи олим Р.Т.Шамсутдинов ҳам ўзининг докторлик диссертациясида ёритган.[1] Тадқиқотнинг битта параграфи миллий масала муаммоларига бағишланган бўлиб, муаллиф унда бой далилларни биринчи бор илмий талқин этади. Лекин, муаллифнинг тадқиқоти илмий йўналиши бошқа мавзуда бўлганлиги учун Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолиятига кенг тўхтай олмайди.

Мавзуимизга даҳлдор асарлардан яна бири Р.Масовнинг китобидир.[2] Асарда Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишининг ўтказилиши, Тожик Мухтор Республикаси ташкил бўлиши тарихига оид кўплаб фактик, ҳужжатли материаллар келтирилган. Бу масалаларда талайгина янги қарашлар, талқинлар илгари сурилган. Аммо, айрим ҳолларда хато ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, муаллифнинг Туркистон МСРнинг ташкил топиши этник асосга қурилган, деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Барчага аёнки, Туркистон МСРнинг ташкил эти-

---

I. Шамсутдинов Р.Т. Становление и развитие Советов в Средней Азии /1917-1925 гг./: проблема общего и особенного. Д сс. докт. наук. -Москва, АН СССР, 1987.

2. Масов Р. История топорного разделения. Душанбе, "Ирфон",1991.

лиши ҳудудий принципларга асосланган.

Муаллиф Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолиятига ҳам тўхталиб, унинг таркибида бошқа бўлимлар қатори тожик бўлими бўлмаганлигини, айрим жойларда тожиклар бошқа миллат вакилларидан кўп, зич яшаётганлигини ёритади. Тўғри, оз сонли миллатлар бўлимида тожик секцияси фақатгина 1921 йил сентябрь ойида ташкил этилган. Унгача тожиклар орасида бу ишни Форс бўлими олиб борган. Бунда муаллиф, Туркистон ҳукуматининг 1919 йил 16 январдаги комиссарлик ҳақидаги қоидаларни бажарилмаганлигини кўрсатади-ю, 1919 йил 15 апрелдаги комиссарлик коллегиясининг мажлиси қарорини келтирмайди. Чунки унда: Миллатлар ишлари комиссарлиги у ёки бу миллатлар бўлимини очишда ушбу миллий гуруҳнинг миқдорини, унинг маданий ва сиёсий маданият даражасини ҳисобга олади, — дейилган эди.[1]

Асар муаллифи Хўжанд уезд-шаҳар ва Ўра-тепа ноҳия Кенгашлари қошидаги миллатлар ишлари бўлимини 1919 йил бошланишидан фаолият кўрсатганлигини ёритмаган. Унинг фаолиятида тожик секцияси ҳам актив бўлган.

Умуман, асар тожик миллатининг ривожини этник жиҳатдан таҳлил этишга бағишланган бўлиб, у кўп соҳаларда тарафкашлик, ҳатто миллатчилик руҳида ёзилгандир.

Шундай қилиб юқорида зикр этилган тадқиқотларнинг илмий таҳлили шуни кўрсатдики, Ватанимиз тарихшунослигида комиссарлик ҳужжатларини тўла ўрганиб, унинг асосида яратилган яхлит, мукаммал тадқиқот йўк. Ҳудди мана шу муаммо муаллифни тарихга ҳолисанилло баҳо бериш асосида ушбу мавзуни ёритишга ундади. Шунинг учун ҳам Туркистон ўлкасидаги миллий муаммоларни Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолияти орқали ёритишга ҳаракат килди.

---

1. УзР МДА, 36 ф., 1-рўйх. 18 ҳужж. 7 б.

Илмий изланишдан кўзланган мақсад.

Тадқиқотдан кўзланган мақсад ҳали яхлит тадқиқ этилмаган Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолиятини тўлиқ ўрганишдир. Шунинг учун қуйидагилар мақсад қилиб олинди:

- Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолиятини чуқур тахлил этиб, унинг ишидаги ютуқ ва камчиликларга баҳо бериш;

- комиссарлик фаолиятида нима сабабдан икки босқич юзага келганлигини аниқлаш ва унга илмий жиҳатдан муносабат билдириш;

- комиссарлик иш фаолиятида турли хил миллатларга муносабат масаласини таҳлил этиш;

- комиссарликнинг қарорларини ўлкада қандай бажарилганлик холатини аниқлаш;

- комиссарликнинг жойлардаги булимлари фаолиятини солиштирма тахлил этиш;

- комиссарлик фаолиятини ёритиш натижасида миллий муаммоларни ечишда 20-йиллардаги иш тажрибаларини ўрганиш ва ҳозирги кунда республикамизда миллий масала муаммоларини ечиш учун ушбу тажрибанинг мақбул томонларидан фойдаланишга оид тавсияномалар бериш.

Илмий изланишнинг янги йўналишлари ва амалий ахамияти.

Ушбу тадқиқотда биринчи бор архив ҳужжатлари ва бошқа тарихий манбалар янгича талқин қилинмоқда. Бунинг боиси, неча йиллардан буён тарихий ҳақиқат сохталаштирилиб, бир томонлама ёритиб келинганлигидир. Бундан ташқари, неча ўн йилликлар давомида Русия зулми остида яшаб келган Ўзбекистон халқлари мустақиллик сари қадам қўйишида дастлабки ҳатоларни такрорламаслиги учун замин яратиш зарур. Бунинг учун кўплаб тарихий ҳужжатларни, далилларни ҳолис тахлил этиш керак.

Комиссарликнинг мураккаб фаолияти тарихи Ўрта Осиёда миллий масала ҳолатини ўрганишда мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари дастурларига кирртилишининг ахамияти каттадир. Бу тари-

хий тадқиқотлар орқали тарихимизнинг долзарб масалаларини ўрганишга имконият туғдириб беради, деб ўйлаймиз.

Илмий ишнинг методологик асослари.

Тадқиқотнинг методологик асосини тарихий тараққиётни материалистик тушунган ҳолда тарихий жараёнларни одилона, ҳақиқат нуқтаи назаридан ёндошиш, бор илмий адабиётларга янгича муносабатда бўлиш, миллий муносабатларга оид 20- йилларда қабул этилган ҳукумат ҳужжатларига танқидий нуқтаи назар билан қараш ва архив ҳужжатларидан танқидий солиштирма таҳлиллар асосида текшириш орқали ушбу муаммони тўғри ёритиш ташкил этади.

Илмий ишнинг манбашунослик асослари.

Аниқ тарихий муаммо сифатида Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолиятини ўрганиш учун асосий манба сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида, Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Марказий Кенгаши партия архивида сақланаётган ҳужжатлар, қатор вилоятлар давлат архивлари ҳужжатлари олинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси МДАдаги 36 фонд - Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ҳужжатлари, 34 фонд - Туркистон МСР Маориф халқ комиссарлиги ҳужжатлари, I3 фонд - БМИК Президиуми қошидаги Туркистон республикаси вакиллиги, I7 фонд - ТуркМИК ҳужжатлари, 25 фонд - Туркистон МСР ХКС ҳужжатлари, 39 фонд - Туркистон МСР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳужжатлари, ЎзХДП МК ПА даги 60 фонд - Туркистон Компартияси Марказий Комитети ҳужжатлари ўрганилди. У ҳужжатлардаги ҳисоботлар, мажлис, кенгашларнинг қарорлари, маърузавий хатлар ва қуйи ташкилотлар ҳужжатлари солиштирма таҳлил этилди, ўрганилди.

Муаллиф қимматли ва кенг маълумотларни ўта давр эсдалик-

ларидан, айниқса, даврий матбуот материалларидан олишга ҳаракат қилди. Бунда жойларда нашр этилган матбуот ҳужжатларига алоҳида эътибор берилган.

Илмий ишнинг амалий аҳамияти.

Ушбу мавзу илмий тадқиқот тарзида танлангач, унинг баъзи долзарб масалалари дастлаб Фарғона Политехника институти "Сиёсий тарих" кафедрасида, ундан сўнг эса ТошДД қошидаги малака ошириш институтининг "Сиёсий тарих" кафедраси томонидан уюштирилган конференцияларда, ТошДД тарих куллиёти сиёсий партиялар тарихи кафедрасида муҳокама этилди.

Тадқиқотнинг долзарб масалалари бўйича муаллиф қуйидагиларни нашр қилди:

- "Некоторые пути решения язвковых проблем в Туркестанской АССР". Тезиси доклодов конференции на тему: "Актуалнне проблемь развития национальнвх отношений в СССР в условиях перестройки (например УзССР). Ташкент, ноябрь, I989 г.
- Демос - значит народ. (ҳаммуаллиф билан), "Контакт" журнали, № 5, I992 й.
- "Из истории борьбь за государственную независимость Республики Узбекистан". Тезиси докладов. Конференция на тему: "Этническая история тюркских народов Сибири и сопредельнвх территории". Омск, ноябрь, I992 г. (нашр этилмоқда).

Тадқиқотнинг структураси.

Тадқиқот кириш, II боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар, матбуот, архив ҳужжатлари рўйҳатидан иборат.

I-БОБ. 1917 ЙИЛГИ ИККИ ИНҚИЛОБ ДАВРИДА ТУРКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ

I- §. 1917 йил Октябрь инқилоби ва Туркистон халқлари миллий муносабатларида янгича хусусиятларнинг вужудга келиши

Туркистон халқларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлган. Бу соҳа деҳқонлари империяда марказга "содиқ одамлар" ҳисобланарди. 1867-1917 йиллар давомида Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарув тизими маҳаллий халқ оммасини миллий жиҳатдан эзиш, уларни ҳар томонлама мустамлака тарзида тобе қилиб туришга мўлжалланб такомиллаштириб борилди.

Туркистон ўлкаси Россия империясининг асосий хом ашё базаси бўлиб хизмат қилар эди. Хом ашёни ташиб кетиш учун темир йўллар қурилишига эътибор кучайтирилди. Маҳаллий халқ оммаси саноат ишлаб чиқариши ва темир йўлда ишлашга жуда кам жалб этилди.

XX аср бошларидан Туркистон ўлкасида миллий ўзлигини англаш учун, озодлик, демократия учун миллий-озодлик ҳаракати бошланди. 1916 йилги халқ қўзғолонлари бундай норозилик ҳаракатининг чўққиси бўлди. Чунки бу қўзғолон, Т.Рисқулов айтганидек, умумхалқ, инқилобий бўлиб, эзувчи синфларга қарши қаратилган ўн йиллаб тўпланган азоб-уқубатларнинг маҳсули бўлди[1].

Қўзғолон бошланиши ва мисли кўчайишида чор самодержавиесининг 1916 йил 25 июндаги фронт орқасидаги ишларга ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман ва чеккадаги бошқа халқларни сафарбар қилиш ҳақидаги фармони туртки бўлди.

I. Из истории борьбы за освобождение Востока (Восстание киргиз Туркестана против царизма в 1916 г.) ("Новий Восток") 1924, кн.6, С.113.

Подшолик Россияси "халқлар турмаси" эди. Чунки чоризмнинг сиёсати асрлар давомида миллатларни бир-бирига тўқнаштириш, уларни эзиш, чекка ўлкалардаги маҳаллий аҳолининг тили, урф-одатларини камситиш ва ҳаёт тарзини руслаштиришга қаратиб келинди. Мавжуд тузум бошқарувининг мустабил ҳарбий-мустамлакачилик тузуми маҳаллий аҳолини давлат ҳақидаги тушунчаларини эзғилашга, маданиятини топташга, она тилини суриб чиқаришга, уларда итоаткорлик руҳини сақлаб қолишга қаратилган эди. Маҳаллий туб аҳоли ўз мамлакатини бошқаришдан маҳрум бўлиб, ўз миллий давлатига эга эмас эди.

Россиянинг Туркистон ўлкаси кўп миллатлилиги билан бошқа ҳудудлардан ажралиб турар эди. Туркистон ўлкасида 35,77% аҳолини ўзбеклар, 44,36%ни қозоқлар ва қирғизлар, 6,73 % ни тожиклар, 4,98 % ни туркманлар, 3,75% ни руслар, 2,26 % ни қорақалпоқлар, 2,I5%ни бошқа миллат вакиллари ташкил қилар эди[I].

Чор ҳукумати ўлкада саноат эмас, балки қишлоқ хўжалиги ривожидан манфаатдор бўлган. Шунинг учун бу ерда аграр районлар иқтисодий жиҳатдан заиф ривожланган. Буни аҳоли таркибига нисбатан ҳам кўриш мумкин. Масалан, I9I7 йили Сирдарё вилоятида қишлоқ аҳолиси I770 минг кишини ташкил этган бўлса, шаҳар аҳолиси 358 минг эди, холос. Бу рақамлар Фарғонада 2045 минг ва 388 минг, Самарқандда 799 минг ва I76 минг, Закаспийда 468 минг ва I37 минг, Еттисувда I387 минг ва II3 минг киши эди[2]. Шаҳарлардаги мавжуд саноат корхоналарида техник жиҳоз жуда паст даражада эди. Уларда асосан қўл меҳнати устун бўлиб саноат корхо-

---

I. История Узбекской ССР, т.I, кн.2, Ташкент, Изд. АН УзССР, I956, С.I0I; Ишанов А.И.Создание Бухарской Народной Советской республики (I920-I924 гг). Ташкент, Изд.АН УзССР,I955, С.I25.

2. Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. Ред. кол. Ташкент, Фан,I967, С.62.

наларининг иш фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки қайта ишлашга мослаштирилган эди.

Темир йўл хизматида асосан руслар ишларди. Подшо ҳукумати, ҳатто қуйи лавозимларга ҳам маҳаллий миллат вакилларини яқинлаштиришни истамас эди. Уларнинг мақсади темир йўл хизматини "кўз қорачиғидек"сақлаш эди. Маҳаллий миллат вакиллари асосан қора иш ва ёрдамчи хўжалик билан банд эди. Бу соҳадаги умумий ишчиларнинг 76,6 % ини маҳаллий туб аҳоли вакиллари ташкил қилар эди[I]. Аммо кўпчилик ишчилар бундай ишларга мавсумий қабул қилинарди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда маҳаллий миллат ишчилари синфи икки ёқлама, ҳатто уч ёқлама зулмга маҳкум эдилар. Мустамлакачилик зулми Россиянинг Оврупа қисми ҳудудидаги аҳволдан анча юқори эди.

1917 йил февраль инқилоби Россияда чор самодержавиесини ағдариб ташлади. Унинг ўрнига Вақтли буржуа ҳукумати ҳокимият тепасига келди. Чоризмнинг ағдарилиши 10 март куни Туркистон бўйлаб кенг нишонланди. Бўлиб ўтган кўп минг кишилик митингларда янги ҳукумат хўжалик тақчиллиги билан курашади, ер ва сувдан фойдаланиш масаласини ҳал этади, миллатлар ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоя қилади, деб умид боғладилар. Шунингдек, бу инқилоб чекка ўлкалардаги қашшоқ халқ оммасининг ижтимоий ва миллий соҳада эркин бўлишига умид уйғотди. Аммо рус буржуазиясининг миллий масаладаги сиёсати Февраль инқилобидан кейин ўзгармай қолди. Кенг халқ оммаси бу ҳолатни тушуна борди.

Вақтли ҳукумат ўзининг тадбирларидан бири сифатида 1917 йил 20 мартда миллий ва сажда қилиш ҳақидаги чеклашларни бекор қилиш ҳақида декрет қабул қилди. Лекин ҳужжатда айтилган бўлса

I. Там же, С.95.

ҳам амалда рус бўлмаган халқларнинг ҳақ-ҳуқуқлари эскича, рус тили эса умумдавлат тили бўлиб қола берди. Муваққат ҳукумати Туркистон ўлкасида миллий муносабатларнинг Февраль инқилобидан олдинги ҳолатда бўлишига ҳаракат қилди. Бу ҳукуматнинг бўлғуси бошлиғи А.Ф.Керенский 1915 йил декабрдаёқ Давлат думасининг яширин мажлисида шундай деган эди: "Туркистон ва Чўл қирғиз вилоятлари - бу Тула ёки Тамбов губернялари эмас. Уларга инглизлар ва французлар ўз мустамлакаларига қарагандек қараши мумкин"[1]. Демак, мана шу сиёсат йўлини тутган Вақтли ҳукуматнинг миллий масаладаги сиёсати қоғозда қолди.

Туркистон генерал-губернаторлиги тугатилган вақтда ўлкада 5250 минг киши яшарди. Шулардан, 41% - ўзбеклар, 19% - қозоқлар, 8 % - тожиклар, 5% - туркманлар, 1,5% - қорақалпоқлар, 25,5 % - руслар ва бошқа миллат вакиллари эди[2]. Жами аҳолининг 80 % га яқини қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд эди[3].

Туркистон ўлкасида рус капиталистлари ва помешчикларининг аввалги мустамлакачилик сиёсати давом эттирилди. Февраль инқилобидан кейин бир ой давомида ўлканинг аввалги генерал-губернатори Куропаткин ҳокимиятни бошқариб турди. У ўзбек, қирғиз, қозоқ халқларининг унумдор ерларини тортиб олиб, ўзларини чўлларга, даштларга ҳайдаш сиёсатини давом эттира берди. Фақатгина ишчи ва аскарларнинг талаби билан 31 март куни Тошкент эсерменьшевиклар кенгаши уни ишдан бўшатиб, уй қамоғига жўнатди.

Чор самодержавиеси ағдарилгандан кейин Ўрта Осиё ва Қозо-

---

1. Раджапов С. Создание Узбекского социалистического государства. Ташкент, Госиздат УзССР, 1950, С.17.
2. Гафурова К.А. Борьба за интернациональное сплочение трудящихся Средней Азии и Казахстана в первые годы Советской власти (1917-1924 гг.) М., Наука, 1972, С.83.
3. Среднеазиатский экономический район. Ташкент, 1922, С.32.

ғистонда социал-демократик ташкилотлар ўзларининг фаолиятларини қайта тикладилар ва кенгайтирдилар. Тошкент социал-демократик ташкилоти ҳаммадан олдин ўз фаолиятини қайтадан бошлади. РСДРП бирлашган Тошкент ташкилоти аъзолари сони бошланғич даврида 300 кишигача етди, улардан бир нечтасигина маҳаллий миллат вакиллари эди[1]. Бу ташкилотнинг асосий ўзагини темир йўл устахоналари ишчилари ташкил этди.

Демак, Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда маълум сиёсий куч юзага кела бошлади. Инқилобнинг дастлабки давридаёқ Тошкентнинг ўзида 20 дан ортик ижтимоий-сиёсий ташкилотлар вужудга келди. Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 5 март куни зиёлилар ташаббуси билан "Ерлилар қўмитаси" тузилди, 8 марта эса муаллимлар, шифокорлар, гумашталар ва хизматчилар жамиятлари ташкил топди. Андижонда "Озод халқ", "Ҳуррият", "Маърифат", Самаркандда "Муравваҳул ислом", Каттақўрғонда "Равнақул ислом" каби ташкилотлар тузилди[2]. Лекин империяда обрў-эътибор қозонаётган партия ўз қарашлари устунлилигига эриша бошлади. Буни большевикларнинг 1917 йилги УП бутунроссия Апрель конференцияси мисолида кўриш мумкин. Унда миллий масала бўйича доклад қилган Сталин большевиклар партиясининг миллий масаладаги: "миллатларни ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузишгача бўлган ўз тақдирини ўзи белгилаши" ҳуқуқи программ талабларини чуқур анализ қилиб берди[3]. Лекин, афсус, тарихнинг "аччиқ сабоғи"дан келиб чиққан ҳолда партиянинг бу сиёсати КПСС ўз фаолиятини тугатгунга қадар ҳукм суриб келинди.

---

1. Иноятов Х.Ш. Борьба большевиков за победу Советской власти в Туркестане. Ташкент, Знание, 1957, С. 8.
2. Қаранг: Фан ва турмуш, 1991 й, 2- сон, 18 б.
3. КПСС резолюцияларда... Тошкент, "Ўзбекистон", 1981, 468 б.

Тошкентда шунингдек латиш социал-демократик группаси ҳам ташкил топди. У 40 кишини бирлаштирган эди. Март ойида социал-демократик ташкилотлар Наманган, Андижон, Қўқонда ташкил топди. РСДРП Қўқон ташкилоти ўз матбуот органи - "Кокандский рабочий" ("Қўқон ишчиси") рўзномасига эга эди.

Лекин бу социал-демократик ташкилотлар ва жамиятлар миллий сиёсатда маҳаллий миллат манфаатларини ҳимоя қиладиган кураш олиб боролмас эди. Чунки ташкилот аъзоларининг оз қисмигина маҳаллий миллат вакилларидан иборат бўлиб, ташкилот большевик ва меньшевикларни бирлаштиргани учун қарашлардаги фикрлар турлича эди, маҳаллий миллат тилида матбуот органлари оз эди.

Туркистон ўлкаси сиёсий ва иқтисодий соҳада эмас, балки маданий соҳада ҳам тараққиётдан анча орқада эди. Буни Туркистон ўлкаси собиқ генерал-губернатори Куропаткин ҳам таъкидлаб, "биз 50 йил давомида маҳаллий аҳолини тараққиётдан нарида, мактабдан ва рус ҳаётидан нарида ушлаб турдик"[I], деган эди. Чоризм мустамлакачилик сиёсати адабиёт, санъат, матбуотнинг эркин ривожида катта тўсиқ бўлди. Ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман болалари учун диний мактаблар мавжуд бўлиб, у ерда қуръон араб тилида ўргатиларди. Талабалар уни ёддан айтишга ўргатилиб, улар араб алифбосини билмай қуръон оятлари фақат ёд олинарди. Бу вақтда ўлкада маҳаллий миллат она тилида бирон-бир олий ўқув юрти бўлмаган, олий маълумотлилар эса марказий шаҳарларда таълим олишган.

Ўрта Осиё халқларининг Вақтли буржуа ҳукуматига ишончлари тобора йўқолиб, ўлкада ташкил топаётган турли сиёсий ташкилотларнинг таъсири кучайиб бормоқда эди. Туркистондаги РСДРП мень-

---

I. Из дневника Куропаткина Н.А. "Красний архив", т.I9. I927, С.65.

шевиклар фракцияси ва социал-революционерлар (эсер) миллий масала бўйича қабул қилган резолюциясида "мусулмонлар қолоқ халқ бўлгани учун уларни узоқ келажакда ҳокимиятга яқинлаштириш мумкин, ҳозирча мусулмонлар учун маданий ўз-ўзини бошқариш ҳақидагина гап бўлиши мумкин, дейилган эди[1]. Булар Туркистон қўмитаси раисига Шчепкинга аён бўлса ҳам, у Вақтли ҳукумат Туркистон мусулмонларига таянишини уқтириб, қурултой қатнашчиларига мусулмонлар мухторияти берилишини ваъда қилди. Туркистон мустақиллиги масаласи қурултойда кескин тортишув ва бахсларга сабаб бўлди. *Ўлка буткул мусулмон республикаси бўладими ёки Россия таркибида* мухтор бўладими? деган масала делегатларни икки тарафга ажратиб юборди. Унда сўзга чиққан Муфти Маҳмудхўжа Бехбудий Россия таркибида Туркистон республикаси, унинг парламенти мажлиси муборавотини тузиш, мустақил қонунлар чиқариш, миллий қўшин ташкил этиш вазифаларини олға суради[2].

Бундан ташқари, М.Шермухамедов, Абдулла Авлоний каби зиёлилар Туркистоннинг тузилажак миллий давлати шакллари ҳақида бахслар юритдилар. Шу муносабат билан "Турон", "Улуғ Туркистон" рўзномалари ва "Шўро" журнали саҳифаларида бир қатор мақолалар эълон қилинди. Бунда М.Шермухамедовнинг "Туркистоннинг усул идораси ҳаққинда" *мақоласи*, Н.Явушевнинг "Туркистонга *автономия* олув ҳаққинда", О.Тиркишевнинг "Туркистонликлар ва федерация" мақолалари мисол бўлади[3].

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда инқилобий вазият яқинлашмоқда эди. Лекин у кўпроқ "сунъий" равишда содир бўлмоқда эди. Чунки,

---

1. Қаранг: "Ҳурриятдан мухториятга". "Фан ва турмуш, 1991, 2-сон, 20 б.
2. Ўша ерда.
3. Қаранг: "Шўро" журнали,14-сон,1917й."Улуғ Туркистон" (Самарқанд) газетаси,12 июль 1917 й. "Шўро" журнали, Оренбург, 17-сон, 1917 й.

ўлкада феодал қолдиқларининг сақланиб қолаётганлиги унинг тараққиётига катта тўсиқ бўлди. Шундай бўлса ҳам вазиятнинг сабабларини аниқ кўрсатишга ҳаракат қиламиз:

а) Инқилобга қадар ўлкада сиёсий раҳбарликни амалга оширган чор ҳукуматининг ўлка маъмурияти бирорта маҳаллий аҳоли вакилини бу ишга яқинлаштирмаган. (Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари бундан мустасно). Ҳаттоки, ишчи ва аскар депутатлари Ўлка Кенгаши ташкил топгандан то 1917 йил октябригача бўлган даврда унинг таркибида бирорта большевик ҳам бўлмай, уларнинг ҳаммаси меньшевик ва эсерлардан иборат эди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай Кенгаш миллий масалани ҳал қилишга эътибор бермаган. Афсус, маҳаллий халқ орасидан У.Мирзаев, Х.Тошмухамедов, Ф.Тоиров, А.Иброхимов, А.Мирхидоятов, Т.Убайдуллаев ва халқни ўз кетидан эргаштира оладиган бошқа зиёлилар етиб чиққан бўлиб, улар маҳаллий халқ манфаати учун курашолардилар[1].

б) Иқтисодий соҳада Туркистон ўлкаси аграр, қолоқ бўлиб, Россия подшолигининг хом ашё базаси эди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган аҳолининг 85% , Тожикистоннинг 95% аҳолиси қишлоқ хўжалигида банд эди. Шаҳарлардаги енгил саноат корхоналарида асосан рус миллатига мансуб кишилар ишлар эди. Расмий маълумотларга қараганда, инқилобгача Туркистонда саноат ва темир йўл ишчиларининг умумий сони 43 минг бўлиб, шулардан 18 минг киши маҳаллий миллат вакиллари эди[2]. Бу ўз-ўзидан маҳаллий аҳолининг сиёсий онгини ўсишига, халқ озодлиги учун курашни кучайтиришга олиб келарди.

---

1. Иноятов Х.Ш. Победа Советской власти в Узбекистане. Ташкент, 1967, С.134.
2. Турсунов Х.Т. Улуғ Октябрь ва Совет Ўзбекистонида ленинча миллий сиёсат тантанаси. Тошкент, Ўзбекистон, 1977, 9 б.

в) Маданий соҳани икки қисмда олиш мумкин: I) Чор истибдоди ҳар қандай йўллар билан маҳаллий аҳолининг илмли бўлишига, маориф-маърифатнинг ривожланишига тўсқинлик қилишга уринарди. 2) Лекин шундай бўлса ҳам Ўрта Осиёда ўз халқининг озодлигини, тенг ҳуқуқли бўлишини ўз асарларида ифода этган Зокиржон Холмуҳаммад Фурқат, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Абдулла Солих Завқийлар етишиб чиқдилар ва халқни маърифатли бўлишга, ҳар қандай зулмга қарши чиқишга, ўз эрки учун курашга чорладилар.

Марказда амалга оширилган Октябрь инқилоби тез орада Туркистон ўлкасига ҳам етиб келди ва инқилобий вазиятни вужудга келтирди.

1917 йил 28 октябрь эрталаб Тошкентда ишчилар, аскарларнинг инқилобий қисми ва маҳаллий камбағал аҳоли қўзғолон бошлади. Вақтли ҳукумат қўшинларига қарши қаратилган қуролли қўзғолонда ўзбеклар, қозоқлар, руслар, тожиклар, қирғизлар фаол қатнашдилар. Тўрт кун давом этган қаттиқ кўча жангларидан сўнг, 1917 йил I ноябрда Тошкентда Шўро ҳокимияти ўрнатилди[I].

Чет эл тарихшунослигида, жумладан, буржуа тадқиқотчиларининг ишларида Ўрта Осиёда Шўро ҳокимиятини ўрнатиш тарихи ҳар хил кўрсатилади. Улар Туркистонда социалистик инқилоб учун ички объектив ва субъектив ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар йўқ эди, бу *ерда социалистик инқилобнинг ғалабаси қонуний ҳодиса бўлмай*, у ўзбек, тожик, қирғиз, туркман, қозоқ, қорақалпоқ меҳнаткашларининг *иштирокисиз, фақат руслар томонидан амалга оширилган* деб кўрсатишга уринмоқдалар. Албатта, бундай даъволарда маълум ҳақиқат бор. Чунки, Туркистонда Октябрь инқилобини асосан ўлкадаги большевиклар раҳбарлигида рус забон аҳоли бошлаб берди, ке-

---

I. Турсунов Х.Т. Улуғ Октябрь ва Совет Ўзбекистонида ленинча миллий сиёсат тантанаси, 9 б.

йинчалик маҳаллий аҳоли уларни қўллаб-қувватлади. Объектив ва субъектив шарт-шароит маълум даражада етилганлигини инкор қилиб бўлмайди.

Октябрь инқилоби ғалабасига Ўрта Осиё халқлари катта умид боғлаган эдилар. Октябрь инқилоби мамлакатимизда миллий масалани ҳал қтиб бериши, социалистик жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида барча миллат ва элатларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлаб бериши керак эди. Чунки асрлар давомида эзилган халқ мустамлакачилик кишанларидан озод бўлишни орзу қиларди. Афсуски, ҳаётда бундай бўлмади. Ўлка халқлари учун бир тузум ўрнига эркинлик, озодлик,, тенглик шиорларини дастак қилиб олган бошқа большевикча тузум келди, холос.

Шўроларнинг Бутунроссия II съездида қабул қилинган В.И.Ленин томонидан ёзилган "Ишчилар, аскарлар, деҳқонларга!" деган чиқирикда "Шўро ҳокимияти Россиядаги мавжуд барча миллатларнинг ҳақиқатан ўз тақдирини ўзи белгилашини таъмин этади" дейилган[I]. Дарҳақиқат, инқилоб ғалабаси мазлум халқлар тараққиёти учун кенг йўл очиб бериши керак эди. Бу масалани ҳал этиш Шўро давлати олдидаги биринчи навбатдаги вазифа эди. 1917 йил 3(16) ноябрда эълон қилинган "Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси"да Шўро ҳокимиятининг миллий масаладаги принциплари эълон қилинди:

"I. Россия халқларининг тенглиги ва суверенлиги.

2. Россия халқларининг ажралиб чиқиши ва мустақил давлат тузишгача ўз тақдирини эркин суратда ўзи белгилаш ҳуқуқи.

3. Ҳамма ва ҳар қандай миллий ва миллий-диний имтиёзлар ва чеклашларнинг бекор қилиниши;

4. Россия ҳудудида яшайдиган майда миллатлар ва этногра-

I. В.И.Ленин. Тўла асарлар тўплами, 35 т, II б.

фик гуруҳларнинг эркин тараққий этиши"[1].

Бу декларация Россия ҳудудида яшовчи халқларнинг тенглигига назарий жиҳатдан асос солди. Лекин бу қоидалар ҳаётда ўз аксини топдими? Йўқ. Чунки, большевиклар партияси қабул қилган қарор қоғозда қолиб, амалда олиб борилган сиёсат бошқа бўлди. Туркистон ўлкасида мустақил давлат тузиш йўлидаги ҳаракатлар бўғилди. Марказ органлари Россиянинг чекка ўлкаларини чоризм давридагидек *ушлаб туриш учун қаттиқ кураш олиб борди*. Бу борада маҳаллий бой ва амалдорлар аввалги мавқеларини бой бергиси келмай, ҳаракат қилиб қолишди. "Наша газета" 1917 йил июнь ойи сонларининг бирида маҳаллий аҳоли орасидаги норозилик тўлқини ҳақида хабар берди. Унда таъкидланишича, Тошкентдаги овул ва волость комитетларига сайловлар аввалгидек халқнинг бой қатламлари таъсирида ўтказилган, оқибатда ўзини йўқотган халқ оммаси фақат бойларни сайлаган. "Уезд аҳолиси, - дейилади рўзнома хабарида,- овул ва волость комитетларини қайта сайлашни талаб қилади, лекин буни ўзларини қолишларини мажбур қилаётган "сайланганлар" рад этмоқдалар"[2]. Бундай норозиликлар ўлканинг бошқа жойларида ҳам бўлди.

Дарҳақиқат, ўлкадаги демократик кучлар 1917-1918 йилларда миллатлар эркинлиги, равнақи, мустақил тараққиёти учун кураш олиб бордилар. Лекин уларнинг ҳаракатларини эзилган халқ оммаси тўла тушуниб етмади ва кенг қўллаб-қувватламади.

Ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Шўроларининг 1917 йил 15-22 ноябрда бўлиб ўтган III Ўлка съездида Туркистон мухторияти сари яна бир қадам қўйилди. Унда жами 114 делегат - Туркис-

---

1. Первая Советская Конституция (Конституция РСФСР, 1918 г.) Сборник документов. М., 1938, с.282.
2. Қаранг: "Наша газета" от 20 июня 1917 г.

тон ишчи ва аскар депутатлари барча Кенгашларидан вакиллар қатнашди. Съезд Раёсати 7 кишидан иборат эди. Булар: большевиклар ва маккималистлардан - 3 киши (Колесов, Залесский, Феоктистов), сўл эсерлардан - 2 киши (Успенский ва Котельников) ва бирлашган меньшевиклардан - 2 киши (Демидов ва Павлюченко) эди. Шуни таъкидлаш керакки, Раёсатда биронта маҳаллий миллат вакили йўқ эди. Бундай съездни ҳақиқий адолат тарозиси белгиси остида ўтди, дейиш мумкин эмас. Лекин шундай бўлса ҳам съезд иши қизғин мунозаралар остида борди. Ўнг эсерлардан бири Октябрь инқилоби социалистик характерини инкор этди ва яна Туркистон комитетини тузишни таклиф этди[1]. Уламолар бошлиғи Шерали Лапин мусулмонлар съезди резолюциясини ўқиб берди. Унда айтилишича, ҳокимият Советлар қўлига берилиши мумкин эмас[2], маҳаллий миллат меҳнаткашлар оммаси гўёки Шўролар якқаҳокимлигига қарши кайфиятда. У съезддан Туркистон мухториятини "ислом қонунлари" асосида бошқаришни, уни Россиядан узиб қўйишни талаб қилди. Шерали Лапин 12 вакилдан иборат Туркистон ижроия комитети мисолида ўлка ҳокимиятини тузиш лойиҳасини таклиф этди. Унда 3 киши - аскар, ишчи ва деҳқон депутатлари Кенгашлари Ўлка съездидан, 3 киши - шаҳар ўз-ўзини бошқарувидан, 6 киши - мусулмонлардан; бунда комитетда 20 кишидан иборат Кенгаш тузилади - назорат қилувчи орган, яъни унинг олдида Туркистон ижроия комитети масъул бўлсин; Кенгаш Шўролар съезди вакилларидан 5 киши, 5 киши - шаҳар ўз-ўзини бошқарувидан, 10 киши - мусулмонлардан иборат ташкил топиши керак[3].

---

1. Харин В.П. Великая Октябрская социалистическая революция в Узбекистане. Ташкент, Изд-во САГУ, 1958, С.115.
2. "Свободный Самарқанд", 25 ноября 1917 г.
3. Победа Октябрской революции в Узбекистане, Сборник документов, т.1, Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1963, С.675.

Туркистон мустақиллиги сари илгари сурилган бу фикр съездда қаттиқ қаршиликка учради. Ҳатто, Хўжанд Кенгаши вакили А.Раҳимбеев ўз нутқини: "мусулмон ишчилари фақат рус ишчилари билан бирга борадилар"[1], деб якунлади.

Съездда Туркистон биринчи ҳукуматининг таркиби сайланди. Унда большевиклар ҳокимият тузилишини Марказий Россиядагидек бўлишини қаттиқ талаб қилдилар. ЎМИК аъзоси Ф.И.Колесов: Аскарлар, ишчилар ва деҳқонлар ғалаба қозондилар, шунинг учун улар ҳокимиятни ўз қўлларига олишлари керак[2], деди. Лекин бу Туркистон ўлкасини маҳаллий миллат вакилларидан иборат ишчилар, деҳқонлар ва аскарлар бошқарсин деган маънони билдирмас эди. Шунингдек, ҳукуматда бирорта маҳаллий миллат вакили йўқ эди. Бу ҳол Шўро ҳокимияти маҳаллий органларини шакллантиришда ҳам содир бўлди.

Октябрь инқилоби берган эркинлик ва янги ҳаётни маҳаллий аҳоли орасида тарғиб қилиш унинг моҳиятини тушунтириш учун матбуот керак эди. Чунки мавжуд рўзномалар саҳифаларида тарихни сохталаштирувчи мақолалар босилар эди. Инқилобдан кейинок матбуот тўғрисида қабул қилинган декретга кўра, ХКС 1917 йил 16 декабрь қарори билан "Туркестанский вестник" ва "Туркестанский курьер" газеталарини ёпиб қўйди. Миллатчилик руҳидаги тарғиботи учун 1918 йил 13 майда "Изах" мусулмон ойномаси ёпилди. Шунингдек, Тошкент Кенгаши ижроия комитети қарори билан "Новый Туркестан" рўзномаси ҳам ёпилди[3]. Ваҳоланки, Октябрь инқилоби арафасида Туркистонда 6 миллионга яқин ўзбеклар, қозоқлар, қирғиз-

---

1. "Туркестанские ведомости" от 21 ноября 1917 г.
2. "Наша газета" от 18 ноября 1917 г.
3. Пўлатов Х. Культурно-воспитательная деятельность Советского государства в Узбекистане (период борьбы за построение фундамента социализма). Ташкент, Госиздат УзССР, 1959, С.44.

лар, тожиклар, туркманлар ва қорақалпоқлар яшаб, ўлкадаги бутун аҳолининг 86% ини ташкил қилар эди. Қолганлардан II,3% рус миллати ва 2,7% бошқа миллат вакиллари эди.[I]

Инқилоб туфайли марказда ҳокимият Шўролар қўлига ўтгач, Россияда миллий масалани ҳал этиш учун 1917 йил 27 октябрда биринчи Шўро ҳукумати таркибида И.В.Сталин бошлиқ Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ташкил этилди. Комиссарлик фаолиятида мамлакатдаги турли миллат вакилларини тўла тенг ҳуқуқлилигини амалга ошириш учун катта ишлар режаси ишлаб чиқилган эди. Лекин, бу комиссарлик ўзининг қуйи органларига вақтида етарли ёрдам беролмади.

Миллий масалани ҳал этишда Кенгашларнинг фаолияти айниқса муҳимдир. Туркистонда улар февраль инқилобидан кейин ташкил топа бошлади. 1917 йил мартига келиб улар 75 тани ташкил қилган[2]. Тошкент, Фарғона, Хўжанд, Самарқанд, Андижон, Ўш, Наманган ва бошқа шаҳарларда мусулмон ишчи депутатлари Кенгашлари ва Қўқон, Скобелев, Марғилон ва бошқа жойларда мусулмон мехнаткашлари Кенгашлари - "Иттифоқ", "Камбағаллар йиғилиши", "Мусулмон мехнаткашлари иттифоқи" ташкил топди.[3] Мусулмон депутатлари Кенгашини ташкил қилиш мақсадида 1917 йил 23 июнда Марғилонда катта митинг бўлди. Унда мардикорликдан қайтган 1000 киши ва маҳаллий туб аҳоли мехнаткашлари қатнашди. Митингда Кенгаш Раёсати сайланди.[4]

Тошкентда ташкил топган мусулмонлар "Иттифоқ" жамияти асосан қурилиш ишчилари, мардикорлар, майда ҳунармандлар, майда

I. Среднеазиатский экономический район. Ташкент,1922, С.22,32.
2. Шамсутдинов Р.Т. Делегаты Туркестана на Всероссийских и Всесоюзных съездах Советов. Москва, История СССР.№I,1987,С.II3.
3. Раджабов С.А. В.И.Ленин и советская национальная государственность. Душанбе, Ирфон, 1970, С.I4I-I42.
4. "Знамя свободы" от I июля 1917 г.

ҳунармандлар, майда савдогарлар, чойхоначиларни бирлаштирган эди. Унинг олдида ўқув юртлари, умумий таълим курслари, рўзнома, ойномалар, иқтисодий ва сиёсий масалаларда китобчалар ва китоблар нашр этиш, маҳаллий халқ орасида оммавий тушунтириш ишлари олиб бориш, кечалар, лекциялар, суҳбатлар уюштиришдек вазифа турар эди.

Июнда Самарқанднинг эски шаҳар қисми Шохи Зинда майдонида бўлиб ўтган иттифоқчилар уюштирган митингда 4 мингдан ортиқ киши қатнашди. Унда Мирбобо Йўлдошев сиёсий аҳвол ҳақида доклад қилди. У ва бошқалар маҳаллий миллат меҳнаткашларини иттифоққа бирлаштиришга чақирдилар. Бу орқали биргаликдаги кучлар билан ҳаётларини яхшилаш учун, ўз ҳуқуқлари учун курашишга имкон бўлади[1]. Лекин вазият ҳамма жойда бир хил бўлмади. Масалан, 1917 йил ўрталарида Фарғона вилоят ислом шўроси съездида қатнашган бир қанча меҳнаткашлар иттифоқи аъзолари унда мустамлакачи синф вакиллари қатнашаётганлигини билиб дарҳол съездни ташлаб чиқиб кетдилар[2]. Қўқон мусулмон меҳнаткашлар иттифоқи раиси А.Мирпўлатовнинг "Знамя свободы" редакциясига ёзган хатида шундай дейилади:

"...Биринчи кундан маълум бўлдики, съезд асосан ҳукмрон синфлар вакилларидан иборат ва ҳ. Съезд йўналиши бевосита Туркистон камбағал аҳолисига зиддир"[3].

1918 йил мартида бир қанча уездларда мусулмон ва деҳқон депутатлари Кенгашлари ишчи ва аскар депутатлари Кенгашлари билан қўшилди. Кенгашлар маҳаллий халқ оммаси орасида оммавий-сиё-

---

1. Гуманенко А. Октябрь в старом городе Самарканда (Исторический очерк), Ташкент, Госиздат УзССР, 1933, С.15.
2. Гордиенко А.А. Образование Туркестанской АССР. Москва, Юридическая лит. 1968, С.15.
3. "Знамя свободы", № 36, от 14 июля 1917 г.

сий ишлар олиб бордилар. Шунингдек, март-апрелда ишчи ва аскар депутатларига сайловлар натижасида маҳаллий миллат меҳнаткашларидан депутатлар сони анча кўпайди. Масалан, Тошкент Кенгаши ижроия комитети янги таркибига 7 та ўзбек ишчиси киритилди[1].

Кенгашлар ўз олдиларига бой ва золимлар таъсиридан маҳаллий аҳолини қутқариш, маҳаллий миллат вакилларидан ишчи кадрларнинг етишиб чиқишини таъминлаш, деҳқонларга ер бериш каби муҳим ишларни қўйган эдилар. Шунингдек, жамоат ва давлат ташкилотларида она тилини жорий этиш, сўз, матбуот, йиғилишлар эркинлиги, 16 ёшгача болаларнинг ўз она тилисида ўқишини ташкил этиш учун курашдилар. Бу албатта, Кенгашлардан катта куч-ғайрат, масъулият талаб қилар эди. Шунингдек у, анча илгарилаб кетган Россиянинг марказий қисми даражасига етиб олишга имкон берарди. Бунинг учун:

а) халқларнинг миллий хусусиятларига мос келадиган шўро давлат шаклларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

б) амалдаги суд, маъмурий, хўжалик, ҳокимият органларида маҳаллий аҳолининг руҳияти ва турмушини билувчи кишилардан ўз она тилида иш юритишини таъмин этиш;

в) ўзларида матбуот, мактаб, театр, клуб ишлари ҳамда умуман маданий-оқартув ташкилотлари ишини ўз она тилида жорий этиш керак[2].

Бундай масалани кўп миллатли Туркистон ўлкасида бажариш анча қийин эди. Чунки ўлка бошқарув органларида маҳаллий миллат вакиллари деярли йўқ, мавжудлари эса маҳаллий халқ турмушини билмас эдилар. Бу салбий ҳолатлар янги Шўро ҳокимиятидан катта масъулият талаб қилар эди. Лекин бундай масъулият ўз вақтида

I. "Наша газета" № 75 от 16 апреля 1918 г.

2. Раджабов С.А. В.И.Ленин и советская национальная государственность. С. 161-162.

чуқур англаб етилмади, кейинчалик социализм ва коммунизм қурилиши ҳақидаги чақириқлар умумий оқимида миллий хусусиятлар эсдан чиқарилди, уни талаб қилганлар эса, миллатчиликда айбланди.

Октябрь инқилобидан сўнг Туркистонни мухтор республика сифатида давлат қурилиш муаммоси ниҳоятда мураккаб масала эди. Бунинг учун ўлкада шарт-шароит мавжуд бўлсада, уни амалга ошириш учун етарли куч йўқ эди. Большевиклар ҳам бу масаланинг туб моҳиятини тушниб етишни истамадилар, бутун куч-ғайрат ўлкани Шўролар қўлида маҳкам ушлаб туришга сарфланди.

Туркистонда миллий сиёсатни ҳал этишда ва янги давлат қурилишини шакллантиришда миллий буржуазия ва диний арбоблар фаоллик кўрсатдилар. Улар миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принципини илгари сурдилар. Асрлар давомида қуллик, изтироб кишанларида эзилган халқ ўз тараққиёт йўлини четдан келувчилар фикри билан эмас, балки ўз тарихий тараққиёт йўли билан белгилаши керак эди. Туркистон ўлкасида қилинган бундай ҳаракатлар марказдаги органлар томонидан таъқиб этилди.

1917 йил 27 ноябрда Қўқонда фавқулодда умуммусулмон съезди бўлди. Унда "Шўрои исломия", "Уламо", "Алаш-Ўрда", партия вакилларидан ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман миллатига мансуб кишилар қатнашди. Съездда Туркистон мухторияти эълон қилинди. Мустафо Чўқаев, М.Танишбоев бошчилигида "мухтория ҳукумати" тузилди. Ҳукумат таркибига 54 киши киритилди. Шулардан 36 киши маҳаллий миллат вакиллари эди. Ваҳоланки, "Туркистон республикасида 95% мусулмон ва фақат 5% руслар яшайди, - деган эди А.А.Казаков 1919 йил 24 майда мусулмон коммунистларининг I Ўлка конференциясида, - ва шу 5 фоиз бутун ҳокимиятни деярли ўз қўлида ушлаб турибди. Шундай қилиб озчилик ҳукмронлиги давом этмоқда. Лекин бу вақтинча ҳол. Мусулмон дунёси тайёр бўлгач, биз рес-

публикани бошқариш ишини унга топширамиз. Биз уларга ёрдам берамиз"[1]. Ҳа, улар маҳаллий аҳоли саводсиз, пролетариат йўқ, шу боисдан улар ҳокимиятни мустақил бошқаришга тайёр эмас, деган уйдирмалар билан мустақил давлат сари босилган қадамни йўққа чиқардилар. Лекин, Қўқон мухториятини тан олиш ҳолати ҳам бўлди. "Наша газета" да: "Тошкент Кенгаши ва Халқ Комиссарлар Кенгаши Туркистон ўлкасини мухториятлаштириш масаласида мусулмонлар билан қардошдилар, чунки бу инқилобни эгаллашнинг бири бўлади..."[2], деб ёзди. Афсуски, бу ҳукумат фаолияти узоққа чўзилмади. Тарихчи В.П.Харин айтганидек, Шўро қўшинлари ... 1918 йил февралида "Қўқон мухторияти"ни тугатдилар[3]. 1918 йил январь ойида эса Скобелев шаҳар ҳокими В.Д.Доримедов "Знамя свободи" рўзномасида "Рус большевиклари ҳар қандай мухториятни тан олмадилар ва мазлум халқлар ўз ҳуқуқлари ва тақдирларини ҳақиқатан ўзлари белгиламоқчи бўлганларида бунга йўл қўймадилар"[4], деб ҳаётий ҳақиқатни айтган эди. Албатта, Қўқон мухторияти фаолияти чуқур илмий тадқиқотни талаб қилади ва у бутунлай бошқа мавзудир.

Шўро ҳокимияти ўлкада миллий масалани ҳал этишда эҳтиёткорлик билан иш олиб бориши зарур эди. Чунки илгари эзилган халқларнинг миллий урф-одатларини, расм-русмларини тиклаш, миллий ишончсизликни йўқотиш зарур эди. Бунинг исботи учун, ХКСнинг бир қанча декретлари ва Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг қарорларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бутунроссия мусулмонлар Кенгаши вакиллари Миллатлар ишлари халқ комиссарлигига му-

---

1. Каримов Ш. Қафасдаги қуш орзуси. Тошкент, "Фан", 1991, 50 б.
2. Қаранг: "Наша газета". № 148, 12 декабря 1917 г.
3. Харин В.П. К вопросу о первых аграрных мероприятиях Коммунистической партии Туркестана (ноябрь 1917-1918 гг.) Труди ТашГУ им. В.И.Ленина, История КПСС, в.170. С.103.
4. Қаранг:"Знамя свободы" январь 1918 г.

сулмонларга "Муқаддас самовий қуръонни" қайтаришни таклиф қиладилар. И.В.Сталин вакилларни шахсан қабул қилиб суҳбатлашади. 1917 йил 9 декабрда Халқ Комиссарлар Кенгаши дарҳол Ўлка мусулмонлари съездига "Муқаддас самовий қуръонни" Давлат халқ кутубхонасидан олиб уларга топширишга қарор қилди"[1]. Бу эса маҳаллий аҳолининг Шўро ҳокимиятига бўлган ишончини янада оширди.

Шўроларнинг III Бутунроссия съездида (1918 йил январь) қабул қилинган "Эксплуатация қилинувчи ва меҳнаткаш халқ ҳуқуқлари Декларацияси"да илгари сурилган қоидалар миллий масалани ҳал этишда катта аҳамият касб этарди. "Россия Шўро республикаси, - дейилади Декларациянинг иккинчи моддасида, - озод миллатларнинг эркин иттифоқи асосида шўро миллий республикалари федерацияси сифатида ташкил топади"[2].

15 январь куни съездда миллий масала бўйича И.В.Сталин маъруза қилди. Унда Россия Шўро республикаси асосий принциплари лойиҳасини баён этиб, биринчи марта Шўро республикалари федерациясини ташкил қилиш билан боғлиқ масалани кўтариб чиқди. Шунингдек маърузада, буржуа доираларининг ҳокимият масаласида миллий масала ниқоби остида марказ билан чекка ўлкалар муносабатларининг қарама-қарши қўйишаётганлиги фош қилинди.

Съезд Шўро ҳукуматининг миллий масаладаги сиёсатини тўла маъқуллади. Съезднинг қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда жойларда мавжуд бўлган Миллатлар ишлари халқ комиссарликлари фаоллик кўрсатдилар. 1918 йил 17 январда В.И.Ленин ва И.В.Сталин "Россия ичкарисида мусулмонлар ишлари комиссарияти"ни тасдиқлаш ҳақидаги Халқ Комиссарлар Кенгашининг декретига имзо чекдилар"[3].

---

1. СУ (Собрание Узаконений и распоряжений Рабочего и Крестьянского Правительства), 1917 г. № 6, стр.103.
2. "История советской Конституции в декретах и постановлениях Советского правительства 1917-1936", стр. 55.
3. СУ., 1918 г. № 17., стр. 243.

Комиссар этиб татар инқилобчиси Мулланур Вохитов тасдиқланди.

Россиянинг чекка ўлкаларида, жумладан Туркистонда, партия ва Шўро ҳокимиятининг эътиборини тезлик билан Туркистон ишларига аралашишига ва миллий сиёсатни тўғри ҳал этилишини амалга оширишга қаратишга жалб этилди. Мана шу сабабдан РСФСР ХКСнинг топшириғига биноан Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги "Қозон, Уфа, Оренбург, Екатеринбург, Туркистон ХКС ва бошқаларга Шўро ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари тўғрисида" деган Мурожаатни эълон қилди. Унда айтилишича, марказда бошланган социалистик *инқилоб, ўлкаларга, айниқса, шарқий ўлкаларга бир қанча кеч* ёйилди. Иқтисодий қолоқликдан ташқари, узоқ районларнинг маиший ва тил соҳасидаги заифлиги, Шўро ҳокимияти мустаҳкамланишини анча мураккаблаштирди: "У ерда халқ ҳокимияти бўлиши учун, - дейилади Мурожаатда, - инқилобий тараққиёт жараёнига эзилган халқ оммасини ва меҳнаткашларни тортиш учун махсус қўлланмалар керак, халқ ҳокимиятини Шўро ҳокимиятигача кўтариш зарур, уларнинг илғор вакилларини Шўроларга тортиш керак"[1].

Шунингдек, ҳужжатда таъкидланганидек, "маҳаллий мактаблар, судлар, маъмурий идоралар, ҳокимият органлари, ижтимоий-сиёсий муассасаларни, ижтимоий-сиёсий ишнинг ҳамма соҳаларида ўлка меҳнаткаш халқ оммаси учун ўз она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи гарантияланади"[2]. Бу ҳужжат миллий сиёсатни амалга оширишда бундан буён хатоликларга йўл қўймаслик учун дастурамал бўлди.

Шўро ҳокимиятини қуриш ва уни мустаҳкамлаш учун жанговар қуролли таянч вужудга келтириш зарур эди. Бунинг учун эса эски армияни тугатиш лозим эди. 1917 йил ноябрда РСФСР ХКС декрети билан эски армия тугатилганлиги эълон қилинди.

---

1. История советской Конституции (В документах) 1917-1956. Госюриздат., Москва, 1957, с.121.
2. Ўша жойда, 122 бет.

Ўлка ХКС алоҳида декрет билан ҳамма жойда Қизил Армия (ун-гача Қизил гвардия) тузишга киришди. Бутун Туркистонда қизил гвардиячи отрядлар вужудга кела бошлади. Андижон, Наманган, Қў-қон, Скобелев, Жиззах, Чоржўй, Янги Бухоро, Самарқанд шаҳарлари ҳамда ўлканинг бошқа жойларида Қизил гвардия отрядлари тузил-ди"[I]. Ҳамма миллатларнинг меҳнаткашлари отрядларга кира бошла-дилар. Масалан, "... Скобелевда рус дружиналарининг учдан икки қисми оврупаликлар ва учдан бир қисми ўзбек батраклари эди"[2]. Ўрта Осиё ерли аҳолиси - ўзбеклар, туркманлар, қозоқлар ва шу каби бошқа миллатлар - Қизил гвардия тузишда фаол қатнашдилар, аксилинқилобга қарши курашда ўз ҳиссаларини қўшдилар. Маҳалла-ларда Ишчи-Деҳқон Қизил Армиясини тузиш маҳаллий Ишчи ва аскар депутатлари Кенгашлари зиммасига юкланди. Бутун ўлкада Қизил Армия ташкил этиш ишларига раҳбарлик қилиш учун Туркистон ҳарбий бўлими тузилди.

I9I8 йил март ойи ўрталарида "Туркистон ўлкасида Ишчи-Деҳ-қон Қизил Армияси тўғрисида вақтинча низом" ишлаб чиқилди[3]. Ер-ли аҳоли орасидан юзлаб кўнгиллилар Қизил Армия сафларига кира бошладилар. Қизил Армия округ штабининг I9I8 йил май ойи бошла-ридаги ахборотида айтилишича, ерли аҳоли вакилларидан Қизил Ар-мия сафларида Тошкентда 935 киши, Скобелевда 500 киши, Чоржўй-да 300 киши, Черняевда 220 киши, Термизда I20 киши кирган. I9I8 йил 26 мартда Қўконда кўнгилли Армия сафига бирданига 240 киши ёзилган[4]. Андижон, Наманган, Самарқанд, Янги Бухоро, Каттақўр-

---

I. Иноятов Х. Ўзбекистонда Октябрь революциясининг ғалабаси. Тошкент, Ўзбекистон, I986, 99 б.

2. Березкин В.К. К I0-летию I-го съезда Красной гвардии и Крас-ной Армии Туркестана. "Революция в Средней Азии". Сборник. Ташкент, I929, с.I2I.

3. Иноятов Х. Ўша асар., I00 б.

4. Александров А.И. Из истории организации Красной Армии в Тур-кестане. "Военный вестник Туркестана". I922 г, № 5-6, С. 74.

ғон ва бошқа шаҳарларда ҳам шундай отрядлар ташкил топди. Бу эса Ўрта Осиёда Шўро ҳокимияти ғалабасини сақлаб қолишда муҳим таянч эди. Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ва унинг бўлимлари жойларда республика қуролли кучларини мустаҳкамлаш учун катта ва муҳим ишлар олиб бордилар.

Туркистон МСР ҳукумати органлари таркибига ерли аҳолининг меҳнаткаш вакилларини, инқилоб тараққиётининг бошланғич даврида алоҳида иш кўрган мусулмон депутатлари Кенгашларнинг умумий мақбул шакли билан бирлаштириш йўлини излашга уринишлар бўлди. Республика Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1918 йил 9 сентябрда чиқарган "Мусулмон депутатлари Кенгашларини тугатиш ва уларни шаҳарлардаги район Кенгашларига айлантириш" тўғрисидаги қарори бу жиҳатдан айниқса характерлидир[1]. Туркистон МСР ҳукумати айни бир вақтда 1918-1919 йилларда амалий равишда янги шўро суди органларини, халқ маорифи шахобчаларини ташкил қилишга киришди, ерли аҳоли тилларида ташвиқотчилик адабиётини кенг тарқатиш йўлида анчагина иш қилди, бундан мақсад республиканинг меҳнаткаш оммасига унинг вазифаларини ҳамда Шўро ҳокимиятининг моҳиятини тушунтириб бериш эди.

Туркистон МСРнинг бу тадбирлари Туркистон Шўро мухториятининг асосий қоидаларини амалга оширишни кўзда тутса ҳам, лекин бир қанча ўзига хос сабабларга кўра, 1918-1919 йилларда бу тадбирлар бирмунча кенг кўламда ва сиёсий жиҳатдан самарали равишда амалга оширилмади[2].

Туркистон ўлкаси миллий муносабатларида янгича хусусиятларни унинг асрлар давомида ўзиб келган зулмат кишанларини улоқ-

---

1. Қаранг: "Наша газета", № 161, 13 сентября, 1918 г.
2. Иномжонов З. Туркистон АССРнинг ташкил этилиши ва ривожланиши. "Қизил Ўзбекистон", "Правда Востока", "Ўзбекистони Сурх", бирлашган нашри. Тошкент, 1957, 32 б.

тирганлигида, ёш Шўро ҳокимиятини мустаҳкамлашда барча миллат вакилларининг иштирокида кўриб ўтдик. Большевикларнинг чоризмнинг миллий зулми сиёсатига қарши, ишчилар ҳаракатидаги миллатчилик тенденцияларига қарши олиб борган кураши натижасида сиёсатда ҳам, пролетар партиясининг ташкилий қурилишида ҳам байналминаллик ғоялари устун келди.

Туркистон ўлкасида миллий масаладаги муаммоларни ҳал этишда В.И.Ленин асарларида ва партия дастурида миллатларнинг давлат бўлиб ажралишигача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг эътироф этилиши, миллатларнинг фақат ҳуқуқ жиҳатидангина эмас, балки ҳақиқий тенглигини ўрнатиш зарурилги, эксплуататорларга қарши курашда барча миллат меҳнаткашлари манфаатларининг бирлиги асослаб берилганлигини асосий замин қилиб олинди.

В.И.Ленин чор Россиясининг собиқ мустамлакаларидаги аҳволни ва ўша ўлкаларда рус коммунистлари олиб борган ишларни ўрганиб чиқиб, қолоқ миллий чекка ўлкаларнинг капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, социализмга ўтиши мумкинлигини асослаб берди ва уни амалга оширишда ҳам иштирок этди. Буни Ўрта Осиё республикалари мисолида яққол кўриш мумкин.

Фикрларни хулоса қилар эканмиз, Ўрта Осиёдаги миллий сиёсатни ўзига хос хусусиятини алоҳида таъкидлаймиз. Синфий табақаланиш сиёсати - маҳаллий аҳолига ён бериш сиёсати: шароит ва одат бўйича амал қиладиган судларнинг ишлашига рухсат бериш, касаба мактабларининг вақтинча ишлашига рухсат бериш, маҳаллий миллат зиёлилари ва руҳонийларининг илғор қисмини Шўро ҳокимияти тарафига жалб қилишга қаратилган тадбирлар ана шулар жумласидандир. Лекин умумий маънода большевиклар партияси илгари сурган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақидаги, мустақил давлат тузиш ҳақидаги назариялари амалиётдан узилиб қолди, ҳаётда

ўз ифодасини топмади. Айниқса бундай салбий ҳол В.И.Ленин вафотидан сўнг авж олиб, большевиклар партияси раҳбарияти назария билан амалиётнинг ажралиб қолишига йўл қўйди, буюк шовинизм сиёсатини қўллаб, миллий чекка ўлкалар меҳнаткашлари, партия ва давлат органлари ҳақ-ҳуқуқларини қўпол равишда поймол қилди, уларнинг марказга тўла тобелигини таъминлаш учун ҳар бир майда-чуйда ишларга ҳам аралашаверіб, партия диктатурасини, турма социализмини ўрнатди. Бу эса оқибатда демократик кучларнинг бош кўтаришига, жамиятдаги иллатларни очиб ташлаб, унинг демократик тараққиётига йўл очишга мажбур этди. Ўзини оқламаган, жамиятдаги барча қусурларнинг айбдори сифатида ўз умрини тугатишга олиб келди. Бу эса миллий-озодлик ва мустақилликка эришиш ҳаракатини келтириб чиқарди. Натижада СССР тугатилиб, унинг ўрнида мустақил, суверен давлатлар вужудга келди ва уларнинг ҳамдўстлиги каби ҳамкорликнинг янги шакли вужудга келди.

2- §. Туркистон МСР миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг ташкил этилиши ва унинг вазифалари

Ўрта Осиёдаги, яъни "халқлар турмасининг" бир минтақасидаги Октябрь инқилоби арафаси воқеалари шиддат билан тус олди. РСДРП Туркистон ташкилотлари билан бирга маҳаллий-миллий ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва партияларнинг фаолияти кучайиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига кириб бора бошлади. Ўлка социал-демократлари бундан чўчиб, ўз таъсирини кучайтиришга кўп ҳаракат қилдилар ва бошқа сиёсий кучлар билан бирлашишга мажбур бўлдилар. Большевикларнинг қарашлари бу жиҳатдан сўл эсерлар ва меньшевикларникига яқинлашар эди. Чунки уларнинг бирортаси деҳқонларга, қишлоқ ва овуллардаги сиёсий, ташкилий ишларга етарли баҳо берма-

ди, деҳқонлар улар учун "йўқ синф" эди. Туркистон большевикларининг ҳам бу борада тажрибасизлиги аниқ кўринди. Шунингдек, ишчи, аскар, деҳқон депутатлари Кенгашларидаги устунлик мавқеини эгаллаган эсерлар ва меньшевиклар большевикларнинг миллий, сиёсий, иқтисодий соҳалардаги ҳаракатларига тўғаноқ бўлиб келдилар. Большевикларнинг халққа берган ваъдалари жуда катта эди. Шунинг учун Октябрь инқилобида қатнашган мусулмонлар тузилажак Туркистон мухториятини қуйидагича тасаввур қилганлар:

- Туркистон федератив республикаси ички бошқарув бўйича мустақил ва ўз парламентига эга бўлади. Бу парламентнинг қонуний амалиёти Россия Республикасининг асосий қонунларига ва шариатга мослашган бўлади. Туркистон парламенти Россиянинг олий ҳокимиятида ўз вакилларига эга бўлади.

- Туркистон федерацияси Тошкентда ўзининг "Маҳкамаи Шаръия", яъни қонунлар палатасига эга бўлади. Унинг раиси "Шайхулислом", яъни бош-прокурор вазифасини бажаради. "Маҳкамаи Шаръия" аъзолари, яъни сенаторлар аҳоли томонидан 5 йил муддатга сайланади.

-Туркистон федерацияси ўзининг олтин тангасини, қоғоз пулларини чиқаради ва ўз банкига эга бўлади.

- Туркистон федерацияси ўз миршаби ва миллий қўшинларига эга бўлади. Шунингдек, уруш вақтида эса миллий қўшин Россия Республикаси ихтиёрига ўтади. Туркистон федерациясининг Россия ҳамда чет эл чегараларида ўз божхонаси бўлади. Почта, телеграф, темир йўллар Россия республикаси ихтиёрида бўлади[I].

Лекин, бу тасаввурлар Туркистон Шўроларининг III Ўлка съездида (1917 йил 15-22 ноябрь) бутунлай бошқача тус олганлигини олдинги параграфда кўриб чиққан эдик. Вазият шундай тус олгандан кейин мусулмонлар ўзларининг IУ қурултойини чақиришга

I. Қаранг: "Туркестанский курьер", № 243, II ноября 1917 г.

ҳаракат бошлаган эдилар. В.И.Ленин ва И.В.Сталиннинг имзоси билан 1917 йил 20 ноябрда мусулмонларга "Мурожаатнома" чиқарилди, унга асосланиб Туркистонда мустақил мусулмон давлати ташкил этилган эди. Лекин у зўровонлик билан қулатилиб, яна Марказ тасарруфига бўйсундирилган эди. Ваҳоланки, "Мурожаатнома"да:

"... Россия шоҳлари томонидан масчит ва номозгоҳлари вайрон этилган, имом-эътиқоди ва одатлари топталган барча халқлар! Бундан буён сизнинг одат ва эътиқодингиз, сизнинг миллий ва маданий даргоҳларингиз эркин ва дахлсиздир. Ўз миллий ҳаётингизни эркин ва ҳеч бир тўсиқсиз яшанг. Сизнинг бунга ҳаққингиз бор. Сиз ўз мамлакатингизнинг эгалари бўлишингиз керак..."[1], дейилган эди. Лекин, афсус оғиздаги баёнот, миллий халқларни чалғитиш бўлиб чиқди, амалда эса бунга заррача бўлса ҳам йўл қўйилмади. III Бутунроссия Шўролар съезди 1918 йил январида қабул қилган "Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси"да Россияни озод миллатларнинг озод иттифоқи, Шўро миллий республикалар федерацияси деб эълон қилинди. Унда шундай дейилади: "... III Шўролар съезди Россиядаги ҳамма миллат меҳнаткаш синфларининг ҳақиқатан тўла ва мустаҳкам иттифоқини вужудга келтиришга интилиб, Шўро республикалари федерациясининг туб асосларини белгилаш билан чекланади..."[2]. Федерация мавжуд бўлишининг келажаги ва характерини аниқлашда ленинча кўрсатма катта аҳамиятга эга бўлди. Худди ана шу мақсадларни ва В.И.Ленин томонидан ёзиб Шўроларнинг Бутунроссия II съездида эълон қилинган "Ишчилар, аскарлар ва деҳқонларга!" деган Мурожаатдаги Шўро ҳокимияти "Россияда яшовчи барча халқларга ўзини белгилаш ҳақиқий

---

1. "Документи внешной политики СССР", 1957, ч.I, С. 34-35.
2. СУ РСФСР, 1918 г. № 15, С. 215. ёки Иномжонов З. "Туркистон АССРнинг ташкил этилиши ва ривожланиши", 15 б.

ҳуқуқини таъмин этади" деган бандга асосан РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги тузилган эди. Унинг тасарруфига миллатлар ҳаётининг барча соҳалари: иқтисодий, маданий, маориф, ҳокимият органлари қурилиши, мудофаа ва Қизил Армия қисмларини шакллантириш масалалари кирди. Бошқа комиссарлик ва идоралар миллатлар ҳаётига боғлиқ масалаларни бу комиссарликдан ташқари ҳал қила олмас эди. Дастлабки даврда комиссарликда бор-йўғи уч киши ишлаган. Поляк, литва, мусулмонлар, яҳудийлар, беларус, арман миллий комиссарликлари тузилгандан кейин, Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг раҳбар органи коллегия ташкил этилди. Комиссарлик тизими қуйидагича эди: коллегия, матбуот органи, бўлимлар. Барча миллий республикалар комиссарлари ҳал қилувчи овоз билан коллегияга кирди. Комиссарлик қошида Шўро ҳокимиятининг тарғиботи ва ташвиқоти, миллий комиссарликлар билан алоқалар таҳририят, умумий декретлар тайёрлаш, ажнабийлар билан алоқалар, статистика столлари мавжуд эди[1]. 1918 йил 14 апрель куни коллегия мажлисида марказий ахборот бюроси ташкил этишга қарор қилинди. Шуни ижобий баҳолаш керакки, даврга қараб комиссарлик тизими ўзгартириб турилди. Масалан, 1920 йилнинг ўзида уч марта: 19 май, 30 октябрь, 16 декабрда шундай қилинди[2]. ЎМИКнинг 1920 йил 19 май қарорига кўра, комиссарликда миллий республикалар махсус вакиллиги тузилди ва янги орган - Миллатлар Кенгаши вужудга келди.

Бу вақтга келиб Туркистонда Шўро ҳокимияти анча мустаҳкамланган бўлиб, ўлкада Шўро мухториятини ташкил этиш учун замин яралган эди.

---

1. МДА, 1318 ф. 2-ҳужж. 1- б. В кн. Песикина Е.И. Народнй комиссариат по делам национальностей и его деятельность в 1917-1918 гг. Москва, АОН при ЦК ВКП(б), 1950, С. 63.
2. Матвеева Т.М. Деятельность Наркомнаца в годн гражданской войнн (1918-1920 гг.). Автореф.канд.дисс. М,МГПИ,1950. С. 8.

Шўроларнинг III съезди қабул қилган Декларация ташкил топаётган мустақил республикаларни марказлашган давлатга бирлашишга даъват этди. Ана шу мақсадда В.И.Ленин ташаббуси билан 1918 йил апрель ойининг бошларида Ўрта Осиёга фавқулодда комиссар сифатида П.А.Кобозев келди. Тез орада РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги "Қозон, Уфа, Оренбург, Екатеринбург, Туркистон ХКСига ва бошқаларга" директив дастурини жўнатди[1]. Унда шўро мухторияти асосларида миллий ўлкаларда давлат қурилиши тўғрисида ва Шўро давлати қурилишига маҳаллий миллатни жалб қилиш ҳақида аниқ кўрсатмалар берилган эди.

Шундай қилиб, 1918 йил 20-30 апрелда бўлиб ўтган Туркистон Шўроларининг У Ўлка съезди РСФСР таркибида Туркистон Мухтор Шўро республикаси тузилганлигини эълон қилди. Съезд ишида РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги қошидаги Татар-бошқирд комитети аъзолари Ю.Иброхимов ва А.Клевлеевлар иштирок этдилар. Туркистон МСРни маъмурий жиҳатдан беш: Еттисув, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд ва Каспийорти вилоятлардан иборат қилиб тузилди[2]. Шунинг учун ҳам Туркистон МСРнинг ўлкада яшовчи қозоқ, қирғиз, ўзбек, тожик, туркман, қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг бирлашган кўп миллатли шўро республикаси сифатида ташкил топганлиги муҳим босқич бўлди. Туркистон ўлкаси умумий аҳолисининг 41,4 фоизи ўзбеклар, 19,4 фоизи қозоқлар, 10,8 фоизи қирғизлар, 7,6 фоизи тожиклар, 4,7 фоизи қорақалпоқлар, қолганлари руслар ва бошқа миллатлар эди[3].

Демак, Туркистон МСР шу ўлкада яшовчи барча миллатларнинг давлати бўлиши зарур эди. Туркистон жуда катта майдонни эгал-

---

1. "Наша газета", 13 апреля 1918 г.
2. ЎзР МДА 36 ф. 1- рўйх. 10-ҳужж. 2 б.
3. "Революционний Восток", 1934, № 6, С.115.

лайди. У ўзининг ҳудуди жиҳатидан Англия, Франция, Италия, Дания, Финляндия, Швейцария, Бельгия (бирга олинган) ҳудудларидан катта эди[1]. *Ўрта Осиёда Туркистон МСР билан биргаликда Хоразм* Халқ Шўро Республикаси, Бухоро Халқ Шўро Республикаси мавжуд эди.

Россиядаги барча халқларнинг тенг ҳуқуқли асосда тараққий этишида 1918 йил январида Шўроларнинг III Бутунроссия съездида ташкил этилган кўп миллатли Шўро давлати - РСФСР катта роль ўйнаши керак эди. Съезд томонидан қабул қилинган Декларацияда: "Шўро Россияси республикаси шўро миллий республикаларининг федерацияси сифатида, озод миллатларнинг озод иттифоқи асосида таъсис этилади" дейилган[2].

Шундай қилиб, У Ўлка съезди Туркистон МСР тузилганлигини эълон қилди ва унинг низомини тасдиқлади. Унда шундай дейилган эди: "Туркистон ўлкаси ҳудуди Россия Шўро федерациясининг Туркистон Шўро республикаси деб эълон қилинади. Туркистон Республикаси таркибига Хива ва Бухородан ташқари, географик чегаралари билан бутун Туркистон мамлакати киради"[3].

Мусулмонлар тақдири билан фақатгина Туркистонда эмас, балки марказда ҳам баъзида қизиқиб турилди. Жумладан, РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги тизимида биринчилардан бўлиб мусулмонлар комиссарлиги ташкил топди. Унинг ташкил этилиши кўп сонли буржуа миллатчилик руҳидаги ташкилотларга қарши қаратилган эди. Бу комиссарлик ўз фаолиятида Волга бўйи, Урал ёқаси, Қрим,

---

1. Уразаев Ш.З. Государственный строй Туркестанской Автономной Советской Социалистической Республики. (1917-1924), Ташкент, АН УзССР, 1962, С. 4.
2. "Наша газета", 5 мая 1918 г.
3. *Третий Всероссийский съезд Советов Рабочих, солдатских и* крестьянских депутатов". Петербург. 1918.

Ўрта Осиё, Кавказ ҳудудларида яшовчи мусулмон халқлари ҳаётини қамраб олади, деб ўйланган эди. Лекин тез орада маълум бўлдики, бундай катта майдонда иш олиб бориш қийин. Шуни ҳисобга олиб В.И.Ленин 1918 йил 17 январда Россия ичкарисида мусулмонлар ишлари комиссарлигини тузиш тўғрисидаги декретга имзо чекди. Мулланур Вахитов комиссар этиб тайинланди[1]. Комиссарлик тузилиши биланоқ татар тилида кунлик "Чўлпон" рўзномаси нашр этила бошланди. У дастлаб 20 минг нусхада чиққан бўлса, кейинроқ 40-50 минг нусхага етди.

Маълум вақт ўтгандан кейин бу комиссарлик марказий татар-бошқирд комиссарлиги деб аталди. Бу номланиш тор маънода деб ҳисобланиб, 1918 йил апрелда Марказий Мусулмон комиссарлиги деб номи ўзгартирилди. Шу йил июль ойида комиссарлик қошида Туркистон ва Кавказорти бўлимлари ташкил топди[2].

Туркистон республикасида эса Ўлка Шўроларининг У съезди қарорига кўра 1918 йил 30 апрелда Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги тузилди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор эди. Бу биринчидан, илгари эзилган, қолоқ бўлган халқ оммасининг сиёсий дунёқарашини шакллантириш, иккинчидан, ўлкада яшовчи турли миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлигини амалга ошириш, учинчидан, ўлкада миллий кадрларни тайёрлаш эди, чунки империя даврида Ўрта Осиёда маҳаллий аҳолидан саноат ишчилари деярли шакллантирилмади. Юқорида таъкидлаганимиздек, чоризм маҳаллий миллат ишчиларини етиштиришдан манфаатдор эмас эди.

Комиссарлик тузилиши билан Миллатлар ишлари халқ комиссари И.В.Сталинга қуйидаги мазмунда телеграмма жўнатилди: Туркистон

---

1. Декреты Советской власти. т.I. С.367.
2. Образование Татарской АССР. Сборник документов и материалов. Казань, 1963, С.84.

Республикаси эълон қилиниши билан Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги тузилди. Марказий Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг кўрсатмаларини қўлланма сифатида тавсия қилишингизни сўрайман. Қандай бўлимлар мавжуд ва улар қандай вазифани бажаради[1].

Демак, кўп миллатли Туркистон республикасида бу масалани тўғри ҳал этиш учун ҳали аниқ йўл-йўрик йўқ эди. Аммо, бундай комиссарликнинг фаолият кўрсатиши зарур эди. Чунки, Туркистон ўлкасида яшовчи миллатларни тўғри тараққиёт йўлига олиб чиқиш лозим эди. Бунинг учун эса кадрларни четдан эмас, балки шу ернинг ўзида тайёрлаш зарур. эди.

Шундай қилиб, Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ҳали ҳеч қандай дастуруламалсиз ташкил топди. Орадан яқин уч ой вақт ўтиб, 1918 йил 23 июлда Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети миллий ишлар секциясига Комиссарлик билан бирга унинг қоидаларини қайта кўриб чиқишни кўрсатиб ўтди[2].

1918 йил 10 августда Туркистон МСР МИК Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг қисқача Низомини тасдиқлади. Унда жумладан, шундай дейилади:

Россия Шўро Федерацияси Туркистон республикаси жойларида, аҳоли миллий таркибининг турлича бўлганлигидан зарурат туғилганда депутатлар кенгашлари (Совдеплар) ўлка миллатлар ишлари комиссарлигида бошқа миллий ишлар бўлимларини бирлаштирувчи бўлимлар билан тенг асосларда ташкил этилади, чунки алоҳида миллатлар ижтимоий турмуш манфаатлари ҳимоячиси ва вакили ва Шўро ҳокимияти принципларини ўлкадаги турли миллатлар орасида ҳаётга йўналтирувчи ҳисобланади[3].

---

1. ЎзР МДА, 36 ф. 1- рўйх. 4 ҳужж. 4 б.
2. Ўша ерда. 17 ф. 1- рўйх. 1060 ҳужж. 6-6 орк. б.
3. Ўша ерда. 36 ф. 1- рўйх. 15 ҳужж. 42 б.

Қарорда қуйидагиларга ҳам алоҳида эътибор берилди. Комиссарлик қошида ўлкадаги ҳар бир миллат учун марказий бўлимлар тузилади. Уни ана шу миллатга мансуб кишилар бошқаради. Ўз-ўзидан бу бўлимларнинг мудирлари комиссарлик қошидаги коллегия аъзолари ҳисобланадилар. Бўлимларнинг мудирлари шу миллат меҳнаткашлари ўлка съезди томонидан сайланади. Жойлардаги миллатлар ишлари бўлимларида миллий секциялар тузилади. Бу ерда шу нарса характерлики, қайси вилоят бўлишига қарамай у ерда қанча миллат яшаса шунча миллий секциялар тузиладиган бўлди.

Булар комиссарликнинг вазифаларини белгилашга қаратилган биринчи ҳаракат эди. Унда албатта, дастлабки ойлардаги фаолият тажрибаси ҳисобга олинди.

Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигини халқ комиссари бошқаради. У республика аскар, ишчи, деҳқон ва мусулмон депутатлари Шўроси съезди томонидан тайинланади. Комиссарликни дастлабки раҳбари Ашурхўжаев бўлган.

Комиссарлик Туркистон Республикаси таркибига кирувчи миллатлардан пролетариат ва Шўро ҳокимияти дастурини ёқловчи камбағал деҳқонлар сайлаган аъзолардан иборат коллегия орқали иш олиб боради.

Комиссарлик қошида қуйидаги бўлимларни ташкил этиш мўлжалланди:

I. Статистик бўлим. У республикадаги ҳар бир миллат таркиби, миқдорини ва иқтисодий аҳволини аниқлайди[I]. Бу бўлимнинг вазифаси ниҳоятда оғир эди. Чунки у ўлкадаги аҳолининг нафақат миқдорини, балки иқтисодий жиҳатдан қандай аҳволда эканлигини аниқ билиши керак эди. Ваҳоланки, ўлкада яшовчи аҳолининг яшаш

I. ЎзР МДА. 4 ҳужж. 74-74 орк. б.

даражаси бир хил эмас эди.

2. Ташкилий-тарғибот бўлими. Социалистик республика таянчи бўлишда сиёсий ва касаба уюшмалари иттифоқига ҳар бир миллат меҳнат аҳлларининг киришини таъминлаш масъулиятини ўзига олади[1]. У барча миллий бўлимларни ташкил этишни ва тарғибот қилишни изга солади. Уларни сиёсий партиялар, касаба уюшмалари иттифоқлари, қишлоқ камбағаллари иттифоқлари, миллий бўлимлар ўртасидаги ёзишмаларни йиғади ва сақлайди.

3. Маданий-оқартув бўлими. Бўлимнинг вазифаси кенг кўламли бўлиб, унинг қошидаги нашр қилиш секцияси - қизил адабиётлар, даврий органлар ва турли илмий социалистик рисола ва китобларни таржима қилиш ва нашр этиш билан шуғулланади[2]. Бу бўлим: а) ҳар бир миллатнинг имкониятига қараб оммани сўзлашувдаги тушунарли тилида рўзномалар, ойномалар нашр этади; б) инқилобий социалистик адабиётларни, илмий социалистик ишларни нашр этади.

Давр тақозо этганда янги бўлимлар комиссарлик қарори ва Марказий Комитет тасдиғи билан ташкил этилади.

Туркистон республикасида бу комиссарликдан ташқари Туркистон МИК миллатлар ишлари секцияси махсус шуғулланган. 1918 йил 27 августдаги Туркистон МИКнинг комиссарликка юборган маълумотномасида: Миллатлар ишлари секцияси фақат миллий характердаги масалаларни кўриш учунгина эмас, балки комиссарлик ишларида бевосита қатнашиш учун - турли миллатлар меҳнат аҳлидаги инқилобий ғояларни қўллаб қувватлашни амалга ошириш учун зарур,[3] дейилган.

---

1. ЎзР, МДА, 36 ф. 1- рўйх. 4 ҳужж. 74-74 орк. б.
2. Ўша ерда.
3. Харин В.П. Великая Октябрская социалистическая революция в Узбекистане. С. 163.

Демак, комиссарлик вазифаси ва иш фаолиятини белгилаб олди. Лекин у бошқа комиссарликлардан тубдан фарқ қилиб, унинг ишини уюштириш анча мураккаб эди. Чунки, бошқа комиссарликлар аниқ бир соҳада иш олиб борсалар, бу комиссарлик ана шу соҳаларнинг ҳаммасини ўлкадаги барча миллатлар ҳаётига жорий этишга масъул эди. Ўлкада яшовчи миллатларнинг ҳаммалари ҳам ўз тараққиётида бир хил босқичда эмас эдилар. Шунинг учун ҳар бир миллат турмуш тарзи ва урф-одатларига мос келадиган шакл ва усулларда ишлаши керак эди. Комиссарлик идораларида миллий кадрлар етишмаслиги жуда катта қийинчиликларни келтириб чиқарар эди. Бу ҳол инқилоб арафасида Туркистон ўлкасидаги большевиклар орасида ҳам мавжуд эди. Туркистон аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлгани учун партия аъзолари миқдори фақат саноат ишчиларидан иборат эди. Қишлоқлардаги аҳоли партия сиёсатига тўла тушуниб етмас эди. Шунинг учун ўлкада дастлаб партия ташкилотларига нисбатан кўплаб Шўролар ташкил топди. Фақатгина 1918 йилга келиб Туркистонда партия ташкилотлари 20 га, аъзолари 2000 га етди. Жумладан, Самарқандда - 500, Тошкентда - 320, Қўқонда - 200 га яқин, Чоржўйда - 190, Қизиларвотда - 140, Скобелевда - 300 га яқин, Сулюктa кўмир конида - 157 аъзо бор эди.

Сиёсий, иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасида социалистик қайта қуришни амалга ошириш Туркистон Компартиясини ташкилий шакллантиришни талаб қилар эди. Шу мақсадда Туркистон Коммунистик партиясининг 1918 йил июнда бўлиб ўтган I Ўлка съезди қарорлари мухториятни амалда мустаҳкамлашга қаратилган эди. Съездда туб аҳоли ўртасида иш олиб бориш учун вилоят ва уезд Кенгашларида миллий ишлар комиссарлигининг бўлимларини тузиш зарур дейилди. Шунингдек, нашр қилишни маҳаллий тилда олиб бориш, туб аҳоли ичидан партия ходимларини тайёрлаш курсларини ташкил этиш,

Қизил Армия миллий қисмларини тузишга киришиш кераклиги уқтирилди[1]. Жумладан, съездда, "мусулмон оммасини янги ҳаёт қурилишига кенг жалб қилиш учун бутун республикада жойлашган маҳаллий миллатнинг тилини эътироф этиш, турк тилини рус тили қаторида давлат тили"[2] дейиш айтилган.

Съезд ўзининг мусулмон пролетариати орасида олиб борадиган партия иши тўғрисидаги резолюциясида: "Туркистон мухториятининг аниқ натижалари ҳозирча камдир" деб тан олишга мажбур бўлди, чунки, рус большевиклари ва рус меньшевиклари маҳаллий аҳолининг демократик зиёлилари ва меҳнаткашларига ишонмас эдилар. Лекин меньшевик ва эсерлар пролетариат диктатураси эмас, балки парламентаризм демократиянинг олий кўриниши эканини кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Улар миллатларнинг ўз тақдирини ҳақиқатда ўзи белгилаш ҳуқуқи байроғи остида курашдилар.

Съезд кўрсатмаларига амал қилиб Туркистон МСР Марказий Ижроия Комитети 1918 йил 5 июлдаги мажлисида чиқарган қарорида қуйидаги чораларни амалга оширишни зарур деб топди:

1) Республикада кўпчилик бўлган аҳолининг она тилисини (ўзбек, қирғиз тилларини), рус тили билан бир қаторда давлат тили деб эълон қилиш;

2) барча фуқароларни ҳуқуқ жиҳатидан, хусусан, республиканинг аҳолиси орасида (миллатларни бир-бирларидан фарқ қилмай) нон, газмол ва бошқаларни баб-баравар тақсим қилиш тўғрисида декрет чиқариш йўли билан теппа-тенг қилиш;

3) ерли аҳолининг меҳнаткашлар оммасини сиёсий жиҳатдан уюштиришга ёрдам қилувчи шарт-шароитлар туғдириб бериш;

---

1. Аминов Х.А. Из истории борьбы за осуществление ленинской национальной политики в Туркестане (ноябрь 1917 г. - июнь 1918 г.). Труды УзГУ, Самарканд, 1958, вып. 83. С. 193.
2. "Наша газета", № 130, 29 июня 1918 г.

4) *меҳнаткашлар оммаси орасида шўро ташвиқот адабиётини* кенг ёйиш ва ҳоказолар[1].

Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолиятини фаоллаштириш учун вилоятларда ҳам шундай тармоқлар ташкил этиш зарур эди. Шу мақсадда Туркистон Республикаси Миллатлар ишлари Комиссарининг 1918 йил 18 июндаги № 13-300 буйруғи билан... вилоятлар ва уездлар депутатлар Кенгашлари қошида дарҳол Миллатлар ишлари Комиссарликлари тузиш таклиф этилган[2]. Бу ишни бажариш мақсадида Миллатлар ишлари халқ комиссари Ашурхўжаев 1918 йил 24 июлда имзолаган Туркистон МИК тасдиқлагунга қадар "Туркистон Мухтор Республикаси вилоят ва уездлар миллатлар ишлари комиссарлари тўғрисида Вақтинча қоидалар жойларда ишни юритишда асосий замин бўлди. Унда айтилишича:

1) Вилоят миллатлар ишлари комиссари моҳиятига кўра Туркистон Мухтор Республикаси миллатлар ишлари комиссарлигининг вакили ва мухторлигидир....

2) Вилоят миллатлар ишлари комиссари ўз фаолиятида Республика миллатлар ишлари комиссарлиги умумий кўрсатмаларини шу фаолиятида амал қилиш учун қабул қилган, мазкур вилоятдаги аҳолини ташкил қилувчи ҳар бир миллат ижтимоий келиб чиқишига қараб унинг хоҳиш-иродасини ифодаловчи вакил ва посбондир, алоҳида миллатлар ижтимоий турмушини боғловчи ва мослаштирувчи органдир...

II- Бўлим. 1) Уездлар миллатлар ишлари комиссарлиги республика халқ комиссарлиги, вилоят миллатлар ишлари комиссари кўрсатмаларини ижро этувчи орган ҳисобланади[3].

Демак, Туркистон Мухтор Республикасида миллий масалада ҳал

---

1. "Наша газета", № 130, 29 июня 1918 г.
2. ЎзР МДА, 36 ф. 1-рўйх. 15 ҳужж. 37 б.
3. Ўша ерда. 17 ф., 1- рўйх. 1060 ҳужж. 16-17 б.

қилиниши қийин бўлган масалаларни бажариш учун махсус бошқарув идораси вужудга келди. Бунинг қийинлик томони Туркистон МСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1918 йил 27 июндаги № 204 маълумотномасида кўрсатиб ўтилди. Унда айтилишича, миллатлар ишлари комиссарлиги асосий эътиборни мусулмонларга қаратиши керак, чунки улар республика барча аҳолисининг 96% дан 99% гача қисмини ташкил қилади; шунингдек аҳолининг мана бу қисми анча ривожланмаган ва албатта инқилобдан кейин янги шароитга қийин мослашади ва ниҳоят ўз ҳимоясини ва хоҳиш-иродасини ҳал этишда адашади[1].

Кўп миллатли Туркистон ўлкасида тарғибот ишларини олиб боришда айниқса матбуотнинг роли юқори эди. РСФСР миллатлар ишлари халқ комиссарлиги биринчи йил фаолиятида илгари қолоқ бўлган халқларга ўз она тилларида социалистик инқилоб ғояларини тарғибот қилишга катта эътибор берди. Комиссарлик фаолиятининг дастлабки йилида 20 дан ортиқ турли миллат тилларида рўзномалар нашр этилди. Кейинчалик нашриётчиликда унинг фаолияти янада кенгайди. 1920 йили турли миллатлар тилларида 60 номда рўзнома нашр қилинди[2]. Шулардан бири юқорида айтганимиздек, "Чўлпон" рўзномаси эди. Дарҳақиқат меҳнаткашларнинг дунёқарашини шакллантиришида даврий матбуот муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин буржуа-миллатчилик руҳидаги матбуот очиқдан очиқ халқ комиссарликларига ва уларнинг раҳбарларига туҳмат ва бўҳтонлар уюштиришни авж олдирди. Масалан, Қозонда чиқадиган "Қурултой" рўзномаси 1918 йил январь ойидаги сонларининг бирида "большевикча ҳукуматда тузилган комиссарлик орқали мусулмонлар ўз ишларини кўриб чиқилишига йўл қўймайдилар" дейилган. Ҳаттоки, миллатчилар мусулмон комиссарлиги бошлиғи М.Воҳитовга очиқдан очиқ хавф-хатар солган-

1. ЎзР МДА. 36 ф. 1-рўйх. 4-ҳужж. 21 орк.б.
2. Песикина В.И. Народный комиссариат по делам национальностей и его деятельность в 1917-1918 гг. С.67.

лар ва тазйиқ ўтказмоқчи бўлганлар[I]. Уларнинг қарашлари большевикча нуқтаи назар билан ҳеч мос тушмас эди. Ана шундай вазиятда РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги органи "Жизнь национальностей" - ("Миллатлар ҳаёти") катта хизмат қилиши керак эди. Рўзноманинг биринчи сони I9I8 йил 9 ноябрда босмадан чиқди. Унда босилган Сталиннинг "Октябрь ўзгариши ва миллий масала" номли мақоласи Октябрь инқилобининг йиллигига бағишланиб, унда Шўро ҳокимияти йил давомида амалга оширган миллий сиёсатнинг моҳиятини ва *якунларини кўрсатиб берилди.*[2]

Туркистон МСРда ҳам тарғибот ишларида асосий кураш маҳаллий тилларда чиқадиган даврий матбуот органлари саҳифаларида олиб борилди. Туркистон Коммунистик партиясининг I съезди "Иштрокиюн" ("Коммунист") рўзномасини маҳаллий тилда чиқариш тўғрисида қарор *қабул қилди. Шунинг учун, I9I8 йил 20 июнда Тошкентда Туркистон* Коммунистик партияси ва Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг органи - "Иштрокиюн" (Коммунист) рўзномасининг биринчи сони чиқди. У асосан ўзбек тилида (бир қисми қозоқ тилида) аввал ҳафтада уч марта, I9I9 йил I мартдан ҳар куни 3 (уч) минг нусхада чиқа бошлади[3]. Унинг саҳифаларида партия ва давлат қурилиши масалалари мунтазам ёритиб берилди. Рўзнома редакцион коллегиясининг I920 йил март ойидаги берган ҳисобномасида таъкидланишича: "Иштрокиюн" - ("Коммунист") рўзномаси нафақат Туркистон ўлкаси, балки қўшни мамлакатлар кўп миллионли мусулмонлари эҳтиёжлари учун ҳам хизмат қилувчи ягона матбуот органи ҳисобланади[4].

I. Вахитов М. Избранное: Статье, речи, писма, документн. Казань, I967, С.I6.

2. И.В.Сталин. Асарлар, 4 том, Тошкент, Ўздавнашр,I949, I63-I76 бетлар.

3. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. т.2. Тошкент, Изд. ВН УзССР, I963, С.29I-292, 333-345.

4. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Марказий Кенгаши архиви. 60 ф. I-рўйх. 430 ҳужж. 9 б.

Унинг шиори "Бутун дунё ишчилари, бирлашингиз!" эди. 1920 йил декабрдан у "Қизил байроқ" номи билан Туркистон КП МК органи сифатида чиқа бошлади. Кейинчалик "Туркистон", "Қизил Ўзбекистон", "Совет Ўзбекистони", ҳозир эса "Ўзбекистон овози" бўлиб чиқяшти. Лекин Туркистон ўлкасига ташриф буюрган БМИКининг "Қизил Шарқ" поезди сиёсий бўлими берган Туркистонда Ўлка матбуотининг ҳолати ва уни яхшилаш учун тадбирлар таклифлари масалалари тўғрисидаги Тезисларида: Ўлкада мусулмонлар рўзномаси йўқлигини, маҳаллий аҳоли кенг оммаси рўзнома нима эканлигини билмаслигини, маҳаллий тилда рўзнома чиқаришни дарҳол йўлга қўйишга киришиш зарурлиги кўрсатилди[1].

Бундан ташқари республикада 1918-1922 йилларда Туркистон МСР Миллатлар ишлари комиссарлиги маҳаллий бўлимлари Самарқанд, Қўқон, Наманган, Фарғона ва бошқа шаҳарларда қуйидаги газеталарни нашр этди: "Меҳнаткашлар товуши", "Халқ газетаси", "Фарғона ахбороти", "Ишчилар қалқони", "Эркинлик", "Бюллетень", "Садои Фарғона", "Эл байроғи", "Меҳнат байроғи", "Ахбори" ва бошқалар[2]. Бу газеталарда ёритилган мақолалар халқ оммасини дунёқарашини, сиёсий тафаккурини ошишига ёрдам берди.

Инқилобдан олдин Тошкентда чиқа бошлаган "Хуршид", "Садои Туркистон", "Турон", "Турк эли", "Нажот", "Кенгаш", "Шўрои Ислом", Самарқандда "Ойна", "Ҳуррият", Бухорода "Турон", "Бухорои Шариф", Қўқонда "Садои Фарғона", "Тирик сўз" рўзномалари, "Ҳуррият" ойнамаси ва Фарғонада "Фарғона нидоси" ойномаси Туркистон халқини ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантиришда катта фаоллик кўрсатди. Туркистон халқлари чоризм томонидан эзилган, чоризм

---

1. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Марказий Кенгаши партия архиви. 810 ҳужж. 2 б.
2. Макарова Г.П. Народний комиссариат по делам национальностей РСФСР. 1917-1923 гг. (Исторический очерк.) М., Наука, 1987, С. 82.

ўзининг давлат чегараларига қўшиб олган, ёки давлат чегараси ичида мажбуран сақлаб келаётган, яъни аннексия қилинган барча миллатлар ва халқларнинг Россиядан батамом ажралиб чиқиш ҳуқуқини эълон қилиши ва буни дарров амалга оширишни талаб этиши ҳамда бунга эришиш лозимлиги ҳақидаги хулосаларининг амалга ошувидан умид учқунлари пайдо бўлган мақолалар чиқа бошлаган эди.

Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг органи бўлган рўзнома таҳририят коллегиясининг 1918 йил 25 октябрдаги мажлисида шундай дейилади: ... миллатлар масаласи ва ҳолатини, уларнинг ижтимоий ҳолатини ҳимоя қилиши, асосан эса барча миллатлар меҳнаткаш оммасининг хоҳиш-иродаларини акс эттириши, пролетариат диктатураси асосида Шўро ҳокимияти хоҳиш-иродаларини ҳимоя қилишни ёритиши керак[1].

Лекин шундай катта иш олиб бориш билан бирга баъзи чалкашликлар ҳам юз берди. Жумладан, буюк шовинистлар ва миллатчи оғмачиларга қарши курашда айрим партия ходимлари хатоликларга йўл қўйдилар. Улар маҳаллий аҳолининг миллий давлатларини тузиш зарурлигини инкор этдилар. Бу масала фақат партия ходимлари ўртасида эмас, балки Шўро органлари тизимида ҳам юз берди. Лекин, 1918 йил 31 март куни Сталин Тошкент Кенгашининг Раиси билан гаплашиб, мусулмон аҳли меҳнаткашлари ўртасида бойлар, муллалар, буржуазия томонидан камбағалларни озод қилиш билан шуғулланишини қатъий талаб қилган эди[2].

Туркистон раҳбар ходимларининг миллий масаладаги хатоларини тўғрилаш, ўлка партия ва Шўро ташкилотларига ёрдам бериш мақсадида марказдан П.А.Кобозев келган эди. Лекин у ҳам ўз олдига

---

1. ЎзР МДА, Р-34,ф., 1-рўйх. 346 ҳужж. 132 б.
2. Песикина Е.И. Народный комиссариат по делам национальностей и его деятельность в 1917-1918 гг. С. 124.

қўйилган масалани тўла ҳал эта олмади, яъни ўлкадаги маҳаллий миллатнинг камбағал қисми раҳбар органларга тортилмади. Буни Туркистон Компартиясининг III съездида (1919 йил июнь) П.Г.Константинопольский маҳаллий аҳолини давлат ишларига яқинлаштирмаслик ғоясини асосламоқчи бўлиб шундай деди: "Очиқ айтаманки, Туркистонда пролетариат йўқ, ярим пролетарлар бор, эзилган йўқсиллар бор, эзилган деҳқонлар бор, назаримда, бу омма тарихий жараённи илгари сурадиган ... инқилобий куч бўла олмайди"[1].

Жойларда миллий масалада йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш учун маълум ишлар қилинди. Жумладан, Туркистонда бу ишни бажаришда марказий "Правда" газетасининг 1918 йил 9 апрель сонида эълон қилинган "Навбатдаги вазифалардан бири" бош мақоласида умуман шўро мухторияти принципларининг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги алоҳида қайд этилди.

Инқилобдан кейин миллий масалани тўғри ҳал этишда ўлкада яшаётган бошқа миллатлар ва уларнинг вакиллари тақдирини ҳам ўйлаш керак эди. Ўрта Осиё ва Қозоғистонга Австрия-Венгрия ва Германиядан биринчи жаҳон урушида асирга тушган 40 мингга яқин мухожирлар - чехлар, венгерлар, поляклар, серблар, хорватлар, немислар, руминлар ва бошқалар келганди. Уларнинг кўпчилиги ижтимоий келиб чиқишига кўра ишчилар ва деҳқонлар эди[2]. Уларнинг илғор вакиллари 1918 йил апрель ойининг иккинчи ярмида Тошкентда "Чет эллик фуқаролар (собиқ ҳарбий асирлар) комитети"ни тузадилар. Унга II венгр, 6 югослав, 5 немис, 2 чехословак, 2 румин ва биттадан ғарбий украин, поляк, итальян, яҳудий кирди. 22 сентябрда эса чет эллик коммунистлар Тошкент комитети тузилди[3].

---

1. Каримов Ш. Қафасдаги қуш орзуси. 50 б.
2. Матвеев А.М. Из истории иностранных интернационалистов в Средней Азии (1918-1920 гг), Труды ТашГУ, Ташкент, 1960, С.59.
3. "Наша газета", № 168, 21 сентября 1918 г.

1918 йил 2-8 декабрда 35 делегат иштирокида бўлиб ўтган чет эл коммунистик ташкилотларнинг I конференциясида хорижий ишчи ва деҳқонлар коммунистик партиясининг ўлка комитети тузилди[1]. Бу эса Туркистон ўлкасида тузилган большевистик миллий партия ташкилотларидан бири эди.

Лекин инқилобнинг дастлабки даврида баъзи жойларда, жумладан, Фарғонада меҳнаткаш халқ оммаси Шўро ҳокимиятининг жойлардаги органларига ишонмасдан қаради. Чунки Шўро маъмурий маҳкамасида ишлаётганларнинг асосий қисми европалик аҳолига мансуб кишилар эди. Шунингдек: а) ўлкада Шўро ҳокимияти ўрнатилишида маҳаллий деҳқонлар қатнашмади; б) минтақанинг кўпгина жойларида инқилобни амалга оширишда ҳарбий асирлар, инқилобий муҳожирлар ва ажнабий меҳнаткашлар қатнашди; в) Шўролар ҳам сунъий равишда кўпроқ большевиклашиб борди; г) халқ оммаси Туркистон Шўролари III Ўлка съезди қарорларидан хабардор эди. Булар Туркистонда Шўро қурилишининг заиф томонлари эди. Бу ҳақда М.В.Фрунзе шундай деб тан олган эди: Рус большевиклари, рус меньшевиклари, рус эсерлари, рус кадетлари "ҳокимият фаолиятининг биринчи даврида ҳокимиятга кенг қамровли ишчи ва деҳқон, оврупалик ва маҳаллий оммани жалб қилиш ўрнига ўзидан узоқлаштириш учун барча чораларни кўрди"[2]. Лекин ҳокимият кўпроқ большевиклар қўлида эди. Бундай ҳолни Фарғонадан Крутиков ХКС Раиси Фигельский билан суҳбатда аниқ таъкидлаган эди. У, ... маҳаллий сўл эсерлар ҳокимият барча шўроларида барча большевиклар турганлигидан хафа бўлиб ғоявий эмас, балки кучли ташвиқот олиб бормоқдалар[3]. Бундай ҳо-

---

1. "Красний фронт" № 61, 22 октября 1919 г. или "Туркестанский коммунист" № 44, 8 июня 1919 г.
2. Фрунзе М.В. На фронтах гражданской войнн. Сборник. Документов. М., 1941, С. 307-308.
3. Ўз ХДП МК ПА 60 ф. 1- рўйх. 49 ҳужж. 55 б.

ҳолатда Фарғонада миллатлар тақдири учун кураш четга сурилиши мумкин, холос. Фақатгина Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигина мехнаткаш халқ оммаси равнақи учун курашди. Туркистонда истиқомат қилувчи мусулмон оммани ташкилий уюштириш, уларнинг маорифи, миллатларнинг ижтимоий эҳтиёжларини аниқлаш, уларнинг барчаси бир-бири билан миллатларга фарқламаслик ила умумий тенглик асосларидаги муносабатларининг тўғри ва адолатли ўрнатилиши - Миллатлар ишлари комиссарлигининг умумий вазифаларидир..."[I]. Хатто, бу даврда Туркистон Компарияси ҳам мустаҳкам бирликка эришмаганлиги учун ғоявий муносабатларда маҳаллий миллат аҳлини тўғри тушуниб етмади. Большевикларнинг ўлкадаги раҳбарлари А.Казаков, К.Сорокин, И.Тоболин ва бошқалар очиқдан очиқ Туркистонда мусулмон пролетариати йўқ дея даъво қилдилар, фақат рус ишчиларигина пролетариат диктатурасини амалга оширишга лаёқатли ягона куч деб ҳисобладилар. Шунинг учун улар барча ишларда маҳаллий пролетариат ва камбағал деҳқон оммасининг ўрнини рад этдилар, аслида эса Россия пролетариатининг маҳаллий аҳоли кенг мехнаткаш оммасини ўз орқасидан эргаштира олишига ишонмадилар. Бу шахсларнинг тақдирларини кейинчалик РКП/б/ МК Туркистон ишлари бўйича комиссияси ўз зиммасига олган эди. Комиссиянинг Ўлка комитетига юборган 1919 йил 26 ноябрдаги № 791 сонли хатида бу яққол ифодаланди. Унда, кўпгина масъул партия ходимлари ва маҳаллий мусулмон ташкилотлари билан муносабатларни кескинлашганлиги ва А.Казаков, К.Сорокин, Темлянцовларнинг Тошкентда қолиши партия ва шўро ишларини тинч олиб борилишига тўсқинлик қилаётганлиги сабабли Комиссия қарори мавжуд. Қарорда, бу ўртоқларга уларни бошқа жойда фойдаланиш учун дарҳол МКга жўнаши таклиф этилган[2]

I. ЎзР МДА, 36 ф., I-рўйх. 4 ҳужж. 43 орқ.б.

2. Ўз. ХДП МК ПА, 60 ф. I-рўйх. 69 ҳужж. 12 б.

Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ўз фаолиятининг биринчи даврида ҳар қандай қийинчиликларга қарамай ўлканинг туб аҳолиси ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга катта эътибор берди. Бунинг учун республиканинг узоқ қишлоқлари ва фронтда ишлаш учун тарғиботчилар тайёрлана бошланди. Бу ҳақда комиссарликнинг Туркистон МСР ХКСга юборган маълумотномасида: "Ҳозирги даврда умумий қоидалар шундай, мусулмон оммаси ўртасида тарғибот ишлари қурилиши кечиктириб бўлмайдиган зарурат ҳисобланади"[1], дейилади. Шу мақсадда комиссарлик 1918 йил май ойи ўрталаридан то 20 сентябргача уездларга 16 йўриқчини жўнатди, сентябрь-ноябрь ойларида эса Тошкент уездининг қишлоқ ва овулларига 36 ташвиқотчи жўнаб кетди.

Миллатларо алоқаларни ва мусулмонлар аҳолиси ўртасидаги ишларни такомиллаштириш ўлкадаги туб аҳоли вакилларини қизиқишини уйғотмоқда эди. Шу мақсадда Москвада Туркистон Республикаси мухтор вакиллиги РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигида Туркистон-мусулмонлар бўлимини тузишга ҳаракат қилди[2]. Лекин, марказ комиссарлиги ўлкада Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги мавжудлигини ҳисобга олиб, бу таклифни мақсадга мувофиқ эмас деб топди. Лекин, Шарқдаги коммунистик ташкилотларга, жумладан, Туркистондаги коммунистлар фаолиятига амалий ёрдам бериш, уларнинг маҳаллий миллат вакилларига бўлган муносабатларини тўғри ҳал этиш мақсадида 1918 йил ноябрь ойида РКП/б/ МК Москвада мусулмон коммунистлари I съездини чақирди. Съезд РКП/б/ мусулмон ташкилотлари марказий бюросини сайлади. Унинг фаолиятида Шўро ҳокимияти ғояларини мусулмон меҳнаткаш оммаси ўртасида кенг тарғиб қилиш, РКП/б/ сафларига омма орасидан етишиб чиққан, илғор

---

1. ЎзР МДА 25 ф.,1-рўйх. 121 ҳужж. 5 б.
2. Шамсутдинов Р.Т. Становление и развитие Советов в Средней Азии /1917-1925 гг./: проблема общего и особенного. дисс. докт, наук.-Москва, АН СССР,1987, С.302.

мусулмон вакилларини жалб қилиш, мусулмон меҳнаткашларининг рус ахолиси билан тўла тенглигига эришиш, уларни Қизил Армия сафларига тортишга алоҳида эътибор берилган.

Инқилобий воқеалар ўлкани мураккаб миллатлараро муносабатлар майдонига айлантирди. Қадимда Ўрта Осиё халқлари бир-бирлари билан мустаҳкам иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар. Ўзбек ва тожиклар, қозоқ ва қирғизлар, турман ва қорақалпоқлар ўзаро бир-бирлари билан яқин алоқада бўлишиб ўзига хос бой маданиятларини ривожлантириб бойитиб келдилар.

Инқилобдан кейинги даврда бу ишда Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг хизмати катта бўлди. Комиссарликнинг бевосита иштироки ва ташаббуси билан Тошкентда Ориф Клевлеев номли Ўлка мусулмон кутубхонасини очиш масаласи илгари сурилди. Комиссарликнинг 1918 йил 30 сентябрдаги бу масаладаги коллегия қарорини Туркистон МСР ХКС 1918 йил 8 ноябрдаги № 57 қарори билан тасдиқлади[1].

Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг қарорларини, йўл-йўриқларини жойларда амалга ошириш жуда ҳам муҳим эди. Комиссарликнинг 1919 йил 12 мартдаги маълумотига кўра 25 уездда: Тошкент, Мирзачўл, Жиззах, Каттақўрғон, Скобелев, Андижон, Қўқон, Наманган ва бошқа уездлардаги миллатлар ишлари бўлимларининг бу соҳадаги хизматлари катта бўлган[2].

Комиссарлик фаолиятида яна бир муҳим иш шу бўлдики, у партия ва шўро идоралари ҳужжатларининг маҳаллий аҳоли учун тушунарли тилда ёзилишига интилди. Жумладан, Туркистон Шўролари МИК га келаётган буйруқлар турк тилига таржима қилиниши ва "Иштрокиюн" рўзномасида босилиши айтилган[3].

---

1. ЎзР МДА, 25 ф., 1-рўйх. 122 ҳужж. 10 орқ.б.
2. Уша ерда, 36 ф. 1- рўйх. 17 ҳужж. 527 б.
3. Уша ерда, 17 ф. 1 рўйх. 1060 ҳужж. 57 б.

Шўро ҳокимиятининг ўрнатилиши ҳали Туркистон республикасининг ривожланиш йўлини қонуний белгилади, деган гап эмас эди. Туркистондаги ерли аҳоли иқтисодиётида феодал турмуш сарқитлари сақланиб қолганлиги, деҳқонлар оммаси ислом динининг кучли таъсиридалиги, синфий табақаланишнинг суст бораётганлиги, деҳқонларнинг сиёсий ва маданий жиҳатдан қолоқ бўлганлиги Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолиятини қийинлаштирар эди. Вазиятнинг яна бир оғир томони шунда эдики, шўро миллий сиёсатининг ўзи мукаммал эмас эди, у аксарият рус шовинизми билан суғорилган эди. Бунинг устига 1917-1919 йилларда республика партия ва шўро ташкилотларининг баъзи раҳбарлари миллий сиёсат принципларининг бузилишига йўл қўйдилар. Ваҳоланки, 1918 йил апрелда бўлиб ўтган Туркистон Шўролари У Ўлка съезди раҳбар органларига, жумладан, Туркистон МИК таркибига бор йўғи 14 маҳаллий миллат вакили сайланди, қолганлари оврупалик миллат вакиллари эди. Маҳаллий миллат вакиллари орасида большевиклардан Ш.Астанбоев, С.Жўрабоев, Ҳ.Ҳусанбоев, А.Шарафутдинов, С.Юсупов ва бошқалар бор эдилар[1].

Туркистон мухтор республикаси учун асосий қонун - Конституция қабул қилиниши керак эди. Туркистон Шўроларининг 1918 йил октябрда бўлиб ўтган УІ фавқулодда съезди бу масалани кўриб чиқади ва ҳал қилади. Съезд Туркистон Мухтор республикасининг меҳнаткаш аҳлига Бутунроссия Шўроларининг ІІІ съездида (1918 й. январь) тасдиқланган "Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси"ни ва 1918 йил 10 июлда У Бутунроссия Шўролар съездида қабул қилинган РСФСР Конституциясининг умумий қоидаларини ўзининг Конституцияси учун асос қилиб олганлигини

---

1. Победа Октябрской революции в Узбекистане. Сборник документов. т.2. Ташкент, 1972, С. 252.

уқтириб ўтди.

Шуниси характерлики, съезд ишида аввалгисига нисбатан анча кўп маҳаллий миллат вакили қатнашди. Уларнинг 22 вакили Туркистон МИК таркибига сайланди[1].

Съездда қабул қилинган Туркистон республикасининг конституцияси Россия федерацияси конституцияси қоидаларига мос эди. У марказий ва маҳаллий ҳокимият ва идора органларининг тузилиши, структураси ва вазифаларини, шўро сайлови ҳуқуқининг асосларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини, республиканинг бюджет, молия соҳасидаги ҳуқуқларини мустаҳкамлади.

Конституция республика аҳолисининг бир қанча миллатлардан иборатлигини назарда тутиб, Шўро ҳокимиятининг миллий масаладаги сиёсатини амалга оширадиган ўзига хос орган - Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг мавжуд эканлигини узил-кесил таъкидлади. Чунки, УІ фавқулодда съездда "сўл" эсерлар шўро қурилишида миллий масаланинг ролини қатъиян инкор қилиб, Миллатлар ишлари халқ комиссарлигини тугатиш тўғрисидаги таклифини рад этди[2].

Туркистон МСРнинг янги Конституцияси 6 бўлим, 20 боб, III моддадан иборат бўлди. Унда Коммунистик партия раҳбарлигида ишчи ва деҳқонлар эгаллаган, пролетариат диктатураси давлати сифатида Шўро ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши, кўп миллатли Туркистонда мухтор шўро давлати ташкил этилиши тарихий вазифаларининг якуни белгиланган[3], деб шу кунгача илмий адабиётларимизда кўрсатилиб келинган. Хўп, Конституция қабул қилингани тўғри, лекин ундаги моддаларни бундай бўрттириб кўрсатилиши ҳаё-

---

1. "Наша газета", 17 октября 1918 г.
2. Иномжонов З. Туркистон АССРнинг ташкил топиши ва ривожланиши. 28 б.
3. Раджапов С.А. В.И.Ленин и советская национальная государственность. С. 207.

тий мантиққа тўғри келмас эди.

Туркистон МСРда ҳукумат 1919 йил 16 январда Туркистон МИК тасдиқлаган ўлка миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ҳақидаги Низомни умумий маълумот учун эълон қилди. Бу Низомда кўрсатилишича, ҳар бир миллат миллатлар ишлари бўлимларида ҳамда ўлка миллатлар ишлари комиссарлигида ўз вакилига эга бўлиши керак[1]. Бу Низомга кўра 1919 йилда Туркистон Республикаси Миллатлар ишлари халқ комиссарлигида ўзбек, туркман, қирғиз, озарбайжон, арман, татар, форс бўлимлари фаолият кўрсатди. Бу бўлимларни коммунистик ташкилотлар тавсия этган партия ходимлари бошқардилар[2]. Демак, гарчи у ўша миллатга мансуб бўлса ҳам "большевистик" руҳдаги киши бўлади. Бу эса ўша бўлим фаолиятини партия йўлидан оғишмай боришини таъминлашга хизмат қиларди.

Маҳаллий аҳоли ўртасида фаолиятни кучайтиришда Туркистон Компартиясининг II конференциясида (март,1919 йил) ўлка партия комитети қошида Мусулмонлар бюросининг (Мусбюро) ташкил топиши муҳим тадбирлардан бири бўлди. Конференция РКП(б) Мусулмон ташкилотлари Туркистон Ўлка Бюросининг қоидаларини тасдиқлади. Унда, Мусулмонлар бюроси ўлкада РКП(б) мусулмон ташкилотларининг олий раҳбар фаол органи ҳисобланиши таъкидланган[3]. Шундан сал олдинроқ Марказий мусулмон ташкилотлари бюроси "Шарқ халқлари коммунистик ташкилотлари Марказий бюроси"га айлантирилди-ки, унда ўз миллатлари меҳнаткашлар оммаси ўртасида иш олиб борадиган татар, бошқирд, қирғиз, туркистон, озарбайжон ва бошқа секциялар ташкил топди[4]. Шунингдек, конференция партия, шўро, ка-

---

1. ЎзР МДА, 17 ф. 1- рўйх. 17 ҳужж. 1 б.
2. Ўша ерда, 25 ф., 1- рўйх. 140 ҳужж. 24-26 б.
3. Ўз ХДП МК ПА, 60 ф. 1- рўйх. 236 ҳужж. 1 б.
4. Қаранг: "Жизнь национальностей", от 9 марта 1919 г.

саба уюшмалари ташкилотлари раҳбарлигини кучайтиришни зарур деб топди ва барча коммунистлардан маҳаллий миллат ишчилари, деҳқонлари, аёллари ва ёшларини сиёсий тарбиясини кучайтиришни талаб қилди...[I].

Мусулмон коммунистлари ташкилотларининг Туркистонда тузилиши тарихий зарурат туфайли бўлди. Чунки, илгари қолоқ бўлган халқ оммаси турли миллатлар партия ходимларини алоқасини кучайтириш зарур эди. Туркистонда фаолият кўрсатган Мусулмонлар бюроси, унинг раиси Т.Рисқулов айтишича, овул ва қишлоқларда коммунистик ячейкалар тузиш, мактабни дин таъсиридан халос этиш, зиёлиларни маданий-оқартув ишларига тортиш, маҳаллий миллат вакилларини Қизил Армия сафларига жалб қилишга алоҳида эътибор берди[2]. Миллий масала ҳам албатта бюронинг диққат эътиборида бўлди. Буни 1919 йил 24 майда Тошкентда очилган Туркистон МСР Мусулмон коммунистларининг I Ўлка конференцияси ҳужжатларида кўриш мумкин. Унда сўзга чиққан Т.Рисқулов, Ю.Алиев, Б.Шахабутдинов ва бошқа делегатлар, баъзи раҳбарларнинг маҳаллий миллат меҳнаткашларига эҳтиётсизлик муносабатларини йўқотишни, дашноқлар қуролли тўдаларини тўлиқ тугатишни таклиф қилдилар[3]. Бу эса миллатлар ўртасида тинчлик ва дўстликка эришишга олиб келарди.

Миллий масала муаммолари Туркистон Мусулмон ташкилотлари III Ўлка конференциясида ҳам кўриб чиқилди. Унда маъруза қилган Т.Рисқулов, оврупалик аҳоли вакилларининг ўлкадаги хатти-ҳаракатларини қоралади. Шунингдек у: марказдан узоқда бўлган қишлоқ-

---

I. Саидов П. Из истории деятельности Коммунистической партии и организации и воспитанию трудящихся местных национальностей Туркестана в 1918-1920 гг. Трудн СамГПИим. С.Айний. Самарканд. 1969, С. 82.

2. Мусбюро РКП(б) в Туркестане. Ташкент, Туркгосиздат, 1920, С. 4, 5.

3. Ўша ерда, 17-18 б.

ларда мусулмон аҳолиси Шўро ҳокимияти ҳақиқий моҳиятини тушунмаслиги аён бўлмоқда, деди[1].

Лекин, бюро фаолиятини баъзи раҳбарлар жумладан, Туркистондаги сўл эсерларнинг собиқ раҳбари Успенский К.Я. томонидан тарқатиб юборишга чақирилган. Туркистон КП III съезди бу бўҳтон фикрга зарба берган[2].

Демак, Туркистонда бундай ташкилот фаолият кўрсатиши зарур эди. Аммо унинг раҳбар органларида мусулмонлар тақдири учун курашувчи миллатлар вакиллари бўлиши керак эди.

Туркистон ўлкасида Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолият доираси анча кенг эди. Лекин, шунга қарамай, ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Туркистон МСРдан ташқари Бухоро ва Хоразм Халқ Шўро республикалари ҳам мавжуд бўлиб, кўп миллатли эди. Хоразм ХСРда ўзбеклар - 79% , туркманлар - 14,6% қозоқлар - 4,3% , қорақалпоқлар - 0,9% бошқа миллатлар - 0,2% ; Бухоро ХСРда ўзбеклар - 50% , тожиклар - 27% , туркманлар - 14% , бошқа миллат вакиллари - 9% ни ташкил қилган[3].

Шундай қилиб, юқоридаги фикрларни хулоса қилар эканмиз, бу даврда Туркистон ўлкасида миллатлар масаласига тарихий ҳақиқат билан ёндоша оламиз. Кўп миллатли Туркистон ўлкасида мустақил давлат қуриш сари қўйилган қадам - "Қўқон мухторияти"ни қулатишда арман миллатига мансуб дашноқлардан фойдаланилди. Мухториятлар эса мухтор ҳукуматнинг миллий озодлигини ҳимоя қилиш

---

1. Мусбюро РПК(б) в Туркестане. Ташкент, Туркгосиздат, 1920, С.77б.
2. Трудн 3-го съезда Коммунистической партии Туркестанской республики РСФ. Ташкент, 1919, 3, 4, 31.
3. Раджапов С.А. В.И.Ленин и советская национальная государственность. С. 207.

учун мусулмонларни миллий армия сафига киришга даъват эди. Дарҳақиқат, ён-атрофдаги қишлоқ аҳллари бунга кира бошлади. Натижада Шўро қўшинлари билан орада қон тўкилди. Қўқон воқеаларини ўз кўзи билан кўрган халқ оммаси "большевиклар" мухториятчилар айтгани сингари босқинчи, худосиз, мусулмонларнинг душмани эканлигига ҳеч шубҳа қилмайдиган бўлиб қолди. Чунки, Қизил Армия қўшинлари Фарғона водийси қишлоқларини ёндириб, одамларини аёвсиз қирдилар.

Шу даврдан бошлаб Туркистон ўлкаси халқларининг миллий-озодлик ҳаракати бошланди ва у 16 йил давом этди. Бу ҳаракат тарихда "босмачилик" деб ном олган. Лекин босмачилар ҳеч қачон ўзларини "безорилар", "бандитлар" ёки "халқни таловчи ашаддий миллатчилар" деб атамаганлар, аксинча, улар ўзларини "Ислом лашкарлари", "Мусулмонободлик жангчилар", "Ватан мудофаачилари", "Туркистон озодлиги аскарлари", "Ислом мудофаачилари" деб атаганлар. Улар "мустақил мусулмон давлати қурамиз", "Туркистон туркистонликлар учун", "Зулмсиз Туркистон" деган шиорларни ўртага ташлаганлар. Афсуски, бу ҳаракат ўз мақсадига эриша олмади, ўзининг дастлабки олижаноб мақсадини амалга ошириш чоғида кўпгина хатоликларга, хунрезликларга, талончилик ва босқинчиликларга ҳам йўл қўйди.

Тарихий ҳақиқат нақадар аччиқ бўлмасин, унинг ҳақиқий ҳолатини кўрсатиш керак. "Қўқон мухторияти" тузилиши - бу миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқини амалга ошириш йўлидаги уриниш эди. Лекин большевиклар буни очиқ тан олиб, унга қурол кучи билан эмас, балки маҳаллий туб аҳолининг миллат шаклида ривожланишига амалий ёрдам берганида, марказдан оврупача удумларни олиб келиб маҳаллий аҳолига тиқиштиришга ҳаракат қилмаганларида эди, нафақат босмачилик ҳаракати, балки оддий бегуноҳ халқнинг қони тўкилмас эди. Худди ана шу оғир тарихий вазиятда Тур-

кистон ўлкасида фаолият кўрсатган Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг олдидаги вазифалар жуда кенг ва оғир бўлиб турар эди. Гап бу вазифаларни сўз ва иш бирлигига амал қилиб бажаришда қолган эди.

Демак, биз Туркистон МСРда Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг тузилиши сабаблари ва унинг дастлабки даврдаги фаолият тарихини кўрдик. Лекин комиссарлик фаолияти биринчи даври анча қийин кечган. Чунки, биринчидан, ташкилий ишлар, айниқса, Шўро ҳокимияти дастлабки даври бўлганлиги учун оғир эди, иккинчидан, марказдаги органларнинг айнан шу комиссарликка амалий ёрдами старли даражада бўлмади. Шундай бўлса ҳам кўп миллатли Туркистонда меҳнаткаш халқ оммаси ўз миллий озодлиги, ҳуқуқи учун курашди. Лекин чет эл хуружи ва фуқаролар уруши бу масала ечимини янада қийинлаштириб юборди.

3- §. Фуқаролар уруши даврида ўлкадаги миллий муносабатларнинг ҳолати ва йўналиши

Туркистон Республикаси 1918 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб оқ гвардиячилар ва ички аксилинқилобчилар фронтлари қуршовида қолиб кетганлиги ўлка мухторияти асосларини муваффақият билан амалга оширишни қийинлаштирио қуиган оөъектив омиллардандир. Шунинг учун Туркистон фронтини тузиш зарурияти туғилди. М.В.Фрунзе айтганидек, рус большевикларининг мақсади Туркистонда ҳарбий экспедиция орқали Туркистоннинг барча меҳнаткаш маҳаллий аҳолисини Шўро ҳокимиятига тортиш, бутун Туркистон масаласини ечишнинг яқин орадаги мақсади деб билиш керак эди[1].

Фуқаролар уруши даврида ўлкада миллий муносабатлар анча мураккаб эди. Бу, биринчидан, Туркистон республикасининг кўп

---

1. Военно-исторический журнал, 1940 г, № 10, С.7.

миллатли бўлганлиги бўлса, иккинчидан, шўро ҳокимиятини эгаллаб олган рус большевиклари, меньшевиклари, эсерларининг миллий сиёсат бобида ҳам нотўғри йўл тутишлари туфайли маҳаллий аҳолининг қаршилиги, яъни, миллий озодлик ("босмачилик") ҳаракати ўлкада янада авж олиб кетишига кучли туртки бўлди. Ана шундай шароитда Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ўз фаолиятини бошлади.

Халқ комиссарлиги биринчи навбатда ноҳия, шаҳар, уезд ва ўлкалардаги ижрокомлар қошида ўзига оид комиссарлик, бўлимлар ва миллий секцияларни тузиб, уларнинг вазифаларини белгилади, уларнинг ишларини ташкил этишга кўмаклашади. Бу миллий бўлимлар жойларда аҳолини миллат ва элатга қараб рўйхатга олдилар, қайси миллат вакиллари кўпроқ бўлса, шу тилларда мактаблар оча бошладилар, маҳаллий-оқартув ва ғоявий-тарбиявий ишларни жонлантирдилар. Айниқса, саводсизликни тугатиш учун қаттиқ жонбозлик қилдилар. Лекин миллий-демократик зиёлилар томонидан Туркистонда миллий давлат тили қилиб ўзбек ёки туркий тилни жорий этиш зарурлиги масаласи 1918 йилдаёқ кўндаланг қилиб қўйилишига қарамай рус шовинизми билан заҳарланганлар бу долзарб масалани тезроқ ечиш ўрнига уни пайсалга солдилар. Чунки давлат аппаратида ўтирган кишиларнинг кўпчилиги марказдаги органлардан юборилганлиги учун уларнинг ўзлари маҳаллий аҳоли тилини, урф-одатини билмас эдилар. Масалан, фақатгина 1919 йил 16 апрелда, комиссарлик ташкил топгандан орадан бир йил вақт ўтгандан кейин унинг коллегиясида мажлисни икки тилда олиб бориш масаласи илгари сурилди. Ваҳоланки, унинг таркибида маҳаллий миллатга мансуб мусулмонлар анчагина эдилар. Бу ҳақда шу кунги мажлиснинг 28- қарорида шундай дейилади: ўртоқ комиссар мажлисни эътироф этилган иккала давлат тилида: турк ва рус тилида олиб бориш такли-

фини киритаяпти; чунки, коллегия мусулмонлардан иборатдир, улар учун ўз она тилларида тушунтириш бериш зарур...[I].

Масаланинг яна бир мураккаблик томони шунда бўлдики, шовинистик қараш ва ғоялар заҳари билан оғриган 1 буюк рус вакиллари маҳаллий аҳолига паст назар билан қарардилар. Ҳатто улар орасидан чиққан коммунистларга ишонмадилар, бундай коммунистларни тор даражадаги мажлис ва йиғинлардан чиқариб юборишар ва сўнг ўзлари тегишли қарор қабул қилар эдилар. Туркистон Халқ комиссарлар Кенгашининг аъзоларидан бири Павлюченко бу борада ўз фикрини очиқ-ойдин баён қилиб бундай деган эди: "Биз ўзимизни инқилобнинг илгор отряди, энг онгли ва комил жангчилари деб биламиз ва сиёсатда кўр бўлган мусулмон меҳнаткашларининг етакчиси бўлишни бурчимиз деб биламиз. Мусулмонларга бирор нарсани топшириш ниятида эмасмиз"[2].

Дарҳақиқат республикада маҳаллий аҳолига нисбатан муносабат марказдан келган ходимлар томонидан паст даражада бўлган. Лекин Ўрта Осиёда чет ал хуружи авж олаётган эди. 1918 йил июнида Ашхободда (Каспий орти вилояти маркази) инглиз-америка интервентлари буйруғи билан уюштирилган оқ гвардиячи меньшевиклар, эсерлар ва буржуа миллатчиларининг Шўро ҳокимиятига қарши қўзғолони бошланди. Бу билан Каспий орти фронти вужудга келди. Шимолда эса, республика учун айниқса хавфли бўлган ва Туркистон билан Марказий Россия ўртасидаги алоқани узиб қўйган Актюбинск оқ гвардиячилар фронти вужудга келди. Айни вақтда Фарғонада миллий озодлик ҳаракати бошланди.

Демак, Туркистон ўлкасида икки фронт - хорижий мамлакатлар хуружи ва фуқаролар уруши фронтлари вужудга келди. Албатта, Тур-

---

I. ЎзР МДА, Р-34, ф., I- рўйх. 325 ҳужж. 91 б.
2. Каримов Ш. Тақдир изтироби. "Мулоқот", 1991 й. № 4, 56 б.

кистон республикасидаги бу вазиятни баҳолашда шуни назарда тутиш керак-ки, чет эл хуружининг мақсади - эски ҳокимиятни, бой, амалдорлар ҳокимиятини тиклаш бўлса, фуқаролар уруши маҳаллий аҳолини топталган ҳақ-ҳуқуқлари, миллий урф-одатлари, расм-русмларини тиклаш эди. Ҳақиқатан ҳам миллий-озодликка отланган кураш қатнашчиларини халққа қарши, халқдан ажралган, ўзининг моддий таянч базасига эга бўлмаган бир тўда каллакесарлар шайкаси ёки "босмачилар" деб айта олмаймиз. Марказий Россиядан нон келиши тўхтаганлиги, Туркистоннинг марказдан узилиб қолиши туфайли пахтачилик инқирозга юз тутди. Бундан ташқари 1918 йил баҳорида ғазабланган ўн минглаб деҳқон хўжаликлари, кўчага ҳайдалган ўн минглаб чорикорлар, мардикорлар ва пахта заводлари ишчилари миллий-озодлик ҳаракати - "босмачилик" ҳаракатига қўшилдилар. Улар адолатли, миллат тақдири учун талаблар қўйган эдилар. Масалан, Фарғонадаги "босмачилик" ҳаракати бошлиғи Кўршермат: Шўро ҳокимиятидан тўла мустақиллик, шунингдек, Туркистондан ва умуман Россиядан Фарғонанинг мухториятини талаб қилган эди[1].

Демак, қирғинбарот урушлар туфайли ўз эрки, озодлиги учун, адолат ва диёнат учун курашган гуноҳсиз минг-минглаб оддий фуқаролар, ҳатто қариялар, хотин-қизлар ва болалар қириб юборилди, юзлаб қишлоқ ва овуллар ёндирилди, ер билан яксон қилинди. Лекин, маҳаллий меҳнаткаш аҳоли Қизил Армия сафларида Шўро ҳокимияти ғалабаларини сақлаш учун курашди. 1918 йил январидан 1919 йил декабригача Туркистон ўлкасида тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда 20 га яқин Қизил Армия миллий бўлимлари тузилди[2]. Мана

---

1. "Красная Фергана", № 61, 17 июня 1921 г.
2. Нуруллин Р.А. Военно-политический союз народов страны в годы гражданской войны. (Великая сила дружбы народов. Сб.статей.) Ташкент, 1973, С. 70.

шундай қонли жангларда бегуноҳ тинч аҳолининг бекорга қони тўкилиши оқибатида аҳоли сони кескин камайиб кетди. 1914 ва 1920 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхати натижаларини солиштирсак, унинг сони 1914 йилдаги 7,1 млн.дан 5,2 млн.га тушганини, яъни 1,9 млн. кишига камайганини кўрамиз.[1]

Туркистон ўлкасида миллий сиёсатни амалга оширишда гарчи алоҳида орган мавжуд булса ҳам бир қанча ҳатоликларга йўл қўйилди, яъни маҳаллий миллат аҳволи тўла англаб етилмади. Масалан, РКП/б/ Мирзачўл уезди Мусулмонлар бюросининг 1919 йил 21 июндаги мажлисида уезд миллатлар ишлари бўлими бошлиғининг маҳаллий халқ тилини билмаслиги кўрсатилади ва "Уезд ижроия комитетидан миллий бўлим бошлиғига мусулмон тилини биладиган ўртоқни тайинлаш сўралади".[2] Шунингдек, марказнинг қабул қилган қарорлари гарчи миллий сиёсатни тўғри ҳал этишга қаратилган бўлса ҳам, улар қоғозда қолиб, амалда бошқа ишлар олиб борилди. Бу ҳақда Д.Манжара шундай ёзади: "Миллий сиёсатда йўл қўйган хатоларимиз туфайли Қўқон мухторияти вужудга келди... Уни йўқотиш пайтида яна бир хатога йўл қўйдик. Қурол-яроғи деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашган эски шаҳарни қамал қилиш ўрнига тўплардан ўққа тутдик, кейин дашноқларнинг қуролли тўдаларини ишга солдик... Бундан мухториятчиларга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли катта зарар кўрди."[3]

Фуқаролар уруши даврида миллий сиёсий принципларга қарши курашда Туркистон МСР раҳбар партия-шуро органларидаги буюк дав-

---

1. Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-октябрь 1921 г. Ташкент, С.23-25.
2. ЎзР МДА, Р-34 ф., 1-рўйх. 338 ҳужж. 287 б.
3. Манжара Д.И. Революционное движение в Средней Азии 1905-1920 гг. В кн. "Революция глазами современников. /Сборник статей и воспоминаний./" Ташкент, Узбекистан, 1991,С.139.

латчи шовинистлар ва буржуа миллатчи унсурлар етакчи роль ўйнадилар. Шуни айтиш керакки, биз миллатчи деган сўзни узоқ йиллар давомида тилга олишга ҳайиқиб келди. Замон шуни талаб қилиб келди. У сўзни тилга олганимизда ҳам салбий маънода тушундик. Ўз миллатини севган унинг ҳақ-ҳуқуқи учун курашган миллий ўзлигининг қадрияти учун курашганлар миллатчи тамғаси билан йўқотиб келинди.

Туркистон ўлкаси урушлар ҳалқаси ичида қолганлиги, ҳали ёш Шўро ҳокимияти ўзининг барча тадбирлари, шунингдек миллий масалани ҳал қилишдаги қийинчиликлар, сўзсиз, марказдаги ҳукуматни ўзига кўпроқ жалб қилди. Масофа узоқ бўлишига қарамай марказ 1918-1919 йиллар давомида чет эл хуружига қарши курашда шўро Туркистонини курол-аслаҳа, ўқ-дори, озиқ-овқатлар билан таъминлаш чораларини кўрди. 1919 йил февралда Тошкентга "РКП(б) Марказий Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлар Кенгашининг Туркистон ишлари бўйича Фавқулодда Комиссияси" юборилган эди. Комиссияда Элиава, Киселев, Кобозевлар бор эдилар. Бу комиссия зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган эди:

а) партия иши соҳасида - "Туркистон районида партия ишларига умумий раҳбарлик қилиш";

б) шўро иши соҳасида - "Туркистон ўлкаси доирасида халқ Комиссарлар Кенгашининг декретлари ва қарорларини ўз вақтида ва пухта бажарилишини назорат қилиш"[I].

Аммо биринчидан, чет эл хуружи ва фуқаролар уруши даври бўлганлиги учун Марказ билан Туркистон ўртасидаги алоқа узилиб қолди, иккинчидан, алоқа йўқлиги туфайли Туркомиссия фаолиятида чалкашликка йўл қўйилди. Мана шундай вазиятда фойдаланган

I. Иномжонов З. Туркистон АССРнинг ташкил этилиши ва ривожланиши. 36 б.

буюк давлатчи шовинистлар Туркистонда миллий сиёсатни бўғишга ҳаракат қилдилар. Улар раҳбарлик органларига, Қизил Армия сафларига маҳаллий миллат меҳнаткашлари вакиллари киритилишига қаршилик кўрсатдилар. ТуркМИК аъзоси Успенский бошчилигидаги буюк давлат шовинистлари ҳаттоки, Туркистон Республикаси Шўроларининг УШ съездида Миллатлар ишлари халқ комиссарлигини тарқатиб юборишни талаб қилдилар. Шовинист Успенский съезд минбаридан туриб шундай деган эди: Шарқ сиёсатида бизнинг идеалимиз - бутун Шарқда буюк коммунизм ғояларини ёйиш ва сизнинг ролингиз, мусулмон пролетариати, бу ўзларингизнинг шарқий иниларингиз сафларида бориш ва у ерда биз, бу ерда сизларнинг орангизда олиб борган ғояларни амалга оширишдир[1]. Ваҳоланки, ундан олдин сўзга чиққан Т.Рисқулов шундай деган эди: "Бу ерда мусулмон пролетариати сиёсатни ажойиб тушунади, социализмга ҳамфикрдир ва Шўро ҳокимияти дастурида туради. Шарқда ҳаракат барибир миллий характер тусини олмоқда, лекин келажакда Туркистон Шарқ учун бир мактаб бўлади ва ҳаракат социалистик характерда бўлади"[2].

Юқорида тилга олинган буюк давлат шовинистлари Туркистонда миллий масалада ўз сиёсатларини ўтказиш учун жон-жаҳдлари билан курашдилар. Улар ўлкадаги миллатлар ўз тақдирини белгилаш учун ўзлари кураш олиб боришидан манфаатдор эмас эдилар. Шунинг учун Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигини тугатиш масаласини Туркистон Республикаси Шўролари УШ съездига кўтариб чиқдилар. Мана съезднинг 1919 йил 1-2 октябрдаги мажлисида комиссарлик ҳақида нима дейилади: Миллатлар ишлари комиссарлиги шу вақтгача вазифаларини аниқ белгиламаганлиги учун, у катта маблағлар

---

1. "Известия" ТуркЦИКа, № 195, 10 сентября 1919 г.
2. Ўша рўзнома, 1919 й, 9 сентябрь.

сарфлашни талаб қиладиган муассаса ҳисобланган учун, Шўро ҳокимияти байналмилал шиорлари остида иш даврида деярли ҳеч қандай фаолият кўрсатмагани ва айрим миллатларни ҳимоя қилиш вазифасини мақсад қилиб қўядиган алоҳида муассасалар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, шунинг учун бу комиссарликни тарқатиш масаласи кўтарилади[1]. Шу ўринда А.Икромовнинг қуйидаги сўзларини эслаш жоиздир: ишлар олдингидек эмас, балки кўпчилик миллатлар билим даражаси билан ҳисоблашилганда, маҳаллий ёшлар ташкилотлари ва халқнинг уқувли хизматчилари билан келишган ҳолда бўлганда, яхши бўларди[2]. Дарҳақиқат, фақат тор маънодаги баҳона билан комиссарлик фаолиятига чек қўйишга ҳаракат бошланди. Шуниси қизиқки, бу масала Миллатлар ишлари халқ комиссари Г.Турсунхўжаев томонидан кўтарилади. Съезддаги қизғин музокараларнинг бирида ТуркМИК аъзоси Низомиддин Хўжаев масаланинг бу таҳлитда қўйилишига қарши чиқиб шундай дейди: марказда бундай комиссарлик бор ва барча миллатларни ўзига бирлаштирган. Туркистонда, турклардан ташқари кўпгина бошқа миллатлар бор ва агар комиссарлик шу кунгача фаолият кўрсатмаган бўлса, бу тушунмовчилик туфайли бўлган, чунки унда на йўлланма, на кўрсатма бор эди...[3] Гарчи, тарихий ҳақиқатга мана шундай объектив баҳо бериш бўлса ҳам, съезд 2 октябрь куни "керак бўлмаган ва фойдасиз" муассаса деган важ билан "миллатлар ишлари комиссарлиги тарқатилсин" деган қарор қабул қилди[4].

Албатта, бу қарор буржуа миллатчиларининг қўпорувчилик ҳаракатлари оқибатлари бўлиб, Туркистон МСРда яшовчи турли миллатларнинг эркин миллий равнақи йўлида тўсиқ эди. Шунингдек,

---

1. "Известия" ТуркЦИКа, № 218, 7 октября 1919 г.
2. "Иштрокиюн", № 98, 9 май 1919 й.
3. "Известия" ТуркЦИКа, № 219, 8 октября 1919 г.
4. Ўзр МДА, 36 ф., 1- рўйх. 15 ҳужж. 30, 83-95 б.

улар Туркистонда буржуа тартибларини ўрнатишга интилмоқда эдилар. Аммо Туркистон МИК 1919 йил 5 октябрда Миллатлар ишлари халқ комиссарлигига қуйидаги мазмунда хат жўнатди: ТуркМИК Президиуми Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ҳақидаги қоидаларни ишлаб чиқишни тезлатишни таклиф қилади ва ТуркМИКга тезда тақдим этилсин, деб талаб қилади[1].

1919 йил 15 октябрда Туркистон Компартияси ўлка комитети ва Туркистон МИК Президиуми қўшма йиғилиши "Миллатлар ишлари комиссарлигини тарқатиш ҳақидаги Шўроларнинг УШ съезди қарорларини ноқонуний бўлгани учун бекор қилинсин" деган қарор қабул қилди[2]. Лекин бу қарор ҳаётга тадбиқ этилмади. Шунингдек, 1919 йил 3 ноябрда Ўлка мусулмон бюросининг Т.Рисқулов раислигида ўтган мажлисида Миллатлар ишлари комиссари М.Мусахонов маъруза қилди. У Туркистон ўлкаси кўп миллатли бўлгани учун комиссарлик фаолиятини мақсадга мувофиқ деб таъкидлади. Бундан ташқари, комиссарлик қошидаги маҳаллий миллат вакиллари манфаати учун курашувчи бўлимлар фаолияти ҳам марказлаштирилади. Буни қабул қилинган қарордан ҳам кўриш мумкин:

"1. Миллатлар ишлари комиссарлиги қолади.

2. Комиссарлик қошида фаолият кўрсатган барча миллий бўлимлар тарқатилади ва уларнинг ўрнига вақуф ишларини ўз ичига олувчи битта турк бўлими ташкил этилади"[3]. Бу ерда миллий мусулмон бўлимлари деб ўзбек, туркман, қирғиз ва бошқа бўлимлар назарда тутилган.

Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг фао-

---

1. ЎзР МДА, 17 ф., 1-рўйх. 1063 ҳужж. 3 б.
2. Ўша ерда, 36 ф. 1- рўйх. 15 ҳужж. 80-80 орк. б.
3. Ўша ерда, 75 б.

лиятини тўхтатмаслик учун анча ҳаракат қилинди. Жумладан, комиссарликнинг ТуркМИКга 1919 йил 24 ноябрда юборган 7347 хатида, миллатлар ишлари бундан кейин ҳам турли миллатлар оммасини ташкиллашда зарур муассаса бўлади... дейилган[1]. Лекин, барибир комиссарлик съезд қарорига кўра ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Бу унинг биринчи даври фаолиятига қўйилган нуқта эди. Аммо 1919 йил охирига келиб Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигида 8 та доимий ишлайдиган бўлимлар, 10 та миллий бўлимлар, 1 та вилоят бўлими (Еттисув) ва 28 та уезд-шаҳар бўлимлари фаолият кўрсатган эди[2].

Ўрта Осиёда Шўро ҳокимиятини ва партия органларини мустаҳкамлаш мақсадида В.И.Ленин ташаббуси билан 1919 йил октябрда Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКСининг Туркистон комиссияси тузилди. Унинг таркибида Ш.Элиава, В.В.Куйбишев, М.В.Фрунзе, Я.Э.Рудзутак, Ф.И.Голочекин, Г.И.Боқийлар бор эдилар. Ўрта Осиё шароитида миллий масала мураккаб муаммолардан бири эди. Бу масалада комиссия Туркистон, Бухоро, Хоразм партия ташкилотларига ёрдам бериши керак эди. Чунки, ана шу ташкилотларга суқилиб кириб олган буюк рус шовинизми Ўрта Осиёдаги миллий шўро давлати тузилишига тўсқинлик қилар эди. Комиссия ўз фаолиятида ижобий ишларни ҳам амалга оширди. Жумладан, бу махсус комиссиянинг Туркистонга келиши билан Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг бўлимлари тикланди ва фаолияти вақтича тўхтаганлиги сабабли комиссарликнинг вазифаси Туркистон МИКга ўтказилди.[3]

---

1. ЎзР МДА, 17 ф., 1- рўйх. 1063 ҳужж. 23 б.
2. ЦГА УзССР, ф. 36, Д.17,л.662. в статье Ланда Л.М."Создание народного Комиссариата по национальнм делам Туркестанской АССР и его деятельность в 1918-1919 гг. в кн.Из истории Советского Узбекистана. Ташкент, Изд.АН УзССР, 1956. С.98.
3. Ланда Л.М. Создание народного Комиссариата по национальнм делам Туркестанской АССР и его деятельность в 1918-1919 гг. С. 98.

Демак, деярли бир ярим йил фаолият кўрсатган Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ҳеч бир асоссиз тарқатиб юборилди. Бу эса нафақат Туркистон МСРда, балки Ўрта Осиёда миллий масалани ҳал этишни атайлаб орқага суришга қаратилган ҳаракат эди. Комиссарлик олдида ҳали бажариши лозим бўлган кенг кўламдаги вазифалар турарди. Лекин бу комиссарликнинг раҳбарлик фаолиятида айрим шахсларнинг ўз ишини тушуниб етмаганлиги ҳам мана шундай аҳволга келишига сабаб бўлди.

Туркистон комиссияси ҳақидаги Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКСининг махсус қарорида ленинча наказ ифодаланган эди: "Туркистон халқларининг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари, ҳар қандай миллий тенгсизликни ва бир миллий гуруҳнинг иккинчи бир миллий гуруҳга нисбатан имтиёзларини йўқ қилиш, Россия шўро ҳукумати бутун сиёсатининг асосини ташкил этади ва унинг органларининг бутун ишида дастуриламал бўлади, фақат мана шундай иш олиб борилгандагина, Туркистон маҳаллий меҳнаткашларида рус чоризмининг кўп йиллик ҳокимлиги натижасида Россия ишчи ва деҳқонларига нисбатан пайдо бўлган ишончсизликни енгиш мумкин"[I].

Ўлкада халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи учун курашганлардан бири Т.Рисқулов эди. Унинг қарашлари ўлкадаги неча йиллар давомида чор ҳукумати томонидан эзилиб келган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши учун кураш руҳи билан суғорилган эди. Т.Рисқулов тарафдорлари ушбу дастурни илгари сурган эдилар:

I) мусулмонлар, уларнинг сиёсий қиёфаси ва ишга тайёрлиги қандай бўлишидан қатъий назар, ҳокимият органларида ўринларини

I. СССРда гражданлар уруши тарихидан ҳужжатлар тўплами. 2 том, 1961 йил. 739 б. ёки В.И.Ленин. Тўла асарлар тўплами, 39 том. 581 б.

эгаллашлари лозим;

2) бу ҳокимиятнинг умумий вазифаси синфий онгни эмас, балки миллий онгни уйғотишдан иборатдир... Ерли аҳолини синфларга бўлишнинг ... ҳозирги даврда ҳеч қандай аҳамияти йўқ ... Армия мусулмонлар армияси бўлиши лозим...[I]

Бу дастурни ўша пайтда ҳаёлий нарса, большевиклар сиёсатига тўғри келмайдиган миллатчилик уриниши деб баҳо берилган эди. Лекин федерация бўлинишига асосланган давлат миллий шароитни урф-одатлар, ҳақ-ҳуқуқларни поймол этмаслиги, аксинча, миллий қадриятларни қадрлаш ва ҳурматлаш асосида федерацияга кирган давлатларга кенг ҳуқуқлар бериши ва миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш орқали тўла тенг ҳуқуқли мустақил давлатларнинг федератив давлатни барпо этиш керак эди. Большевикларнинг марказлаштирилган давлат тузиш ғояси кейинчалик унга кирган барча миллий бўлинишга асосланган давлатлар федерациясини бадном этди, миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилди, В.И.Ленин баён қилган миллатларнинг то ажралиб чиқиб кетишгача бўлган ҳуқуқи фақат қоғозларда ва Конституцияда қолди, амалда бунга йўл қўйилмади. Ҳаёт бундай сиёсатнинг умри қисқа эканлигини, уни ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашаётган халқлар қўллаб қувватламаслигини кўрсатди.

РКП(б) УШ съездидан сал кейинроқ Туркистон Коммунистик партияси ўлка комитетининг I қурултойи (апрель-май 1919 йил) бўлиб ўтди. Қурултой маҳаллий аҳоли ўртасида ишларни юксалтириш ва уларни шўро органларига тортиш, Туркистон халқлари тилларида коммунистик адабиётларни ташкил этиш тадбирларини илгари сурган эди. Қурултойдан олдинроқ бўлиб ўтган Туркистон Компартияси II конференцияси Туркистон Компартияси қошида Мусулмон бюросини

I. "Известия" ТуркЦИКа №212 19 сентября 1920 г.

ҳам ташкил этган эди. Орадан бир ой вақт ўтиб, ўлка партия комитети Мусулмон бюроси ҳақидаги Низомни муҳокама қилди ва қабул қилди. "Мусулмон бюроси" (Мусбюро)нинг ташкил топиши Туркистонда миллий масалани ҳал этишнинг бир кўриниши эди. Мусбюрони тузиш зарурлиги авваломбор Шарқ халқларининг, шу жумладан Туркистон ўлкасининг ижтимоий маиший шароитлари ва тилларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш заруриятидан келиб чиққан эди. Шунинг учун партия иши уларнинг шароитларига мос ҳолда ва маҳаллий миллатлар тилларида олиб борилиши керак эди. Унинг асосий вазифаларидан яна: маҳаллий миллат меҳнаткашлари орасида сиёсий ишлар олиб бориш, партияга маҳаллий коммунистларни тарбиялашда ёрдам бериш эди. Мусбюро дастлаб ана шу йўналишда иш олиб борган. Кейинроқ эса, у ўзини Туркистон Компартияси ўлка комитетига қарши қўя бошлаган ва мустақил қарорлар чиқара бошлаган.

1919 йил 1 июнда Тошкентда очилган Туркистон Компартияси III съезди аксилмухториятчилар Казаков, Успенский ва уларнинг тарафдорларига зарба берди. Съезд ишида Т.Рисқулов томонидан Туркистон Компартияси мусулмон бюросининг вилоят, уездларда қуйи ташкилотларини ячейка ва партия комитетлари ҳуқуқи билан тенг асосда тузиш таклиф этилди. Унинг таклифи съездда қабул қилинди. Чунки, бу вақтга келиб Туркистонда 5221963 киши яшаётган эди. Улар (1920 йил аҳоли рўйхатига биноан) шундай эди:

Миллатлар	шаҳар	қишлоқ	жами	%
ўзбеклар	56I765	I488990	2050755	39,3
а) қирғиз-қозоқлар	32476	I059449	I6I42I7	30,8
б) қора-қирғизлар	65I2	5I5780		
туркманлар	633	266048	266681	5,I
қорақалпоқлар	2909	78I25	75334	I,4
қурама	--	50652	50652	0,9
тарянчи	6059	39467	45526	0,8
қипчоқлар	226	3I6I4	3I840	0,6
татарлар	I6248	6255	22504	0,4
руслар	202029	334642	536671	I0,3
тожиклар	I20I89	279723	399912	7,7
форслар	25999	9327	35326	0,7
арманлар	I9352	7II	20063	0,4
бошқа миллатлар	47I53	25329	74482	I,6
ЖАМИ	I040850	4I8III3	522I963[I]	

I920 йилги аҳоли рўйхати шуни кўрсатмоқдаки, Туркистон ўлкасида қишлоқ аҳолиси шаҳар аҳолисига нисбатан деярли тўрт баравар кўп бўлган. Рўйхатни таҳлил этар эканмиз, аввалambор, Ўрта Осиёда яшовчи жами ўзбекларнинг 66,5% и Туркистон Республикасида яшаганлигини таъкидлаймиз. Шунингдек, Ўрта Осиёдаги жами туркманларнинг 43,2% и, тожикларнинг 47,7% и Туркистон республикасида яшар эди[2].

I. Қаранг: "Отчет о деятельности Совета Народных Комиссаров и Экономического Совета Туркестанской Республики на I-ое октября I922 года. Ташкент, I922, С. 53.

2. Очерки истории Коммунистических партии Туркестана, Бухары Хорезма. Ташкент, Госиздат УзССР, I959, С. 9-I0.

Туркманлар асосан Каспий ортида яшарди. Тожикларнинг асосий қисми Бухоро ХСРда, яна бир қисми Самарқанд вилояти Ҳўжанд уездида, Фарғона вилоятининг қатор ноҳияларида (Помир, Конибодом, Исфара ва б.) яшар эдилар. Қирғизлар Еттисув вилоятининг Қоракўл, Пишпек, Норин уездларида, Фарғона вилоятининг Ўш уезди, Андижон уездининг Жалолобод районида яшар эдилар. Қорақалпоқлар эса зич ҳолатда Амударё вилоятида яшаганлар. Қозоқлар ўлкада кенг ёйилган бўлиб, Еттисув, Сирдарё, Каспийорти вилоятларининг бир қанча уездларида яшардилар.

Аҳолининг бундай кенг тарқаб яшаётганлиги ўлканинг ўтмишда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиёти заифлиги оқибати эди. У вақтда, чоризм ва хонликлар даврида "бўлиб юбор ва бошқар" принципига амал қилинарди.

Чет эл ҳуружи ва фуқаролар уруши даврида Шўро Туркистони халқлари ниҳоятда қийин аҳволда яшар эдилар. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Туркистонда Шўро ҳокимиятига қарши очиқдан-очиқ қарши эдилар. Туркистон халқларининг оғир аҳволи албатта, марказдаги органларнинг диққат эътиборидан тушмаганлиги таъкидлаган эдик. 1918 йил июнь ойида В.И.Ленин кўрсатмаси билан И.В.Сталин Царицындан Туркистонга темир йўл орқали 100 вагон буғдой ва 15 вагон арпа жўнатди. Шунингдек, РСФСР ҳукумати Туркистоннинг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун 76 млн. сўм ажратди[1]. Лекин, чет эл ҳуружи ўлканинг ҳамма жойида кескин тус олмоқда эди. Каспийорти фронтида 9 Ашхобод комиссари, Туркистон республикаси меҳнат халқ комиссари, Полторацкий, 26 Боку комиссари ва бошқалар ваҳшийларча ўлдирилдилар.

---

1. Кулиев К.М. Национальная политика Коммунистической партии в Средней Азии в годы гражданской войны и иностранной интервенции. Труды института истории, археологии и этнографии. Ашхабад, Изд.АН ТССР, 1956, С. 20.

Қизил Армиянинг ва маҳаллий меҳнаткаш омманинг тезкорлик билан қилган ҳаракати натижасида 1919 йил январида Тошкентда рўй берган Осипов исёни бостирилди, октябрда "Оренбург тиқини" тугатилди. Тошкентдаги Осипов исёнида партия-шўро органларига жойлашиб олган буюк давлатчи-шовинистлар асосий роль ўйнадилар. Исён натижасида Туркистоннинг 14 комиссари ўлдирилди. Бу исённи бостиришда Тошкентнинг эски шаҳар қисми меҳнаткашлари ҳам фаол қатнашдилар. Бунда Н.Хўжаев, М.Миршаропов, О.Бобожонов, С.Қосимхўжаев каби маҳаллий миллат вакиллари бошқарган эски шаҳар дружинасининг отрядлари исёнчиларга қарши курашда фаол бўлдилар.

Шунингдек, Қизил Армия 1920 йил февралда Красноводск шаҳрини озод қилгандан кейин Каспийорти вилояти инглиз империалистлари ва оқ гвардиячилардан тозаланди. Босқинчилар чекиниш билан бирга халқ бойлиги - нефть, пахта, озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва моллари, туркман гиламларини олиб кетдилар.

Фуқаролар урушининг қизғин палласи кетаётган бўлса ҳам ўлкада миллий масала долзарб муаммо бўлиб турди. Шу мақсадда 1920 йил 2 январда очилган Туркистон Компартиясининг У Ўлка конференцияс бошқа масалалар қатори миллий масала ва миллий секциялар масаласини муҳокама қилди. Бу масала юзасидан маъруза қилган Т.Рисқулов ўлка партия комитетини мусулмон меҳнаткашлари орасида обрўга эга бўлмаганлиги учун танқид қилди. У ўлкадаги мавжуд комитетларни бирлаштириш ғоясини илгари суриб: Бизда кўпчилик маҳаллий аҳолини ўзига бирлаштирган ягона коммунистик партия тузиш зарурдир[1], деди. Қизғин музокаралардан кейин у илгари сурган фикрини якунлаб шундай деди: Турк халқлари Коммунистик партиясини ташкил қилиш... режани ўзгартиришни... назарда тутмайди[2].

---

1. "Известия" ТуркЦИКа от 25 января 1920 г.
2. Ўша газета.

демак, конференция қарорларининг бир моддаси худди ана шу ғояни ўз ичига олади.

Т.Рискулов томонидан илгари сурилган ғоянинг асосий мақсади шу даврда ўлкада алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатаётган РСДРП ўлка комитети, ўлка мусулмонлар бюроси, чет эллик коммунистлар ўлка комитетини бирлаштириш эди. Бу комитетлар Туркистон Компартияси IУ съезди (I9I9 йил) қарорларига биноан миллий белгиларга қараб тузилган эди. Бу эса хато эди. I920 йил I2 январда бўлиб ўтган Тошкент партия ташкилотининг умумшаҳар конференцияси қарори ҳам бунинг нотўғрилигини тасдиқлади. Миллий белгиларга қараб тузилган бир қанча партия ташкилотларининг мавжудлиги... дейилади қарорда, - партия сафларида миллий тенденцияларни... келтириб чиқаради"[I].

Лекин бу ҳаракат амалга ошмади. Бу хусусда РКП(б) МКининг I920 йил мартдаги ҳисоботида шундай дейилади: Туркистон ҳудудида Туркистон партияси номини олган ягона коммунистик ташкилот бўлиши керак... Туркистон КП ва жойлардаги партия комитетларида миллатлар бюролари ва секциялари ташкил этилиши зарур[2]. Албатта, бунда партия тузилиши миллий белгиларга қараб эмас, балки қарашларга, ҳаракатга қараб бўлишини эътироф этиш керак.

Ўрта Осиёдаги миллий масаланинг яна бир муҳим томони, бу Армия масаласи эди. Бунинг учун энг аввало Туркистон ўлкасида чор ҳукумати давридаги мусулмон халқларга нисбатан муносабат қолдиқларини тугатиш керак эди. Чунки, у вақтда мусулмон халқларга мансуб шахслар Армия хизматига чақирилмас эди. В.И.Ленининг I9I8 йил январда Қизил Армия тузиш ҳақидаги декретига би-

---

I. "Известия" ТуркЦИКа. № I2, I8 января I920 г.

2. "Известия" орган Самаркандского обкома и ревкома, № 64 2I марта I920 г.

ноан, чет эл хуружи ва фуқаролар уруши даврида маҳаллий миллат вакиллари - ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ва бошқа миллат вакиллари кўнгилли бўлиб Қизил Армия сафларида душманга қарши курашдилар. Туркистон фрунтида ўзбек ва туркман отлиқ бригадалари, татар ўқчи бригадаси, шарқий мусулмон полки ва алоҳида қирғиз, тожик, қозоқк ва бошқирд қисмлари... фаол ҳарбий ҳаракат олиб бордилар[I].

Лекин маҳаллий миллат вакилларининг ҳарбий соҳада раҳбар органларда етишмаслиги муаммо эди. Бунинг учун маҳаллий миллат вакилларидан раҳбар кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилиши керак эди. Шунингдек, ҳарбий соҳада маҳаллий миллат тилида бирон-та адабиёт, манбалар йўқ эди. Туркистон фронти Ҳарбий Инқилобий Кенгаши 1920 йил 7 март қарори билан В.И.Ленин номидаги Тошкент пиёда аскарлар мактаби қошида 200 курсантга мўлжалланган махсус миллий бўлим ташкил этилди[2]. Айни бир вақтда устав ва ўқув қўлланмаларини маҳаллий тилларга таржима қилиш ташкил этилди. 1920 йил 7 майда эса М.В.Фрунзе ва В.В.Куйбишев Қизил Армия сафларига мусулмонларни сафарбарлик қилиш ҳақидаги буйруққа имзо чекдилар. Буйруқнинг биринчи бандида шундай дейилади: ... Ишчи-деҳқон, Қизил Армия сафларига Туркистон ўлкасидаги 19 дан 35 ёшгача чақирик ёшида бўлган маҳаллий мусулмонлардан 30 мингтаси чақирилсин[3].

Бу буйруқ Туркистон ўлкасида мусулмон халқ оммасини Шўро ҳокимияти ғалабаларини ҳимоя қилишга сафарбар этар эди. Туркис-

---

I. Алескеров Ю. Интервенция и гражданская война в Средней Азии. Ташкент, Госиздат, 1959. С. 217.

2. Воскобойников Э., Зевелев А. Турккомиссия ВЦИК и Совнаркома РСФСР и Туркбюро ЦК (РПК(б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. Ташкент, Госиздат УзССР, 1951, С. 121.

3. Фрунзе М.В. На фронтах гражданской войны. Сборник документов. С. 278.

тон Шўролари МИК органи "Известия" рўзномасида босилган Цвилинг-нинг "Мусулмонлар Қизил Армияга" деган мақоласи буни таҳлил эта-ди. Нима учун Шўро ҳокимияти мусулмонларни Қизил Армияга чақи-раяпти? Шўро ҳокимияти учун, - дейди муаллиф, - миллатларда фарқ йўқ... Ҳамма эзилган миллатлар ишчи-деҳқон ҳукуматининг ғамхўрлигидан етарли даражада фойдаланмоқда. Ҳаммадан кўра кўп-роқ империалистлар томонидан Шарқнинг мусулмон элатлари эзилган ва эзилмоқда[I]. Тўғри, халқлар ўз эркин тараққиёти учун ёвуз душ-манларга қарши кураш олиб бориши керак. Лекин, бунинг учун ку-рашнинг қандай мақсадда, айнан кимга қарши олиб борилаётганлиги-ни ҳам билиш даркор. Акс ҳолда, миллат тараққиётини тўхтатиб етиб, ана шу мақсад учун кураш олиб бораётган миллий-озодлик ҳаракати қатнашчиларига ҳам қурол ишлатади. Бу эса, бир миллатнинг ичида ўзаро курашни келтириб чиқаради.

Туркистонда Шўро давлатчилигини қуриш ниҳоятда қийин кеч-ди ва у кутилган натижани бермади. Чунки, Шўро давлатчилиги чет эл ҳуружи ва фуқаролар уруши даврида республикадаги ерли миллат асосий табақасини,ва айниқса, қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳ-наткаш деҳқонларни кенг кўламда ўзига жалб қила олмаган эди.

1920 йил бошларида Туркистонда фуқаролар урушининг асосий фронтлари тугатилгандан кейин шўро мухториятини қуриш учун ҳа-ракат кенг авж олиб кетди. 1920 йил февралида Хива хонлигида халқ кўтарган қўзғолон натижасида хонлик тузуми ағдарилди. Унинг ўрнида янги давлат - Хоразм Халқ Шўро республикаси барпо этилди.

Шу йилнинг сентябрида Бухоро меҳнаткашларининг қўзғолони ва Қизил Армиянинг четдан аралашуви билан амирлик тузуми ағда-рилди. У ерда ҳам янги давлат - Бухоро Халқ Шўро республикаси

I. "Известия" ТуркЦИКа № 137 23 июня 1920 г.

ташкил этилди. Ҳар иккала қўзғолонда Шўро Россиясининг "мадад" қўли асосий роль ўйнади.

Шундай қилиб, 1920 йилнинг иккинчи ярмидан маҳаллий миллат вакилларини Шўро давлати аппаратига кенг кўламда жалб қилиш, Шўро давлатчилигини ривожлантириш учун қулай шарт-шароит вужудга келди. Худди ана шу янги сиёсий вазиятда 1920 йил сентябрда Шўроларнинг IX Бутун Туркистон съезди бўлиб ўтди. Шуниси қувонарлики, *съезд ишида 123 мусулмон ва 95 оврупали миллат вакиллари қатнашди*. Айниқса, Фарғона, Еттисув, Каспийорти вилоятларидан оврупалик давлатлар кўпроқ қатнашди. Съезд, шунингдек, Туркистон Мухтор Республикасининг 1918 йилда қабул қилинган конституциясига бир қанча муҳим ўзгартишлар киритиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда унинг янги Конституциясини қабул қилди. Чунки, фуқаролар уруши тажрибасини ҳисобга олиш, республика ҳокимият ва идора органларининг вазифа ва ҳуқуқни янада пухта аниқлаб бериш лозим эди. Фуқароларнинг ҳуқуқ, бурчлари, эркинликлари Конституцияда ўз ифодасини топди. Лекин бундан олдинроқ марказда қабул қилинган Конституцияда давлатнинг миллатга муносабати ҳақида ҳеч нарса дейилмаган эди. Бундан ўрнак олган Туркистон Мухтор республикасининг Конституциясида ҳам миллат тўғрисида ҳеч нарса қайд этилмади. Ваҳоланки, Туркистон ҳукумати ўз Конституциясини қабул қилингунга қадар, яъни 1918 йил 23 августда рус тили қаторида турк тилининг ҳам давлат тили эканлиги ҳақида декрет чиқарган эди. Ҳатто Австриядек давлат ҳам 1867 йилги конституциясининг 19- моддасида шундай қайд этган: "... ҳар бир халқ ўзининг миллати ва ўзининг тилини сақлайди ва ривожлантиради"[1]. Бизда эса Туркистон республикаси Конституцияси ҳатто умумхалқ маълу-

---

1. "Коммунист". № 47, 22 ноября 1918 г.

моти учун ҳам фақат рус тилида эълон қилинган эди. Туркистон МСРнинг янги Конституцияси ҳар жиҳатдан катта ташкилотчилик ролини ўйнайди деб умид қилинган эди. Лекин марказнинг кучли тасарруфида яшаган ўлкамиз халқлари унинг иродасисиз, ўз ҳолича бирор муҳим қарор қабул қила олмади, ўз қонунини яратмади.

Туркистон Компартияси ўша маҳалда (1920 йил) Туркистонни айрим миллий республикаларга дарҳол бўлиб юбориш тарафдори бўлган *айрим шахсларнинг "сўллик" ҳаракатларига қарши аёвсиз кураш* олиб борди. Чунки, большевиклар партиясининг мақсади тобе халқлар тақдирини ҳал этиш деган маънода ягона байналмилал давлат тузиш эди. Шунинг учун "сўллар"нинг бундай таклифи таг-томири билан рад этилди. Аслида, бу ҳаракат тарихий воқеликка монанд эди. Чунки, асрлар давомида эзилиб келган халқ оммаси инқилоб туфайли Марказнинг таъсири билан янги кўринишдаги давлат шаклига тортила бошланди. Бу давлат миллатларнинг алоҳида давлат бўлиб ажралиб чиқиши эмас, балки марказлашган давлат шакли эди. Туркистон ўлкаси бу вақтда фуқаролар уруши гирдобида эди. Шунинг учун алоҳида миллий республика тузиш масаласи анча оғир кечди. Лекин ўлкада халқларнинг озодлиги, миллий ўзлигини англаши учун миллий-озодлик ҳаракати борар эди. Бундай ҳаракатларнинг натижасида Қирғиз МССР ташкил этилди.

1920 йил 26 августда Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКС В.И.Ленин ва М.И.Калинин томонидан имзоланган "Қирғиз Мухтор Социалистик Шўро Республикасини ташкил этиш тўғрисида"ги тарихий декретни қабул қилдилар. Бу эса миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқаётганлигини билдирар эди. Бу ҳуқуқ ҳар бир миллатнинг бошқа миллий давлатдан ажралиб чиқиш ва ўз мустақил давлатини тузиш, ижтимоий ва сиёсий тараққиётини хоҳишига кўра амалга ошириш эркинлигини билдиради. Ҳақиқий миллий тенгликни

таъминлаш мамлакатнинг миллий чекка ўлкаларидаги хўжалик, сиёсий ва маданий қолоқликни тугатиш, турли халқларнинг ривожланиш даражаларини бир-бирига яқинлаштириш ва бараварлаштиришни англатади. Буни Кирғиз МССР ташкил этилганлиги исботлади.

Чет эл ҳуружи ва фуқаролар уруши нафақат Туркистон халқлари учун, балки Ўрта Осиё халқлари учун ҳам жафоли кунлар олиб келганлигини кўрамиз. Маҳаллий миллат меҳнаткаш оммаси чор ҳукуматининг неча ўн йиллар давомида ўтказган зулми етмагандек, яна бир оғир синовли кунларни бошидан кечирди.

Мана шундай дамларда бевосита миллий масала билан шуғулланувчи Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги тарқатиб юборилди. Бу давлат ва ҳукумат ижроия органларидаги раҳбар шахслар томонидан йўл қўйилган катта хато эди. Буни мусулмонлар бюроси ўлка конференциясидаги (1920 йил 9 январь) Андижон уезд-шаҳар ўлка мусулмонлар бюроси маърузасида ҳам кўриш мумкин. Унда: оврупалик ўртоқлар, дарҳол ҳеч ким билан ҳисоблашмай бу муносабатларни (халқнинг урф-одатлари, расм-русмлари - А.К.) бузишга - ўзгартиришга киришдилар, ва босиб олинган мамлакатдагига ўхшаб ҳаракат қилиб, ўзларининг талабларини ўтказишни бошладилар, - дейилади[1].

Аммо, Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолияти айнан Шўро ҳокимияти дастлабки даврларидан маълум халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларини англаб етишга, ўз тақдирларини ўзлари белгилашларига ёрдам бериши керак эди. Лекин комиссарликнинг биринчи даври фаолияти асоссиз равишда тугатиб юборилган эди. Бу жуда қўпол хато бўлиб, миллий муносабатларни ҳал қилишни анча орқага суриб юборди.

I. Ўз ҲДП МК ПА 60 ф. I- рўйҳ. 688 ҳужж. I б.

II- БОБ. ТУРКИСТОН МСР МИЛЛАТЛАР ИШЛАРИ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИНИНГ ҚАЙТАДАН ТИКЛАНИШИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ

I- §. Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг Туркистонда миллий муносабатлар ҳолатига таъсири

Октябрь инқилоби туфайли шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, ёш ҳукумат мамлакат халқ хўжалигининг барча жабҳаларида жуда катта қийинчиликларни бошидан кечирди. Шунинг учун биринчи галдаги вазифа мамлакат иқтисодиётини йўлга қўйиш эди. Албатта, бу вазифани бажариш билан бирга мамлакатда ижтимоий-маданий соҳадаги муаммоларни ҳал этишини уйғун суратда олиб бориш керак эди. Уни амалга ошириш Туркистон ўлкасида айниқса қийин кечди. Чунки, ўлка кўп вақт мобайнида ҳарбий ҳаракатлар майдони бўлиб турди. Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги олдида масъулиятли вазифалар турар эди. Негаки, бу комиссарликнинг ташкилий тузилиши бошқа комиссарликларникидан тубдан фарқ қилар эди. Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ўз фаолияти жиҳатидан турлича бўлган миллатлар билан иш олиб бориши керак эди. Бу вазифа Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг мақсадларида: республика ҳудудида яшовчи миллатлар оммаси синфий дунёқараши ва маданий даражасини кўтариш учун барча тадбирлар қилинади, деб аниқ кўрсатилган эди[I]. Шунинг учун комиссарлик ва унинг бўлимлари миллий принципларга кўра тузилган эди.

Туркистон ўлкасида Шўро ҳокимияти хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида давлатчиликни ташкил этиш, миллий сиёсатни тўғри ва одилона юритиш соҳасидаги дастлабки тадбирларни мураккаб

I. ЎзР МДА 36 ф., I- рўиҳ. I5 ҳужж. 43 б.

шароитда амалга оширишга киришди. Бунда ўлканинг инқилобдан олдинги ўзига хос аҳволи ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмас эди. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида шўро ходимлари орасида, маҳаллий аҳоли вакилларининг етишмаслиги, саводсизликни енгиш сингари қийинчиликлар шулар жумласидан эди.

1920 йили Шўролар республикасига оқ поляклар ва Врангель армияси ҳужум қилганида РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги маҳаллий аҳоли ўртасида урушнинг асл моҳиятини тушунтириш учун аниқ вазифаларни белгилади:

1) Пан ва помешчикларни ишчи ва деҳқонларнинг синфий душманлари сифатида қоралаш;

2) Нима учун биринчи навбатда оқ гвардиячилар руҳий ва моддий қуллик занжирини оз сонли миллатларга ташлаётганини тушунтириш;

3) Ғарбий ва Қрим фронтларини кучайтириш учун конкрет тадбирларни қабул қилиш...[I].

Бу вазифаларни халқ оммасига етказиш учун эса кадрлар етишмас эди. Шундай экан, ўлкада ижтимоий-маданий соҳалардаги вазифаларни ҳал қилишда ишни нимадан бошлаш керак эди, деган савол тугилади.

Шўро ҳукумати Туркистон ўлкасида бу соҳадаги вазифаларни ҳал қилишни дастлаб эски буржуа давлат маориф ва матбуот аппаратини синдириб ташлашдан бошлади. Чунки, барча миллий маданий бойликларни мусодара қилишга раҳбарлик қила оладиган янги шўро маориф ва матбуот аппаратини вужудга келтириш керак эди. Бунинг учун шўро ҳукумати ўз олдига қўйган биринчи вазифани, яъни Туркистон МСРда эски ўзбек алифбосидан лотин алифбосига ўтишни

I. Политика Советской власти по национальным делам за три года. 1917-IX-1920. М., Госиздат, 1920, С. 148.

амалга оширди. Бу билан аждодларимиз маданий меросини ўрганишда катта тўсиқ вужудга келтирилди. Бунда ҳар қандай халқнинг эрки унинг мукаммал она тилисида эканлиги тушуниб етилмади. Шўро Туркистонининг миллионлаб мусулмон оммаси маҳаллий тил ҳақида ҳеч қандай декретга эга эмас эди[1]. Лекин, юқоридаги ҳаракат жуда катта тадбирлар ўтказилишини талаб қиларди. Яқинларгача ҳам Ўрта Осиё халқлари ўша даврда саводсиз эди деб таъкидлаб келинди. Шундай бўлса ҳам, инқилобдан кейинги қийин шароитда Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг жойлардаги бўлимлари халқлар оммаси эътиқоди учун кураш олиб борди. Масалан, Хўжанд уезди миллатлар ишлари бошқарувчиси ўн йил давомида беркитиб қўйилган "Мулла Салим" масжидининг қайтадан очилишига катта ёрдам берди[2].

Тил миллий тафаккур, миллий онг, тушунча, дунёқараш ва маданият кўзгусидир. Унга гард қўндириш асло мумкин эмас. Акс ҳолда ана шу халқ ғариблик, бенаволик гирдобига тушади, ўз миллий маданиятини йўқотади, ўзлигини унутади. Туркистон ўлкасида бу масалани ҳал этишда халқ оммасининг кўп миллатли эканлиги янада мураккаб вазифаларни келтириб чиқарди.

1919 йил 26 декабрда В.И.Ленин тарихий ҳужжат - саводсизликни тугатиш ҳақидаги декретга имзо чекди. Роса бир йил ўтиб, 1920 йил декабрда, Туркистон республикасида саводсизликни тугатиш бўйича Ўлка Фавқулодда комиссияси тузилди. Бу тадбирлар натижасида маҳаллий аҳолининг тили сақланиб, ёзув графикаси ўзгартирилди. Шунинг учун рус ва ўзбек тилларида ҳарф ўргатувчи қўлланмалар нашр этилди. Халқ оммасининг билим даражасини кўтариш учун эса бир қатор тадбирлар белгиланди. Жумладан, ёлланма ишловчилар

---

1. ЎзР МДА 34 ф., 1- рўйх. 338 ҳужж. 23 б.
2. ЎзХДП МК ПА 60 ф. 1- рўйх. 810 ҳужж. 3 б.

учун махсус декрет чиқарилдики, унда саводсиз ишчилар иш ҳақлари сақланган ҳолда савод чиқариш учун 2 соатга ишдан озод этилади дейилган эди[I].

1920 йил 17 ноябрда Туркистон МСР ҳукумати "Аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш ҳақида" декрет чиқарди. Унда 8 ёшдан 40 ёшгача бўлган республика барча аҳолисини ўз она тилисида, ёки бошқа маҳаллий, ёки рус тилида савод чиқариши мажбур қилиб қўйилди[2].

Бунинг учун маҳаллий аҳоли вакилларини саводсизликни тугатиш мактабларига жалб қилиш керак эди. 1921 йилнинг ўрталарида Туркистонда 300 та саводсизликни тугатиш курслари ва 45 та катта ёшлилар учун махсус курслар ишлаб турди[3].

Туркистон МСР ҳукумати олдида бошланғич ва ўрта мактаблар тармоғини, шўро матбуотини, олий таълим тизимини вужудга келтириш, санъатни ривожлантириш, меҳнаткаш халқнинг маданий савиясини кўтариш зарур эди. Халқ оммаси ўз маданиятини ўзи яратади. Бунинг учун четдан ҳар қандай аралашишга ҳожат йўқ. Ўз давлатини ўзи бошқариш учун кадрлар зарур. Кадрлар эса ўзининг билим даражаси, дунёқарашини шакллантириши керак. Бу эса ғоят катта тадбирлар амалга оширилишини тақозо этади. Унда Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги қатор ижобий ишларни амалга оширдики, биз буни қуйида кўриб чиқамиз.

Тарих воқеалари шуни курсатадики, Ўрта Осиё халқлари қадимий бой маданий ва моддий тарихга эга. У ўзининг ноёб ва дурдона моддий ва маънавий бойликларини яратди. Машҳур олимлар,

---

I. "Наука и просвещение" журнали. № 2; 1922, 150-152 б.
2. Лунин Б.В. В.И.Ленин и народы Средней Азии. Ташкент, Ўзбекистан. 1967. С. 151.
3. "Наука и просвещение", 1922, № 2, 149 б.

санъат ва адабиёт намояндаларининг муборак номлари ва асарлари тарихда ўлмас бўлиб қолди.

Октябрь инқилоби халқларнинг тўла равнақи учун кенг йўл очиб берди. В.И.Ленин капитализм даврида ҳар бир миллий маданиятда икки хил маданият - ҳукмрон синф маданияти, яъни халқ оммасини иқтисодий ва маданий жиҳатдан қулликка соладиган буржуа маданияти ва халқнинг орзу-умидларини акс эттирадиган маданият бор, деб кўрсатган эди. Пролетариат ҳар бир миллий маданиятдан худди ана шу демократик маданият элементларини олиши керак эди. "...Ҳар бир миллий маданиятдан, - деган эди В.И.Ленин, - унинг фақат демократик ва социалистик элементларнигина оламиз, биз уларни фақат ва мутлақо ҳар бир миллатнинг буржуа маданиятига, буржуа миллатчилигига зидма-зид оламиз"[I].

Лекин, пролетариат диктатураси шароитида маданий қурилиш фақат ўтмиш меросини ўзлаштириш билан чекланиб қолмай, балки у ҳаёт тажрибаси билан доимо бойиб бориши лозим эди. Ана шу маданий қурилиш соҳасида Туркистон МСРда Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг роли катта бўлди. Умуман олганда, Туркистондаги бу комиссарлик ўлкада амалга оширилган бошқа тадбирлар қаторида кўзга кўринарли ишларни айнан шу соҳада кўпроқ амалга оширган.

Биринчи галдаги вазифа - эски мактаб тизимини батамом қайта қуришдан иборат эди. Чор ҳукумати Ўрта Осиё халқларини сунъий равишда қоронғулик ва нодонликда сайлаб келиш йўлини тутди. I9I4 йилда ўлкада маориф ишлари учун сарфлар бюджетнинг 2 фоиздан камини ташкил этган эди. Ҳозирги Ўзбекистон территориясида атиги I60 мактаб бўлиб, уларда 704 ўқитувчи ишлар ва фақат бойлар, савдогарлар, судхўрларнинг фарзандлари ўқитиларди[2].

I. В.И.Ленин. Тўла асарлар тўплами, 24-т. I39-I40 б.
2. Фозилхўжаев К. КПСС - халқлар дўстлиги байроқдори. Тошкент, Ўзб. КП МКнинг Бирл.нашр. I967, I4 б.

Фақат Туркистонда эмас, балки бутун мамлакатда катта қийинчиликлар бўлишига қарамай, асосий эътибор маориф ва таълимни ривожлантиришга қаратилди. Бу соҳадаги муҳим масалаларни ечиш учун кескин ва амалий чоралар қурилди. Жумладан, комиссарликнинг 1918 йил декабрь ойининг 12-29 кунлари учун ТуркМИКга берган ҳисоботида қуйидагилар таъкидланади: вилоятлар ва уездлар миллатлар ишлари комиссарликларига ташкилий-тарғибот бўлимлари қоидаларини ишлаб чиқиш топширилди. Конституция китобчаси эса мусулмон тилида нашр этилади. "Наша газета"да Туркистон ҳукуматининг декретлари, буйруқлари ва кўрсатмалари таржима қилиш ва мусулмон тилида нашр этиш учун берилиш давом эттирилади[1]. Лекин Туркистон ўлкасининг жойлардаги маориф масаласи оғир аҳволда эди. Масалан, Мирзачўл уезди миллатлар ишлари бўлими маърузасига кўра, мавжуд 44 қишлоқ ва овулда фақат битта мактаб бўлиб, у ҳам шаҳар марказида, уездда эса бирон бир мусулмон мактаби йўқ эди[2].

Инқилобдан олдинги Туркистон ҳудудида мавжуд бўлган эски таълим тизими - эски усулдаги мактаб ва мадрасалар янги йўналишдаги улкан вазифаларга жавоб бера олмас эди. Чунки, Шўро ҳукумати талаблари умуммамлакат даражасида таълим-тарбияни бир йўналишда олиб боришдан иборат эди. Шу мақсадда бундай мактабларнинг баъзиларини тугатиш, бошқаларини эса ёш авлодга пухта билим бериш учун тубдан қайта қуриш учун кураш бошланди. Шу билан бирга диний йўналишда бўлган мусулмон мактабларини ҳам сақлаб қолиш керак эди. Ана шу мақсадда комиссарлик мусулмон мактабларини ўз қарамоғида олиб қолиш учун Туркистон ХКСига илтимос қилди, лекин ХКС 1918 йил 8 ноябрь № 57 протокол қарори билан бу илтимосга рад жавоб берилди[3].

---

1. ЎзР МДА 36 ф. 1- рўйх. 129- ҳужж. 3-3 орқ.б.
2. Ўша ерда, Р-34 ф. 1- рўйх. 338- ҳужж. 514 б.
3. Ўша ерда, 17 ф. 1- рўйх. 1062 ҳужж. 5 б.

Шўро ҳукумати кўрсатмаларини бажариш мақсадида Туркистон МСР Халқ таълими комиссарлигининг 1919 йил январдаги "Республика халқ таълими барча бўлимларига" юборган № 810 циркуляр хатида шундай дейилади: (Хат комиссар номидан ёзилган) ... Халқ таълими бўлимларига Педагогик Кенгашлар аъзоси сифатидаги хизматда ҳисобланган барча диндор-хизматчиларни бўшатиш ва бундан кейин ўқув қисми хизматига қабул қилмасликни таклиф қиламан[1]. Бу билан ҳар қандай миллатнинг динга бўлган эътиқодини тўғри ҳал этмай оёқ ости қилиш бошланди. Ваҳоланки, ундан сал олдинроқ худди шу комиссарлик миллатларнинг тилларини, одатларини сақлаб қолиш учун яхши қадам ташлаган эди. Бу ҳусусда 1918 йил 14 декабрдаги № 6486 хатда шундай дейилади: Шу вақтгача Туркистон мактаби русча, рус-маҳаллий, рус-яҳудийча бўлиниб, кўп хилли характерга эга эди. Бундай бўлиниш нотўғри ва миллий бирлик руҳига қарши деб топилиб... барча рус-маҳаллий мактабларини ягона миллий мактабларга бирлашиши таклиф этилди.[2] Шундай бўлгач, миллий мактабларда миллий эътиқод, миллий қадрият сақланиши, Туркистон ўлкасида *яшовчи ҳар бир миллат тақдирини тўла ҳимоя қилиш зарур эди.* Чунки, аҳолининг деярли ҳаммаси диний таъсирда эди. Масалан, "Жизнь национальностеи" рўзномасининг 1920 йил 2 сентябрь сонида шундай воқеа баён этилади: "Қизил Шарқ" ("Красный Восток") поездининг Тошкентда бўлиш даврида, эски Тошкентда, ўзбек "маданият" марказида уламолар, фахрии фуқароларнинг коммунистлар иштирокидаги қушма йиғилишида бир ўзбек-коммунистни Карл Марксни пайғамбар дегани учун Туркистон ҳудудидан чиқариб юборишга қарор қилдилар, бир мусулмонга масжидга қатнамагани учун устидан 40 пақир сув қуйдилар[2]. Бу воқеа Ўрта Осиёда яшовчи мусулмонлар

---

1. ЎзР МДА 17 ф., 1-рўйх. 1062 ҳужж. 19 б.
2. "Жизнь национальностей", № 27(84) 2 сентября 1920 г.

диний эътиқодининг нақадар кучли эканлиги кўрсатади. Ислом дини қоидаларига зид ҳаракат қилган мусулмонларга нисбатан шафқатсиз кураш олиб борилган. Иккинчи томондан Туркистон ўлкасида яшовчи оврупаликлар маҳаллий халқни давлатни бошқаришга яқинлаштириш у ёқда турсин, ҳатто оддий фуқаролик ҳуқуқларини ҳам поймол қилиб келдилар. Масалан, Иброҳим Охуний ўзининг 1922 йил 29 мартдаги "Қизил байроқ" рўзномасида босилиб чиққан "Мустамлакачилик эмасми?" номли мақоласида шундай ёзади: "Кўбдан эмас, манга Ҳўқант, Марғилон, Андижон шаҳарлари ўртасида темир йўлда юришга тўғри келди... Истансаларда қўлига билет тутиб пуйизд кутиб турган мусулмонлар, пуйизд келиб тўхташ билан вагонда ўзига жой олмоқ бўлиб яқин келсалар вагун ичидаги оврупаликлар уларни яқин юбормай, тўпи, саллаларини ерга олиб улоқтиралар, бошларига, кўкракларига уралар...[I].

Лекин, шундай бўлса ҳам Туркистонда марказнинг умумлашган шўро маорифини ривожлантириш учун аниқ ҳаракатлар бошланди. Шулардан бири Туркистон МСРнинг 1918 йил 12 декабрдаги маълумотномаси эди. Унда, жумладан шундай дейилади:

1) Барча миллатларга болаларини ўз миллий мактабларида она тилларида синфда "энг ози" билан 35 кишилик гуруҳ бўлса, ўқитиш ҳуқуқи берилади.

2) Барча миллий мактабларда ўқувчилар учун факультатив давлат тили - рус ва турк тиллари ўқитилиши мажбурдир.

Бундай ҳужжат миллий талаблар асосида бир томондан миллий гуруҳлар ва бошқа томондан депутатлар Кенгашлари ва Халқ маорифи бўлимлари ўртасидаги тушунмовчилик сабабли қабул қилинди. Шунингдек, бу ҳужжат комиссарликнинг шўро мактабини яратишдаги

I. "Қизил байроқ", № 157, 29 март 1922 й.

дастлабки тадбирларидан бири эди.

Демак, ўлкада яшовчи турли миллат вакилларининг фарзандлари учун мактаблардаги таълим-тарбия ишининг асосий вазифалари тўғри белгиланди. Жумладан, комиссарлик ўзининг коллегия мажлисида ўзбек бўлимининг қарорини муҳокама этиб, қабул қилган қарорида мактабларда кўпчиликни ҳисобга олиб, ана шу кўпчилик тили мажбурий предмет сифатида ўқитилиши қайд этилган[I].

Лекин озчиликни ташкил этган миллатларнинг фарзандлари ўз она тилисида ўқиш имкони бўлмади. Бунинг натижасида қурама, таранчи, қипчоқ ва бошқа халқлар бир жойда зич яшамаганлиги учун уларнинг фарзандлари ўз она тилларида таълим олиш имконидан маҳрум бўлдилар. Аҳолининг бундай демографик тарқалиши ҳисобга олинмаганлиги ҳозирги кунимизгача ана шу оз сонли халқлар учун таълим-тарбия иши бошқа миллат тилида олиб борилмоқда. Агар ана шу оз сонли халқларнинг ўз она тилларини, расм-русмларини, урф-одатларини сақлаб, уни ривожлантиришлари учун шароит яратиб берилганда эди, ҳозирги кунимиздаги миллатлараро ҳожеалар келиб чиқмас эди.

Туркистон ўлкасида ҳам маорифни ривожлантириш масаласи асосий муаммо эди. Туркистон МСР Маориф комиссарлигининг 1921 йил маълумотига кўра:

	Умумий сон	Маҳаллий миллат
I. I- даражали мактаблар ўқувчилари	I67975	97000
2. II- даражали мактаблар ўқувчилари	7414	III4
3. Болалар боғчалари тарбияланувчилари	7586	2681
4. Интернатларнинг тарбияланувчилари	I576I8	4207

I. ЎзР МДА. 36 ф. I- рўйх. II3 ҳужж. I7 б.

бор эди[1]. Буни Туркистон ўлкаси аҳолисининг ўндан тўққиз қисмини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этганига қарамай, мактаб ва болалар муассасаларида оврупали миллатлар фарзандлари жуда кўпчиликни ташкил этган.

Мактаб-маориф соҳасидаги ишлар Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг ҳам диққат марказидан тушмаган. Туркистон ўлкасининг келажаги мактабларда таълим олаётган ўқувчилар қўлида эди. Шунинг учун ижтимоий-маданий соҳадаги биринчи вазифа маорифга айниқса, мактаб аҳволига қаратилди. Лекин бу соҳадаги аҳвол жуда оғир эди. Мана биргина мисол: Марказий татар бўлими бошқарувчиси Абдурашитовнинг комиссарликка 1919 йил майда юборган хатида ўзбек-татар мактаблари аҳволи ночорлиги айтилади. Бу масалада Тошкент Кенгаши халқ маорифи ҳам аниқ бир иш олиб бормаяпти. Унинг бир ой олдин чиқарган қарорига кўра, ўзбеклар собиқ ҳарбий билим юрти эски биносида, татар ўқувчилари эса умуман мактабдан нарида қолдилар[2].

Демак, маориф соҳасига масъул ташкилотлар бу масалага бефарқ қарашлари вазифани янада қийинлаштирар эди. Лекин Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги маорифнинг моддий аҳволи билан бирга унинг ўқитилиш даражасига ҳам алоҳида эътиборини қаратди. Жумладан, комиссарлик коллегиясининг 1922 йил 11 февралдаги мажлисида шундай қарорга келинди: кўпчилик аҳоли тилида ўқитилмаётган мактабларда кўпчилик тили ўқитиш предмети мажбурий сифатда киритилишига тилак билдирилади[3].

Туркистон ўлкасида мактаб-маорифни ривожлантириш учун яратилган бўлиши, урф-одатлар, Ислом дини таъсири ҳисобга олинган

---

1. ЎзР МДА 17 ф., 1-рўйх. 1079 ҳужж. 45 б.
2. Ўша ерда, 1070 ҳужж. 47 б.
3. Ўша ерда, 36 ф. 1- рўйх. 42 ҳужж. 7 б.

ҳолда уни амалга ошириш зарур эди. Лекин марказ органлари шошилтиришни давом эттираверди.

Ўлкада маориф тизимини ўзгартиришдаги тадбирлардан яна бири Туркистон МСР Маориф комиссарлигининг 1918 йил 9 январдаги № 38 буйруғи билан черковни давлатдан, мактабни черковдан ажратиш ҳақидаги декретга асосланиб мактабларда олло қонуни ўқитилишини бевор қилганлиги бўлди[1]. Бу давр тақозоси билан тугатилган йўл эди. Чунки, фуқаролар илм-фан сирларини ўрганишда диний дарслар билан чекланиб қолмаслиги керак эди. Гарчи Шўро ҳукумати чор Россияси даврида эзилиб келган халқларга "Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси" ҳамда "Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига" деган муҳим ҳужжатларни эркин суратда, бемалол янги ҳаёт қуриш ҳуқуқини берган бўлса ҳам у дин ходимларининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Эски ва жадид мактабларининг вакиллари, Шўрои исломиячилар ва ҳоказолар шўро мактаблари тизими ва қоидаларига қарши курашдилар. Чунки, уларнинг мақсади халқ оммасини эътиқодини, миллий қадриятини сақлаб қолиш эди. Лекин катта қийинчиликларга қарамай 1919 йил бошларида Самарқандда "Ҳамида" номли аёллар мактаби фаолият кўрсата бошлади. Мактабнинг 55 ўқувчиси бўлиб, мактаб моддий соҳада оғир аҳволда эди[2]. Мактаб биноси созланмаган, ойналари йўқ эди. Кийимларнинг йўқлиги туфайли баъзи ўқувчилар кетиб қолар эди. Ҳаттоки, ўқув қуроллари ва дарсликлар йўқлигидан шу масалада ёрдам сўраб Маориф халқ комиссарлигига мурожаат этилган эди. Бундай манзарани миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг ахборот бўлими кўриб чиққан Чим-

---

1. Ҳайдаров Г.Х. Очерки истории народного образования в Туркестанской АССР (1917-1924 гг.) Автореф.канд.дисс. Ташкент, САГУ, 1953, С. 75.
2. ЎзР МДА 36 ф., 1- рўйх. 201- ҳужж. 68 б.

кент трактидаги № 41 мактаб мисолида ҳам кўриш мумкин[1]. Умумий аҳвол оғирлигидан уларга ёрдам бериш анча мушкул эди. Бу вақтда шўро мактабини ривожлантириш соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш учун шўро қурилишига онгли равишда қўшила оладиган, меҳнаткашларнинг маданий савиясини юксалтиришдек ғоят қийин ва муҳим вазифани ҳал қилишда шўро ҳокимиятига ёрдам бера оладиган ўқитувчи кадрлар зарур эди.

Ижтимоий-маданий соҳадаги мана шу қийинчиликларни ҳисобга олиб РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

а) РСФСР барча миллатлари ва қабилаларини тинч яшаши ва қардошларча ҳамкорлигини, шунингдек, Шўро республикаларининг шартномавий дўстлигини таъминлаш;

б) уларнинг турмуш, маданий ва иқтисодий ҳолатлари хусусиятларига ўхшаш моддий ва руҳий ривожланишига ҳамкорлик қилмоқ;

в) Шўро ҳокимияти миллий сиёсатини ҳаётга тадбиқ этишни назорат қилиш[2].

РСФСР ҳукумати вазифани аниқ қилиб белгилаб берди. Лекин уни ҳаётга тадбиқ этиш ғоят оғир бўлди. Бунда аввало жойлардаги комиссарликларнинг фаолиятини кучайтириш зарур эди. Бу вазифани бажаришда Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ва унинг жойлардаги органлари меҳнаткаш халқ оммасини Кенгашларга жалб қилиш, миллий кадрларни мустаҳкам иродали, сиёсий етук қилиб тарбиялашга қаратди. Туркистон ўлкасида илғор, инсоний ғояларни тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этар эди. Чунки, илгари мустамлака бўлган ўлкада Шўро ҳокимиятини қуришда миллий кадрлар-

---

1. ЎзР МДА 36 ф. 1- рўйх. 203 ҳужж. 47 б.
2. Справочник Народного Комиссариата по делам национальностей. М., 1921. С. 5.

*ни тарбиялаш учун бу ишнинг аҳамияти катта эди. Лекин дарслик-*лар ва қўлланмалар тушунарли бўлиши учун маҳаллий тилларга тар-жима қилиниши зарур эди. Ана шу мақсадда мусулмон мактаблари учун педагоглар тайёрлаш курслари ташкил эта бошлади ва Марказий мусулмон комиссарлиги маориф бўлимида илмий коллегияни тузди, унга халқ маорифини ривожлантириш вазифаси юклатилди.

Туркистон ўлкасида миллий кадрларни тайёрлашда техникумлар, олий билимгоҳлар ҳам муносиб ўрин тутади. Ўлкада бу соҳа учун кураш инқилобдан кейин жадал авж ола бошлади. Жумладан, 1918 йил 13 майда Тошкентнинг эски шаҳар қисмида мусулмонлар учун Халқ университети очилди[1]. 1919 йил 11 февралда бу университет қошида ишчилар факультети (рабфак) очилди. Унда жами тингловчилар 100 киши бўлиб, улардан 10% и маҳаллий миллат вакиллари бўлса, 1921 йил бошларида тингловчилар сони 480 тага етиб, 60% и маҳаллий миллат вакилларини ташкил этди[2].

Ўлкада олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплаш мақсадида В.И.Ленин декрети билан 1920 йил 7 сентябрда Тошкентда *дорилфунун очилди. 1922 йил 1 январига келиб унда 2904 талаба* таълим олди. Туркистон Дорилфунуни олдига асосан маҳаллий мил-лат вакилларидан юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ва-зифаси қўйилган эди. Шарқ меҳнаткашлари Дорилфунуни бўлими очи-либ, унга Москвадан 40 дан ортиқ маърузачилар таклиф этилди. Бу бўлимда 1922 йили 250 қирғиз, ўзбек, туркман миллати вакиллари таълим олди[3].

Ҳозирги Тошкент Давлат Дорилфунуни ҳаёти 1920 йил ёзидан,

---

1. "Наша газета", 15 мая 1918 г. № 94.
2. "Наука и просвещение". № 2, 1922, С.127.
3. Садиков А.С. и др. Ташкентский Государственный Университет им. В.И.Ленина Ташкент, Госиздат УзССР, 1961, С.253.

Тошкентга Москвадан профессор ва ўқитувчилар гуруҳи келган вақтдан бошланди. Дорилфунун ҳаёти ҳақидаги маълумотда шундай дейилади: ҳозирги вақтда Туркистон Давлат Дорилфунуни таркибида 54 - профессор, 207 - ўқитувчи, 95 - илмий ходим, 71 - техник илмий ходимлар борлиги ҳисобланади[1]. Демак, ўлкада маҳаллий миллат фарзандларининг малакали билим олишлари учун дастлабки шарт-шароит вужудга келди. Лекин маҳаллий тиллардаги манбаларнинг, дарсликларнинг етарли даражада эмаслиги кадрлар тайёрлашда катта қийинчилик туғдирар эди.

Туркистон ўлкасида ҳал этилиши зарур бўлган асосий вазифалардан яна бири матбуот органини ташкил этиш масаласи эди. 1918 йилда Туркистон республикасида ўзбек тилида II хил рўзнома чиқарила бошланди. Масалан, Туркистон Компартияси МК ва Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги органи "Иштракиюн" ("Коммунист"), Наманган Ишчи, деҳқон ва қизил аскар депутатлари Кенгашининг органи "Ишчилар қалқони", Самарқанд вилоят партия комитети ва вилоят ижроия комитетининг органи "Камбағаллар товуши", "Фарғона қизил аскар, ишчи-деҳқон вакиллари шўроси ахбори", Қўқон ишчи, деҳқон ва қизил аскар депутатлари Кенгашининг органи "Халқ газети", "Халқ дорилфунуни" ва бошқа рўзномалар чиқа бошлади. Улар араб алифбосида бўлиб, эски мактабларда таълим олганлар учун ҳам тушунарли эди. Рўзномалар билан бир қаторда ойномалар ҳам чиқарила бошланди. 1918 йилда Мусулмон ишчи Кенгашлари ўзбек тилида "Ишчилар дунеси" деган сиесий-иқтисодий ойнома, Туркистон МСР Маориф комиссарлигининг органи "Маориф", Матбаа ходимлари ўлка Кенгашининг органи "Туркистон матбаачиси" (ўзбек ва рус тилларида), "Эски Тошкент озиқ комитети ишчилари" ва бошқа рўзнома ҳамда

---

1. ЎзР МДА 36 ф. 1- рўйх. 153 ҳужж. 10 б.

ойномалар чиқарилди[1]. Бухорода эса Бухоро Компартияси мК органи - "Қутулиш" рўзномаси форс, турк, ўзбек тилларида минг нусхада чиқди[2]. Андижон ижроия комитети Миллатлар ишлари бўлимининг 1919 йил 4 августдаги коллегия мажлиси қарори билан шаҳарда мусулмонлар тилида газета чиқаришга қарор қилинди[3]. Бу борада комиссарлик қошидаги миллий бўлимлар ҳам яхши фаолият кўрсатди. Масалан, комиссарликнинг 1922 йил апрель ойида Туркистон КП МК га юборган хатида Туркман бўлими томонидан икки ҳафтада бир маротаба "Туркманлар овози" рўзномаси чиқарилишига рухсат сўралган[4]. Шунингдек, Бухоро коммунистларининг 3-нчи Фавқулодда съезди (29 декабрь 1919 йил) қарори билан ҳам Шўро ҳокимиятида маълум кредитлар олингач Тошкент шаҳрида, Марказий Комитет қошида ўзбек ва форс тилларида оинома нашр этишга қарор қилинган[5].

Комиссарлик ва унинг вилоят бўлимлари томонидан чиқарилаётган газеталар маҳаллий тилларда ўлканинг кенг халқ оммасига тарғибот-ташвиқот ишларида асосий идеология қуроли бўлди. Рўзномалар саҳифаларида ишчилар, деҳқонлар, ёшлар ўз мақола ва хабарлари билан қатнашдилар. Таҳририятлар эса ижтимоий-сиёсий ташкилотларга, ишчилар, деҳқонларга маҳаллий халқ оммасининг жойлардаги кайфиятини ифодаловчи мақолалар жўнатишни илтимос қилиб турди. Бухоро коммунистларининг 3-нчи Фавқулодда съездининг 1919 йил 31 декабрь қарорида деҳқонлар орасида ташвиқот-тарғибот ишлари

---

1. Иноятов Х. Ўзбекистонда октябрь революциясининг ғалабаси. 131 б.
2. Уразаев Ш.З. Туркестанская АССР - первое социалистическое государство в Средней Азии. М., Юрид.лит.1961, С. 363-364.
3. ЎзР МДА, Р-34 ф., 1-рўйх. 338- ҳужж. 426 б.
4. Ўша ерда 36 ф., 1-рўйх. 68 ҳужж. 16 б.
5. Ўз ХДП мК ПА. 60 ф., 1- рўйх. 157 ҳужж. 3 б.

ларини олиб бориш учун уларга тушунарли баён асосида Қизил адабиётларни китобча ҳолида, МК махсус тузган шўро ҳокимияти тузилиши ва фаолиятини кенг ёритувчи чақириқлар, варақалар чиқаришни вилоятларда кучайтириш таъкидланган[1].

Бу давр матбуоти саҳифаларида ёритилаётган мақолалар бошқа масалалар қатори миллий сиёсатнинг асосий қоидаларини амалга оширишни миллатлараро муносабатни тушунтира борди. Туркистон КП съездлари, конференциялари бюллетенлари оз нусхада бўлса ҳам ўзбек тилида чиқарилди. Унинг материаллари Туркистон МСР Маориф халқ комиссарлиги органи - "Билим ўчоғи" журнали ва Шарқ халқлари коммунистик ташкилотлари органи - "Юлдуз" ойномаси саҳифаларида ёритилди[2].

Туркистон ўлкасида халқ оммаси дунёқарашини шакллантиришда даврий матбуотдан ташқари ўтмиш меросимиздан баҳраманд қилувчи манбаларга ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу борада у манбаларни сақлаш, тарғиб қилиш, кейинги авлодга етказиб беришда кутубхоналарнинг аҳамияти катта эди. Чунки, чор Россияси давридаги кутубхоналар инқилобдан кейин кенг меҳнаткаш халқ оммасининг баҳраманд бўлиши учун имкон бера олмас эди. Шу 1918 йил баҳорида кутубхона ишлари янгича, инқилобий асосда қайтадан қурила бошланди. Бу иш Туркистоннинг барча шаҳарларида амалга оширилди.

1918 йил август ойидан бошлаб вақтинча ёпилган Халқ кутубхонаси яна китобхонларни қабул қила бошлади. Туркистон ўлкасида кутубхоналар меҳнаткашлар учун сиёсий, маданий тарбия ўчоғига айланди.

---

1. Ўз ХДП МК ПА, 60 ф, 1- рўйх. 157 ҳужж. 5 б.
2. Саидкулов Т.С. Малоизученнне источники по истории Коммунистической партии Туркестана. В сборн. "Историография источниковедение истории Компартии Туркестана. Ташкент, Узбекистан, 1989, С. 149.

Кутубхона ишларини йўлга қўйишда Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ҳам асосий ўрин тутди. Жумладан, комиссарликнинг 1922 йил 9 январдаги коллегия мажлисида: Туркистон ўлкасини илмий ўрганиш учун, миллий масалада, қисман маҳаллий миллатлар учун катта бўлмаган кутубхона сотиб олиш информацион бўлимга топширилсин, деб қарор қилинди[1].

1918 йили Тошкентда янги кутубхоналар, асосан болалар ва ўқув кутубхоналари ташкил этилди. Улар учун китоо фондлари сотиб олиш ва хайр қилиш орқали тўлдириб борилди. 1920 йил бошланишида Шўро Туркистонида 177 кутубхона, 172 ўқув хоналари, 76 қизил чойхоналарб 97 клублар бор эди[2].

Кутубхона ишлари билан бир қаторда ҳаётнинг янгиланиши оммавий, сиёсий адабиётлар босиб чиқаришни ҳам тақозо қилар эди. Шўро ҳукуматининг "Давлат нашриёти тўғрисида" 1917 йил 29 декабрда чиқарган декрети нашриёт ишларини йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Китоб палатасининг тўла бўлмаган маълумотларига кўра, 1918 йилда ҳозирги Ўзбекистонда 25 номда китоб нашр этилган. Шу жумладан, ўзбек тилида чиққан: В.Л.Вяткиннинг "Рус мактаблари учун ўзбек тили" дарслиги (Самарқанд, 1918 йил), "Социализм нима?" (Миллатлар ишлари комиссарлиги нашриёти, Самарқанд, 1918 йил), М.Фозиловнинг "Мевалар ҳақида китоб" (Самарқанд, 1918 йил) ва бошқалар нашр этилди[3]. Бу маҳаллий аҳоли маънавий эҳтиёжларини қондириш учун дастлабки қадам эди.

Шунингдек, Москва, Петроград ва мамлакатнинг бошқа шаҳар-

---

1. ЎзР МДА 36 ф., 1-рўйх. 113 ҳужж. 4 б.
2. История СССР, т.III, С. 243.
3. Иноятов Х. Ўзбекистонда Октябрь революциясининг ғалабаси. 133 б.

ларидан Туркистон республикасига ўнлаб ва юзлаб ўқитувчилар, мактаблар учун асбоб-анжомлар ортилган эшелонлар, китоблар, қоғозлар келтирила бошланди. Фақатгина, 1919 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Тошкентга мактаблар учун 2500 та ўқув адабиётлари ва қўлланмалари, 25 фундаментал ва клуб кутубхоналарини комплектлаштириш учун китоблар келтирилди[1].

Туркистон ўлкасида маҳаллий тилларда нашр этиладиган китобларга, дарсликларга мухтожлик айниқса катта эди. Ўзбек тилида китоб нашр этиш 1917 йилдан бошланди. Шу йили 7 номда китоб, 1918 йили - 33 номда, 1919 йили - 91 номда, 1920 йили - 118 номда китоб нашр этилди. Умумий китоблар нашри 1800 минг нусхадан ошиб кетди[2]. Улар орасида курслар ва мактаблар учун кўпгина турли хилдаги китоблар бор эди. Китоб нашр этишнинг кўпайиши ва уни Туркистон ўлкасида кенг тарғиб қилиш аҳолининг саводхонлик даражасининг умумий кўтарилишига ижобий ёрдам берди. Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги бу борада ўлкадаги маҳаллий миллатлар манфаатини доимо назарда тутди. Жумладан, комиссарлик коллегиясининг 1922 йил 8 февралдаги иғилиши қарори билан барча миллий бўлимларга миллий тилларда китоблар олиш кераклиги ҳақидаги рўйхатни тақдим этиш топширилди[3]. Бундан ташқари ўлкада аҳолини саводлилик даражасини оширишда ҳарф ўргатувчи манбалар керак эди. Шу мақсадда Туркростанинг 1921 йил бошланишига берган маълумотларига кўра, ўзбек тилида 70000 та ва қирғиз тилида 50000 та ҳарфлар тўплами таиёрланди[4]. Бу билан саводсизликни ту-

---

1. Оронюк Б. Помощь Российской Федерации Туркреспублике в социалистическом строительстве (1917-1924). Автореф.канд.дисс. Ташкент, АН УзССР, Инс. ист. и арх. 1964, С.19.
2. Вахабов М. Формирование узбекской социалистической нации. Ташкент, Госиздат, 1961, С. 301.
3. Узр МДА 36 ф., 1- рўйх. 42 ҳужж. 6 б.
4. "Известия" ТуркЦИКа, № 3, 5 января 1921 г.

гатиш тадбирларини бажариш учун кураш авж олди.

Ўлканинг ижтимоий-маданий соҳада ривожланишида театр санъатига ҳам катта аҳамият берилди. 1916 йилдаёқ "Турон" маданий-оқартув жамияти ҳузурида "Турон" драмматик труппаси тузилган эди. Инқилобдан кейин бу труппа аҳолини миллий қадриятини тиклаш, миллий ўзлигини англашга катта ёрдам берди. Инқилобдан кейин дастлаб вужудга келаётган ўзбек театрлари Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг 1918 йил Фарғона шаҳрида ташкил этган Сайёр драмтруппаси, ўша йили Тошкентда ташкил этилган Маннан Мажидов (Уйғур) раҳбарлигидаги Карл Маркс номли драмматик труппа шулар жумласидандир. А.Ҳидоятов, Етим Бобожонов, Мария Кузнецова, Мироқил Миршоҳидов, Обид Жалилов каби театр санъатининг илк қалдирғочлари шакллана бошлади. Кейинчалик улар улкан санъаткор бўлиб етишдилар.

Инқилобдан кейин драмматик труппалар ва тўгараклар Самарқанд, Янги Бухоро, Наманган, Қўқон ва бошқа шаҳарларда ҳам вужудга келди. Лекин, бу ишлар синфий кураш, халқ душманларининг қаттиқ қаршилиги, руҳоний доиралар кўрсатган қаттиқ қийинчиликлар билан амалга ошди.

Ўзбек миллий санъатининг ривожланишида халқ санъатининг муносиб намояндалари хизмати беқиёс каттадир. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Ҳожи там-там (Ҳожи Қурбон) ва бошқа ҳофиз ва созандалар етишиб чиқиб, халқнинг севимли санъаткорларига айландилар.

Ўлкада янги ҳаёт учун курашда ўзбек адабиёти ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳамзанинг шеър ва пьесалари, Садриддин Айнийнинг маърифатчилик руҳида битилган асарлари, Убайдулло Завқийнинг халқ озодлигини куйловчи шеърларида халқ оммасининг озод ва бахтиёр ҳаёт қуриши йўлидаги кураши тараннум этилди.

Юқорида биз ижтимоий-маданий соҳада қийинчиликлар мавжудлигини кўриб чиққан эдик. Шуларни ҳисобга олиб, мамлакатда, жумладан Туркистонда ижтимоий-сиёсий соҳадаги ишларни кучайтириш учун махсус орган вужудга келтириш лозим эди. Ана шу мақсадда 1920 йил ноябрда РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ҳузурида Сиёсий-оқартув ишлари Бош комитети (Главполитпросвет) тузилди. Шу йилнинг декабрь ойида эса Туркистон республикаси Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ҳузурида сиёсий-оқартув ишлари комитети (Туркполитпросвет) ташкил этилди[1]. Бу ҳақда Туркистон республикаси ХҚКининг 1921 йил 3 ноябрдаги № 345 қарорида шундай дейилади:

I. Туркглавполитпросветнинг бевосита қарамоғида ва тасарруфида фақат давлат театрлари туради.

Эслатма: Давлат театрлари бўлиб "Турон", Свердлов номли театр ва Тошкент шаҳридаги "Халқ уйи" ҳисобланади[2].

Инқилобнинг дастлабки давриданоқ санъатнинг нафис соҳаси ҳисобланган театрлар ривожи учун кенг йўл очилди. Энди уларда асрлар давомида эзилиб келган ўлка халқлари маданий савиясини оширишга ёрдам берадиган, онги ва маданиятини оширадиган миллий асарлар қўйилиши керак эди. Масалан, Каспии орти мусулмонлар бюросининг Ўлка мусулмонлар бюросига берган ҳисоботида маданий-оммавий бўлим томонидан 1920 йил январь ойининг ўзида вилоятда турк тилида 5 спектакль қўйилганлиги таъкидланган[3].

Давр руҳига монанд оаъзи асарлар яратилдию, лекин умуммиллий қадриятларни куйловчи асарлар ёзилишига йўл қўйилмади. Ўзбек халқи ҳаётини куйловчи, ўтмишни тасвирловчи асарларга босиб

I. Вестник просвещения и коммунистической культурн. Ташкент, 1921, январь, № 78.

2. ЎзР МДА 35 ф., I- рўйх. 153 ҳужж. 8 б.

3. Ўз ХДП МК ПА 60 ф., I- рўйх. 688 ҳужж. 8 б.

ишқарилмади ёки уларнинг муаллифлари миллатчига айлантирилди.

Шўро ҳукуматининг маданий соҳадаги вазифаларидан яна бири мамлакат халқларининг тарихий ва моддий ёдгорликларини, маданий қимматга эга бўлган ҳайкалларни, умуман ўтмиш мероси дурдоналарини сақлаб, келажак авлодларга етказиб бериш муаммоси эди. Бу соҳада Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ва унинг жойлардаги бўлимлари бу бойликларни қайта таъмирлашда энг аввало ана шу дурдоналарни тарбия соҳасидаги ролини эътиборга олиб иш юритди. Бунинг учун уларни кўз қорачиғидек сақлаш лозим эди. Бундай ижобий ишни комиссарликнинг туркман бўлими амалга оширди. Унинг 1921 йил 29 декабрдаги йиғилиши қарорида шундай дейилади: Скобелев ва бошқа мустамлакачилар ҳайкалларини тугатиб, ўрнига мустамлакачилик зулмига қарши ўз Ватани озодлиги ҳимояси учун ҳалок бўлган туркман қаҳрамонларига ҳайкаллар қўйилсин[I]. Комиссарлик бу бўлимининг ҳаракатини фақат олқишламоғи зарур.

Ўлкада ижтимоий-маданий соҳада ютуқларга эришиш учун энг аввало миллий кадрларни тайёрлаш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, сўнг эса раҳбар органларга жалб қилиш керак эди.

Бу иш аввалига суст олиб борилди. Чунки асосан оврупалик большевик ва эсерлардан тузилган Туркистон ҳукумати бу ишни амалга оширишга эътиоор бермади. Кейинчалик бу муҳим ишга эътибор қаратилди. Маҳаллий аҳолининг раҳбар органларига жалб қилинишини Кенгашлар мисолида кўришимиз мумкин. Масалан, 1921 йилда Амударё вилояти кенгашига ва ижроия комитет кенгашларига 932 киши сайланган бўлса, шундан: 518 таси қорақалпоқ, 251 таси ўзбек, 91 таси қозоқ, 48 таси туркман эди. Депутатлардан 600 нафа-

---

I. ЎзР МДА 36 ф., 1- рўиҳ. 66 ҳужж. 11 б.

ри камбағал, 306 нафари ўрта ҳол тоифага тааллуқли эди[I]. Булар жами сайланган депутатларнинг 97,4% ини ташкил қилди. Лекин уларнинг саводини чиқариш, сиёсий онгини ўстириш оғир вазифа эди.

Шу мақсадда Туркистонда партия, шўро маданий-оқартув ходимларини тайёрлаш курслари ва мактаблари очилди. Жумладан, 1918 йил ноябрда Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги Тошкентда икки ойлик ташкилотчи-йўриқчилар тайёрлаш курсларини очди[2]. Шунингдек, бошқа комиссарликлар қошида очилган курсларга уз вакилларини ҳам жўнатиб турди. Масалан, ер комиссарлиги қошида очилган курсларга Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги 1918 йил сентябрда қуйидаги кишиларни жўнатди: С.Кассармаков, Ёқубаев, М.Саиджонов, М.В.Галиев[3]. Чунки, улар тарғибот ва ташвиқот ишларида, иқтисодий муаммолар масаласида ҳам етарли билимга эга бўлишлари керак эди. Миллатлар ишлари комиссарлиги ўлкада яшовчи турли миллат вакилларининг малакасини оширишга ҳам алоҳида аҳамият берди. Жумладан, комиссарликнинг Полтарацк уезд ижроия комитетига юборган хатида шундай дейилади: Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги мусулмонча саводли туркманларни Тошкентга қуйидаги курсларга зудлик билан сафарбар қилишни таклиф қилади: йиғувчилар курси - 10 киши, почта-телеграф курси - 10 киши, халқ судлари курси - 10 киши, фельдшерлар курси - 10 киши...[4]. Туркистон мусулмонлар ташкилотлари Ўлка бюроси ҳам бундай ишлардан ҳоли бўлмади. У ўзининг 5 ноябрь 1919 йилдаги Раёсатида Миллатлар ишлари халқ Комиссари Мусахонов маъ-

---

I. Нуруллин Р.А. Борьба трудящихся Туркестанской АССР за укрепление местных Советов в годн гражданской войнн (1918-1920 гг). Автореф.канд.дисс. Ташкент, АН УзССР,Инс.ист.и арх.1958,С.15.

2. Айриева Н.А. Деятельность Компартии Туркестана по подготовке партийнх и советских кадров (1918-1924). Автореф.канд.дисс. Ташкент, ТашГУ им. В.И.Ленина, 1973, С.11.

3. ЎзР МДА 36 ф., 1- рўйх. 11 ҳужж, 74 б.

4. Ўша ерда, 72 ҳужж. 13 б.

рузасини тинглаб, тарғибот-ташкилий курслари Ўлка бюросига ўтганлиги, уни кенгайтириш учун комиссарликни бошқа бинога ўтказишни ТуркМИКдан сўрашга қарор қилди[1]. Чунки жойларда бундай мутахассислар умуман йўқ бўлиб, Шўро давлат аппаратини мустаҳкамлаш ва аҳоли орасида унинг топшириқларини бажариш аҳолининг саводхонлигига боғлиқ эди.

Ўлкада ижтимоий-сиёсий тарғибот ишлари авж олган бир паллада РСФСР ЫМИКнинг "Қизил Шарқ" агитпоездининг ташрифи айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Поезд жамоаси 536 та митинг ўтказди, унда қатнашган ярим миллионга яқин меҳнаткашларнинг 64 фоиздан кўпроғи маҳаллий миллат вакиллари эди. Агитпоезд жамоаси жойларда учрашувлар, митинглар, йиғилишлар ташкил этиб ёки ташвиқот тарғибот ишларини олиб бориш билан кифояланиб қолмасдан, аҳолининг дард ва арзларини тинглади, маҳаллий ҳокимиятнинг иш фаолияти билан танишиб, тўғри ва хато ишларини кўрсатди. Қисқаси, жойларда аниқ чоралар кўрди. У тарғибот-ташвиқот поездидан кўра купроқ ташкилотчилик ишларини олиб бориб, аҳолининг кенг қатлами эътиборини қозонди. Шунинг учун ҳам унга мурожаат қилувчиларнинг сони кўпайиб борди. Агитпоезднинг Туркистондаги иш даврида 2097 та шикоят олган бўлса, шунинг 80% и маҳаллий аҳолидан тушган эди. Шикоятларнинг тез ва адолатли ҳал этилиши... Шўро ҳокимиятининг обрўсини оширди[2]. Шунингдек, агитпоезд жамоаси маҳаллий халқ ўртасида турли маърузалар билан чиқди, "Қизил Шарқ" ("Красный Восток") поезд рўзномаси, турли варақалар чи-

---

1. Ўз ХДП МК ПА 60 ф. 1- рўйх. 237- ҳужж. 24 б.
2. Меженина Е.М. Организация и идейно-политическая деятельность агитпоезда ВЦИК РСФСР "Красный Восток" в Туркестане и Бухаре (1920-1921 гг.). Автореф. канд.дисс. Ташкент, АН УзССР, Инс. ист. и арх. 1970, С. 16, 19.

қарди-ки, бу ўлкада миллий сиёсатнинг тўғри олиб борилишида катта ёрдам берди.

Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи халқлар азалдан хушмуомала, меҳмондўстдирлар. Чунки, улар онгига Қўръон ва Ҳадис сабоқлари анча сингиб кетган бўлиб, ўлкада маҳаллий халқ оммасининг одатларини, расм-русмларини сақлаш керак эди. Ўрта Осиё халқлари маҳаллаларда ишлаб турган чойхоналарда кўпроқ тўпланишиб, улар маҳаллий халқ орасида янги инқилобий ғояларни тарғибот қилишга кенг имкон берар эди. У халқларнинг аксарияти саводсиз бўлганлиги сабабли тарғибот ишлари ўқув асосида олиб борилди. Бу Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг сиёсий-оқартув ишларида оммавий тус олди. Бундай ўқувлар "Қизил чойхоналар"да, "Деҳқон уйлари"да, бозорларда ва бошқа жамоат жойларида олиб борилди[I].

Ўлкада фуқаролар уруши айни қизиган чоғида жойлардаги ҳарбий комиссарликлар ҳам маҳаллий халқ орасида урушнинг моҳияти ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бордилар. Бу борада I920 йил баҳорида Фарғона вилоят ҳарбий комиссарлиги қошида ташкил топган Сиёсий бўлим маҳаллий халқ орасида фаол сиёсий-оқартув ишларини олиб борди. Бўлим қишлоқларда йиғилишлар, маърузалар, суҳбатлар уюштирди. Маҳаллий аҳолининг Шўро ҳокимиятига хайрихоҳ бўлишга даъват этувчи 3 минг нусха маҳаллий аҳоли тилида, 2 минг нусха рус тилида бўлим томонидан чақириқлар чиқарилди[2]. Бундан ташқари, ўлкада мавжуд бўлган партия ва ҳукумат органлари маҳаллий аҳолининг эътиқодига ҳурмат билан қарашга ҳаракат қилди. Жумладан, I922 йил май ойидаги Туркистон МИКнинг Тошкент

I. Усманова Н.Х. Культурно-просветительная деятельность Народного Комиссариата по делам национальностей Туркестанской АССР. Научные трудн. Ташкент, ТашГУ, I972, вып. 423. С. I42-I43.

2. Коканбаев А. Борьба с басмачеством и упрочение Советской власти в Фергане. Ташкент. Госиздат УзССР. I958.

Кенгаши Эски-шаҳар ижроия комитети билан биргаликда қабул қилган қарорида шундай дейилади: Шарқда Шўро ҳокимияти ўз олдига ислом, шариат ва маҳаллий одатлар билан курашиш вазифасини қўймайди[I].

Лекин, бу ишга ҳар доим ҳам ижобий муносабатда бўлинмади. Ваъда бошқа-ю, иш бошқа деган принципга амал қилиш бошланди. Ўлкадаги раҳбар органларда ўтириб олган оврупали миллатга мансуб шахслар маҳаллий миллатнинг оддий фуқаролик ҳуқуқларини ҳам инобатга олмадилар. Масалан Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги коллегия аъзоларининг I9I9 йил 22 мартдаги мажлиси № 2I қарорида "Наврўз байрами" ҳақида коллегия аъзоси Ҳайитбоев берган хабар: ... ҳозирги вақтда мусулмонлар "Наврўз байрами"ни нишонлашлари керак, бу байрам уч кун нишонланиши керак. Меҳнат комиссарлиги телефонограмма билан шуни билдирдики, бу байрам бир кун нишонланиши керак, марказдан берилган кўрсатмада йилига байрамлар учун ўн кун ажратилгани айтилган...[2].

Бу ҳужжатдан кўриниб турибдики, ҳаттоки, ўша даврда ҳам марказдаги органларнинг йўл-йўриқлари ўлкадаги маҳаллий аҳолининг хусусиятларини ҳисобга олмай қабул қилинган. Ваҳоланки, ўша вақтда, Фарғона вилоят ижроия комитети Раёсатининг I92I йил II августдаги мажлиси шундай қарор қабул қилди: Фарғона вилояти бўйича шундай телеграмма берилсинки, унда I4, I5, I6 август кунлари мусулмонлар байрами куни деб ҳисоблансин[3]. (Бунда гап "Қурбон ҳайити" байрами ҳақида кетяпти.)

Демак, биз юқорида таъкидлаганимиздек, фуқаролар эътиқодига ҳурмат ўта теранлик билан бўлишни тақозо этади. Чунки, бу ана шу халқлар одатларининг кўзгуси ҳисобланади.

I. "Известия" ТуркЦИКа. № II4, 27 мая, I922 г.
2. ЎзР МДА 34 ф. I- рўйх. 325 ҳужж. 64 б.
3. Ўша ерда, 39 ф., I-рўйх. 4I8 ҳужж. 37 б.

Ўлкадаги муҳим муаммолардан яна бири - бу шифокор мутахассислар тайёрлаш масаласи эди. Чунки, ҳаёт тарзининг оғирлиги аҳоли ўртасида турли касалликларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган. Шўро ҳокимияти даврида маҳаллий халқ орасидан шифокорлар етишиб чиқишига алоҳида эътибор берилиши керак эди. I9I7 йилда ҳозирги бутун Ўзбекистон ҳудудида ҳаммаси бўлиб I28 та шифокор бор эди[I]. Фарғона вилоятида ҳар 50 минг кишига битта, Қорақалпоғистонда жами 250 минг аҳолисига битта шифокор тўғри келган. комиссарликнинг I922 йил май ойида берган маълумотига кўра, асосан қирғизлар банд этган I,5 млн. квадрат километр жойда фақатгина I870 жойли стационар ҳолдаги 69 та даволаш муассасаси бор. Қирғизлар оммасининг бутун ҳудудида 60 шифокор хизмат қилган. Қишлоқ ва овулларда фақатгина 7 киши ишлаиди[2]. Ана шундаи муаммоларни ечиш учун Ўрта Осиё Давлат Университетини I923 йили 23 агроном, 2 мухандис, 3 математик, 65 гуманитар соҳа ходимлари қатори 60 шифокор ҳам тугатди[3]. Булар, республикада ижтимоий-иқтисодий, маданий қурилишни амалга ошириш ғоялари билан суғорилган миллий зиёлилар, миллий сиёсатни ҳаётга тадбиқ этувчи курашчилар эдилар.

Туркистон республикасида кадрлар масаласини ҳал этиш билан бирга хотин-қизларни озод қилиш, масаласи ҳам кўндаланг муаммо бўлиб турар эди. Ўлкада хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар олиб бориш, айниқса қийин эди. Шу мақсадда Туркистон Республикаси Шўролари МИК ўзининг муносиб вакилларини аёллар ичида тарғибот ишларини олиб бориш учун жўнатди. Масалан, Омаров Су-

---

I. Ўзбекистан за I5 лет. Статистический сборник. Ташкент, I939. С.I5.

2. ЎзР МДА 36 ф. I-рўйх. III- ҳужж. 36 орк.б.

3. Желтова Г.И. Осуществление ленинской национальной политики в Туркестанской АССР (I92I-I924 гг.). Ташкент, "Наука", I964, С.I6.

лаймон ТуркМИК ва Ўзбек бўлими томонидан Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ўзбек аёллари яшайдиган ноҳияларига жўнатилди[I]. Унинг мақсади хотин-қизларни халқ маорифини ривожлантиришга тарғибот қилиш ва жалб этиш эди. Шундай бўлса ҳам, инқилобдан кейин Туркистонда ташкил этилган хотин-қизлар Кенгашлари ҳам талайгина ишларни олиб бордилар. Жумладан, Тошкент шаҳридаги ҳозирда номланадиган Авангард, Октябрь 40 йиллиги, Уйғур, Бирлик, Алоқа, Янги шаҳар маҳаллаларида тузилган хотин-қизлар Кенгашлари, фарфор ва трактор-йиғув заводи, тўқимачилик комбинати хотин-қизлар кенгашлари ва бошқалар халқ орасида катта обрўга эга эдилар[2]. Бу Кенгашлар оилада бола тарбияси ҳақида ва бошқа хил мавзуларда суҳбатлар, илмий мавзуларда маърузалар уюштирдилар. Айниқса, рўзғор ишлари билан банд бўлган ўзбек аёллар орасида тарбиявий ишлар алоҳида ҳолда олиб борилди. Булар Ўрта Осиёда инқилобгача бўлган даврда маънавий эзилган хотин-қизлар учун уйғонишга бир йўналиш эди, холос. Энди улар озод, ёркин, қувноқ ҳаёт йўлига, янгича ижод қилиш даврига қадам қўймоқда эдилар.

Демак, фикрларни хулосалар эканмиз, инқилобдан кейин Туркистон ўлкасида маданий-маърифий соҳада икки йўналишда кураш олиб борилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу бир томондан, ўлкага шўро ҳукуматининг умуммамлакат даражасидаги сиёсатининг олиб киришга уриниши бўлса, иккинчи томондан, ўлкадаги илғор демократ зиёлиларнинг маҳаллий халқ азалий удумларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган кураши эди.

Инқилобдан кейин Туркистон ўлкасидаги партия, шўро, ҳуку-

I. ЎзР МДА 36 ф. I- рўйх. 204 ҳужж. 25 б.

2. Биккулова З. Руководство Коммунистической партии Туркестана работой женотделов (I9I7-I924 гг.). Научные трудн. ТашГУ им. В.И.Ленина, вып. 3I2, С. 48.

мат органлари орасида ижтимоий-маданий соҳада Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги асосий кураш олиб борганлардан бири бўлди. Албатта, бу соҳадаги ютуқ осонликча қўлга киритилмади. Чунки, фуқаролар урушининг ёш шўро давлатига таъсири, сиёсий ва иқтисодий қийинчиликлар ўлкани жуда оғир аҳволга солиб қўйган эди. Шундай бўлса-да, янги Шўро ҳокимиятини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун маҳаллий аҳолини ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий етук бўлишига катта аҳамият берилди, бунда Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг ва унинг жойлардаги бўлимларининг хизматлари катта бўлди.

2- §. 20-нчи йилларнинг бошларида Туркистон МСР даги миллий муносабатларни йўлга қўйишда Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг фаолияти

Октябрь инқилобидан сўнг феодализм ижтимоий муносабатлари кенг сақланиб қолган, мустамлакачилик қолдиқлари мавжуд бўлган, иқтисодий тараққиётдан ортда қолган кўп миллатли Туркистонда миллий масалани ҳал этиш вазифаси мушкул эди.

Фуқаролар уруши бу масалани янада қийинлаштириб юборди. Бундай шароитда Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг тузилиши тарихий зарурат эди. Унинг фаолияти жуда мураккаб кечди. Бунинг асосий сабаби - маҳаллий шарт-шароит ҳисобга олинмаганлиги ва маҳаллий миллат вакиллари фаолияти тўла ҳисобга олинмаганлигида эди. Шундай оғир шароитда иш олиб борган комиссарлик фаолияти ўлкадаги большевикча рухда бўлган раҳбарларга ҳам ёқмаган. Комиссарлик фаолияти биринчи даври тугагандан кейин 1919 йил декабрда бўлиб ўтган УШ Бутунроссия партия конференцияси миллий масалага, умумий ғалабани қўлга киритишда тур-

ли миллат меҳнаткашларининг иштирокига катта эътибор берди. Фуқаролар уруши вақтида тузилган ҳарбий-сиёсий иттифоқни хўжалик соҳасидаги иттифоқ билан мустаҳкамлаш керак эди. Рус большевикларининг фикрича, бу иттифоқни вужудга келтиришда миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципига иложи борича риоя қилиш ва сабр-тоқат ҳамда жуда эҳтиёткорлик билан иш олиб бориш зарур эди.

Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ишчилар синфи миллий сиёсатининг асосий принцини бўлганлиги учун мамлакатда халқлар ўртасида ишончсизликни тугатиш, инқилобий курашда турли миллат меҳнаткашлари бирлигини мустаҳкамлаш, синфий ва миллий-озодлик курашларининг бир-бирига боғлаши зарур эди. Лекин миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини эълон қилиш билан чекланиб қолмасдан амалий иш қилиш керак. Бу Туркистон ўлкаси учун айниқса муҳим эди. Ҳақиқий миллий тенгликни таъминлаш мамлакатнинг миллий чекка ўлкаларидаги хўжалик, сиёсий ва маданий қолоқликни тугатиш, турли халқларнинг ривожланиш даражаларини бир-бирига яқинлаштириш ва бараварлаштиришни англатади. Афсуски, "миллатларни тенг ҳуқуқлигини таъминлаш" шиори Туркистон ўлкасида кўп тилга олинган бўлса-да, амалда бу соҳада кам иш қилинди, ҳақиқий тенгликни ўрнатишга йўл қўйилмади.

Инқилобдан кейин Туркистонда Марказдан юборилган Туркком-миссия фаолият кўрсатаётган эди. Лекин бу комиссия олдига қўйилган асосий вазифани - ўлкадаги миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишда етарлича ёрдам беришни эплай олмади. Ваҳоланки, шу комиссия иш фаолиятининг бошланиши даврида ўлкада миллатлар тақдири учун кураш олиб борган Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги тарқатилди.

Ана шу орган фаолияти юзасидан I920 йил май-июнь ойларида Москвага Т.Рисқулов бошчилигида делегация борди. Делегацияда Г.Бех-Иванов, С.Турсунхўжаев, Н.Хўжаевлар бор эдилар. Улар РКП(б) МКга тақдим этган маъруза хатларида Туркистонда Туркқомиссия ва Туркфронт Инқилобий ҳарбий кенгаш (Реввоенсовет) фаолиятига баҳо бериб, Туркқомиссия "мустамлакачилик билан курашдан оғиб кетмоқдаки, Инқилобий ҳарбий кенгаш тушунган ҳолда мусулмонлар сафарбарлигини орқага сурмоқдалар ва шундай қилиб Шарқда инқилобни барбод қилмоқдалар"[I], дедилар.

Шунингдек, бу маъруза хатида улар янги талабларни: Туркқомиссияни тарқатиш, Туркфронт Инқилобий ҳарбий кенгаш ҳуқуқларини чеклаш, руслардан ташкил топган Қизил Армия қисмларини Туркистондан чиқариш ёки қуролсизлантириш, соф мусулмонлар қўшинини тузишни, шунингдек алоқалар, ташқи савдо ва ҳарбий масалаларни РСФСР тасарруфидан Туркистон МИК тасарруфига бериш талабларини илгари сурдилар[2]. Чунки, Т.Рисқуловнинг "Турк Шўро Республикаси" ва "Турк халқлари компартияси" тузиш учун ҳаракати қаттиқ қаршиликка учради. Ваҳоланки, бу масала дастлаб Туркқомиссия мажлисларида унинг баъзи аъзолари, жумладан Ш.З.Элиава, В.В.Куйбишевлар томонидан қўллаб-қувватланган эди. Фақатгина I920 йил 22 февралдаги комиссия мажлисида М.В.Фрунзе иштирокида Т.Рисқулов фикри рад этилган эди[3]. Шунинг учун делегация Москвада Туркқомиссия фаолияти Туркистон Республикаси давлат қурилиши принципларига зид эканлиги ҳақидаги масала қўйилди. Ҳақиқатда миллатларнинг

I. Материали IX съезда Советов рабочих, дехканских, крестьянских казачьих и красноармейских депутатов Туркестанской Социалистической республики. Ташкент, I920, С.4-5.

2. История Коммунистических организации Средней Азии. Ташкент. I967, С.426, 427.

3. Турсунов Х.Т. Национальная политика Коммунистической партии в Туркестане. Ташкент, "Узбекистан", I97I, С. I89.

ўз тақдирини ўзи белгилаши учун четдан аралашуви эмас, балки зарур ҳолда ёрдам талаб этилади. Туркистон ўлкасида инқилобий вазият бўлмаса ҳам у марказнинг кўрсатмаси билан амалга оширилди. Марказнинг халқлар тенглигини эълон қилиши ҳам "чуқур рус йўналиши" тусида ўтган. Шундай бўлса ҳам ўлкада миллий кадрлар етишиб чиққан эди.

РКП(б) МК Сиёсий бюроси делегация қўйган таклифларни кўриб чиқиш ва қарор лойиҳасини тайёрлаш учун Г.В.Чичерин, Н.И.Крестинский ва Ш.З.Элиавадан иборат комиссия тузди. 1920 йил 29 июнда РКП(б) МК Сиёсий бюроси "РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида" деган қарор қабул қилди. Унда Туркистонда РКП(б)нинг вазифалари қуйидагича белгиланди:

а) 50 йилдан ортиқ вақт ичидаги чоризм империализм сиёсатини маҳаллий аҳоли ва собиқ оврупалик аҳоли ўртасидаги вужудга келган муносабатларда тугатиш;

б) маҳаллий аҳоли ижтимоий муносабатларида сақланаётган патриархал-феодал қолдиқларни тугатиш эди[I].

Туркистон асосан деҳқончилик ўлкаси бўлиб, аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд эди, Улар ҳаёти ва турмушига ўрта аср одатлари сингиб кетган, деҳқонлар майда хўжаликларга бўлиниб кетган эди. Бу эса деҳқонлар орасида миллий масалани ҳал этишни анча мураккаб қилиб қўйган эди. 1921 йилда эса, мамлакатнинг хўжалик, иқтисодий ва маданий соҳада қилинадиган улкан ишлари кўндаланг турган эди. Чет эл ҳуружи ва фуқаролар уруши бу ҳаракатни тўхтатиб қўйди.

Ана шу вазифаларни ҳал этиш йўлларини белгилаш 1921 йил

I. Воскобойников З., Зеведев А. Туркомиссия ВЦИК и Совнаркома РСФСР и Туркюро Цк РкП(б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. (М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев, Л.М.Каганович в Туркестане). С.99.

март ойида бўлиб ўтган РКП(б) X съезди зиммасига юклатилган эди. Съезднинг кун тартиби 7- банди партиянинг миллий масаладаги навбатдаги вазифалари эди. Съезд чақирилишидан бир ой олдин "Миллий масаладаги партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисида маъруза юзасидан Сталин тезислари" "Правда" рўзномасида эълон қилинди. Тезис уч бўлимдан иборат эди:

I. Капиталистик тузум ва миллий зулм.

II. Шўро тузуми ва миллий эркинлик.

III. РКП(б) нинг навбатдаги вазифалари.

1921 йилнинг март ойида бўлиб утган Туркистон ўлкаси партия конференцияси миллий масалалар бўйича Сафаров тезисларини қабул қилди. Бу масала бўйича бўлган қизғин музокараларда сўзга чиққан Туркомиссия ва Туркбюро раҳбарларидан бири Сафаров (асл фамилияси - Вейнштейн) турли миллат меҳнаткашларини икки кетма-кет босқичга бирлаштиришни таклиф қилди: аввал "миллий-маданий ўз-ўзини белгилаш", шундан кейин халқларнинг "синфий ўз-ўзини белгилаши"ни таклиф қилди.Г.Сафаров ўзининг бу фикрини ўтказишга муваффақ бўлди, у Туркистон КП номидан РКП(б)нинг X съездида миллий масалада қўшимча маъруза қилувчи қилиб тасдиқланди. Сафаровнинг илгари сурган ғояси Ўрта Осиёда яшовчи турли хил миллатларнинг маданий соҳадаги ўсиши турлича бўлганлигини албатта ҳисобга олиши шарт эди. Шундай қилиб, - дейилади конференция ҳақидаги берилган маълумотномада, - юқорида баён этилган маъруза тезислари ҳам марказда, ҳам жойларда миллий масалани ҳал этишда Туркистон Коммунистик партиясининг бутун фаолияти ва Шўро ҳокимияти сиёсатининг асоси бўлиб хизмат қилади[1].

---

1. "Известия" ТуркЦИКа, № 36, 17 февраля, 1921 г.

Матбуотда эълон қилинган И.В.Сталин маърузаси юзасидан партия X съездидаги Туркистон делегацияси киритган ўзгаришлар ва қўшимчалар "Правда"нинг I920 йил I0 март сонида ёритилди. Улар И.В.Сталиннинг уч бўлим, I8 та параграфдан иборат тезисларининг икки бўлим, I3 параграфига ўзгаришлар киритишни таклиф қилдилар. Бу ўзгаришлар I92I йил 8 мартдаги турк миллатлари коммунистлари Кенгашида ҳам қабул қилинган эди. Лекин Сталин тезислари кенг муҳокама қилинмади.

Маъруза тезислари ва Туркистон делегацияси таклифлари, съезд қабул қилган қарорларни таҳлил қилар эканмиз, таклифлар ўринли, тўғри кўрсатилганлигини таъкидлаймиз. Лекин, афсус кўрсатилган I2 таклифнинг фақатгина 4 таси X съезд резолюцияларида ўз аксини топди, холос. Съезд В.И.Ленин раҳбарлигида ишлаган комиссиянинг миллий масала юзасидан ишлаб чиққан муҳим қарорларини қабул қилди. Бу қарорларда илгари эзилиб келган халқларнинг ҳақиқий тенгсизлигини батамом тугатиш, уларни социализм қурищда актив қатнашишга жалб қилиш вазифасини илгари сурди. Съезд миллий масаладаги партияга қарши оғмачилар - буюк давлатчилик шовинизми билан маҳаллий миллатчиликни қоралади, булар социализм ва пролетар интернационализми ишига жиддий хавф солаётган эди[I].

И.В.Сталин маърузаси тезислари III бўлимида шундай дейилади: Ҳозир, помешчик ва буржуазия ағдарилганда, мана шу мамлакатларда Шўро ҳокимияти халқ ҳокимияти деб эълон қилинди, партиянинг вазифалари шундан иборатки, рус бўлмаган меҳнаткаш оммага илгарилаб кетган марказий Россияга етиб олишда ёрдам бериш:

а) шу халқлар миллий қиёфасига мос келувчи шўро давлат кўринишларини ўзларида ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

I. КПСС резолюцияларда... Тошкент, "Ўзбекистон", I98I, 2 т. 260 б.

б) маҳаллий аҳоли турмуши ва психологиясини билувчи маҳаллий кишилардан ташкил топган ҳокимият органлари, хўжалик органлари, маъмурият, судни амалдаги она тилида олиб бориш;

в) матбуотни, мактаб, театр, клуб иши ва умуман маданий-оқартув муассасаларини она тилида мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборат[1].

Туркистон делегацияси айнан шу бўлим параграфига таклиф қилган ўзгаришлари:

...а) шундай ўзгартирилади: шўро давлатчилигини бу халқлар шароитларига мос келувчи миллий-турмуш кўринишларида ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

б) шундай ўзгартирилади: унинг турмуш ва психологиясини билувчи маҳаллий меҳнаткаш аҳоли вакилларидан тузилган, ҳокимият органлари, хўжалик органлари, маъмурият, судни амалдаги она тилида олиб бориш[2].

Туркистон делегацияси масалани аниқроқ, ойдинроқ қилиб қўйган эди. лекин съезд биринчи таклифни қабул қилди. Мана X съезд резолюцияси: ...а) бу халқларнинг ўз юртларида миллий турмуш шароитларига мувофиқ келадиган шаклларда Шўро давлатини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда уларга ёрдам беришдан иборат[3].

Съездда Г.И.Сафаров ўзининг фикрини тасдиқлаш учун қуйидаги фикрни илгари сурди: "Шу чоққача бизнинг партиямиз миллий масала билан деярли оз қизиқди" ва Октябрь инқилоби эзилган миллатлар бошига "мутлақо қўққисдан" бостириб кирди[4]. Бу билан у Туркистон

---

1. "Правда" № 29 10 февраль 1921 г.
2. Қаранг: "Правда" № 53 10 март 1921 г.
3. КПСС резолюцияларда... 260 б.
4. X съезд РКП(б), Март 1921 года. Стенографический отчёт. М., Госполитиздат. 1963. С.190,191.

ўлкасидаги партия фаолиятини объектив очиб беришга ҳаракат қилди. Лекин И.В.Сталин съездда сўзлаган охирги сўзида Сафаровнинг тузатишлари қабул қилинмайди, деди. Чунки, "у бундизмни беради. Бу бундча таърифлаш: миллий-маданий ўз тақдирини ўзи белгилаши. Биз аллақачон ўз тақдирини ўзи белгилаши мавҳум шиорларидан ҳайрлашганмиз - уларни қайта тиклаш керак эмас"[I]. Бу билан Туркистон халқлари тақдири учун курашган Сафаров фикрларига зарба берилди. Бошқариш қуроли қўлида бўлган марказ ўзининг таъсирини яна бир карра зўрлаб ўтказди. Шундай қилиб, марказдаги партия ва ҳукумат органлари, Сталин бошлиқ РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги республикаларга ваъда қилинган ҳуқуқларни, тенглик озодлик ва мустақилликни бермади, амалда чоризм вақтидаги сиёсатни янги шаклларда давом эттира берди.

РКП(б)нинг X съезди партиянинг миллий масаладаги сиёсий йўлини белгилаб берди. Бу йўл асосан маданий-хўжалик ишлари жабҳасида эди. Ўтмишда эзилган халқларнинг асрлар бўйи давом этиб келган иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқлигини тугатиш, уларнинг амалдаги тенглигини таъминлаш зарур эди. Съезд миллий чекка ўлкаларда саноат барпо қилишида, Шўро давлатини ривожлантиришда ва мустаҳкамлашда, миллий кадрлар тайёрлашда ёрдам бериш чораларини белгилади. Вазифа ана шу қарорларни ҳаётга тадбиқ этишдан иборат эди.

Съезд қабул қилган қарорда қайд этилган юқори раҳбар маъмурият ишларини маҳаллий аҳоли тилига ўтказиш тўғрисидаги банди яқин кунларгача ҳам амалга оширилмай келинди. Ваҳоланки, партия X ва XII съездлари қарорларида бу муаммолар биринчи галдаги

I. X съезд РКП(б), Март 1921 года. Стенографический отчет. М., Госполитиздат, 1963. 213 бет.

вазифалар деб белгиланган эди. Бу масалани партия XII съездининг миллий масала бўйича секция мажлисида (1923 йил, 25 апрель) делегат Иброхимов ҳам кўрсатиб, "Ҳеч қаерда маъмуриятларда миллий тил амалда ўтказилмаяпти", - деган эди[1].

Партия X съезди қарорларида Туркистон ўлкасининг иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволи, уни бартараф этиш йўллари кўрсатилди.

... Бу ерда миллий тенгсизлик, - дейилади съезд резолюциясида,- ҳозирги давргача тарихан вужудга келган иқтисодий тенгсизликка асосланган эди. Бу тенгсизлик... Россиянинг мустамлака ёки ярим мустамлака ҳолида бўлган бу чекка ўлкаларни (айниқса Туркистон) марказда ишланадиган ҳар хил хом ашёни етказиб берувчи ўлкалар ролида зўрлик билан сақланиб турилар эди... маҳаллий омманинг меҳнаткашлар кенгашларига уюшиш йўли билан мустамлакачи элементларни синфий имтиёзлардан маҳрум қилишдан иборат бўлиши керак[2].

Кенгашлар орқали маҳаллий меҳнаткаш оммани Шўро ҳокимияти томонига тортиш керак эди. Бу эса маҳаллий миллат вакилларини ўз ҳаёти муаммоларини ечиши учун жуда зарур эди. Лекин, бунинг учун Кенгашлардаги депутатлар ҳам халқ дарди учун қайғурадиган бўлиши керак.

... Шу билан бирга съезд илгари эзилиб келган халқлар миллий зиёлиларининг ҳалол ва Шўро ҳукуматига содиқлигини исбот қилган барча элементларидан шарқий ўлкалардаги кенгаш ишида усталик билан ва ташкилий суратда фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб ўтади[3], - дейилади резолюцияда.

Аммо съезднинг бу қарорини бажариш учун Туркистон ўлкасида маҳаллий миллат вакилларидан партия ходимлари етишмас эди. Буни

---

1. "Известия" ЦК КПСС, № 4, 1991, С.165.
2. КПСС резолюцияларда... 261 б.
3. Ўша ерда, 264 б.

I920 йил сентябрда бўлиб ўтган Туркистон Компартияси У съезди ҳам кўрсатиб ўтган. Съезднинг "Партия қурилиши тўғрисида тезислари"да шундай дейилади: Кўпчилик оммани Туркистон маҳаллий аҳолиси ташкил қилишига қарамай, Туркистоннинг кўпчилик ташкилотларида активлик ролини фақат оврупалик аҳоли вакиллари ўйнамоқда[I]. Хўш бу вазифани қандай ҳал қилиш керак эди? Бунинг учун ишлаб чиқариш муассасаларида кутубхоналар, клублар, чойхоналар ишини кенгайтириш зарур эди. Бу масалада Туркистон МСЖ Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги анчагина ишларни амалга оширди.

Съезд қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида Туркистон Республикаси ХКК I92I йил 28 мартда волостларда, қишлоқ ва овуллар ижроия комитетларида ҳамма ҳужжат ишларини маҳаллий аҳоли тилига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Ваҳоланки, анча олдин РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон бюросининг Туркистон Компартиясининг барча ташкилотларига юборган циркуляр хатида (I92I йил, январь) шундай дейилган эди: "Шўро муассасаларини ва партия комитетларини эски шаҳар ва қишлоқларга кўчириш, ҳамма жойида қирғиз, ўзбек ва туркман тилларида иш юритиш лозим..."[2]. Бунинг учун энг аввало, жойлардаги бўлимларда ишловчи ходимлар маҳаллий аҳоли тилини, урф-одати, расм-русмини билиши зарур эди. Бу ишда комиссарликнинг биринчи даврдаги фаолиятида Мусулмон бюроси актив фаолият кўрсатган эди. У I9I9 йил I8 июлда Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигига мурожаат қилиб, Мирзачўл уезд мусулмон бюросининг ўша ердаги миллий бўлим бошқарувчисини мусулмон тилини биладиган киши билан алмаштириш-

---

I. Резолюции и постановления съездов Коммунистической партии Туркестана (I9I8-I924 гг.) Ташкент, I958, С.68.

2. Сборник важнейших документов, постановлений и распоряжений правительства ТАССР за I9I7-I922 гг. Изд, Комиссии СНК. С.28.

3. "Известия" ТуркЦИКа I8 января I92I г.

ни талаб қилди[1].

Лекин, комиссарлик фаолият кўрсатмаётган даврда партиянинг юқоридаги қарорини бажаришга орадан икки ой ўтгандан кейингина киришилди. Бу эса маҳаллий аҳолини жойларда Шўро ҳокимиятига, партияга бўлган ишончини оширар ва уларни ана шу органларга ишга жалб қилишга ёрдам қилган бўлур эди. Буни 1921 йилги Шўролар ишида маҳаллий аҳоли иштирокини кўрсатувчи жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин:

Ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга бўлган делегатлар сони - 807 та.

Делегатларнинг миллий таркиби:

маҳаллий аҳолидан - 730 та;

оврупалик аҳолидан - 77 та.

Ижроия комитетга сайланганлар:

маҳаллий аҳолидан - 241 та;

оврупалик аҳолидан - 42 та[2].

Бу жадвалдан Шўролар фаолиятида маҳаллий миллат вакилларининг кўпроқ жалб қилинаётганлигини кўришимиз мумкин. Маҳаллий миллат вакилларини халқ учун ҳақиқий курашчи қилиб тарбиялаш, уларни ҳукумат ишларига тортиш зарур эди. Чет эл ҳуружи ва фуқаролар уруши тамом бўлгандан сўнг, Шўро ҳокимияти иқтисодий вайронагарчиликни тиклашга киришди. Бу ишни амалга оширишда ҳам сиёсий, ҳам ғоявий, ҳам миллий масала уйғун суръатда олиб борилди.

Туркистон ўлкасида миллий масалани ҳал этиш ва маҳаллий миллат равнақи учун кураш олиб борадиган ягона марказ бу комис-

---

1. ЎзР МДА Р-34, ф., 1- рўйх. 338- ҳужж. 286 б.
2. Желтова Г.И. Национальные моменты в партийном и государственном строительстве Туркестанской АССР (1921-1924 гг). ТГПИ им. Низами. Ученые записки. Том 49. Ташкент, 1964, С. 126.

сарлик эди. Гарчи Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ўз фаолиятида камчиликларга йўл қўйган бўлса ҳам, у миллий муносабатларни уйғунлаштириш учун, Туркистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг амалий тенглиги учун кураш олиб борди. Комиссарликнинг биринчи даври фаолияти Туркистон ўлкасида миллий масала бобида юқори органларни анча чўчитиб қўйган эди. Чунки, миллий сиёсатни ўлканинг ўзига хос шароитига мос ҳолатда ҳал этиш учун комиссарлик бошлаган қадам нафақат уларга, балки марказдаги органларга ҳам хуш келмас эди.

Гарчи Туркистонда бу комиссарлик фаолияти вақтинча тўхтатилган бўлса ҳам, марказда РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолият курсатмоқда эди. лекин, бу комиссарлик ўлкадаги ниҳоятда мураккаб бўлган миллий сиёсатда тўла амалий ёрдам бера олмас эди. Шунингдек, ўлкадаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ҳам комиссарлик фаолият кўрсатишини тақозо этарди. Шунинг учун улкадаги партия, Шуро органлари бу масалани ижобий ҳал қилишга мажбур бўла бошладилар. Фикримизнинг далили учун I92I йил I7 сентябрда *бўлиб ўтган Туркистон Компартияси МК ижроия бюроси № 50 про*токолини кўриш мумкин. Унда шундай дейилади: ТуркМИК қошида умумий асосларда Миллатлар ишлари комиссарлиги бўлимлари: қирғиз, ўзбек, туркман ва оз сонли миллатлар бўлими билан тузиш зарурлиги эътироф этилсин[I]. Халқ комиссари этиб Диманштейн тайинланди. Унинг ўринбосари йўқ эди. Коллегия аъзолигига Султонхўжаев,С. Р.Бальджанов,К.Ханов ва ТуркМИК оз сонли миллатлар бўлимидан бир вакил киритиладиган бўлди[2].

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, 2I сентябрь куни Туркистон

I. ЎзР МДА 36 ф., I- рўйх. 59- ҳужж. 34 б.

2. Ўша жойда.

Республикаси шўролари Марказий ижроия комитети № 105 сонли қарор қабул қилди. Унда Туркистон Республикаси Шўролари МИК Шўролар X съезди хоҳиш-истагини бажаришда ТуркМИК миллий бўлимлари фаолиятини кучайтириш ва янгилаш учун ва Туркистон Республикаси миллатлари ва элатларининг қардошларча ҳамкорлигини амалий таъминлаш учун: Умумий асосларда фаолият кўрсатувчи Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги тузилсин, деб қарор қабул қилди[1].

Қарорда ТуркМИК қошидаги туркман, қирғиз, ўзбек, оз сонли бошқа миллатлар бўлимлари фаолияти ҳам комиссарлик тасарруфига ўтади, дейилган. 1920 йилдаёқ ТуркМИК қошида қирғиз бўлими, кейинги йилда туркман ва ўзбек бўлимлари тузилган эди. Бу бўлимлар чоризм мустамлакачилик сиёсати қолдиқларини тугатишда Шўро ҳокимияти органларига ёрдам бериши; шунингдек, Туркистон республикасида ўтадиган маҳаллий миллат хусусиятларини ҳисобга олган барча тадбирларни келишилган ҳолда амалга ошириши лозим эди. Худди шу мақсадда Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ҳам маълум ишларни амалга оширган. Жумладан, 1921 йил 18 декабрда Удеев комиссарликнинг Амударё вилоят ижроия комитети қошидаги ўзбек ишлари бўйича вакили қилиб тайинланди[2]. У ўзбеклар шикоятларини қабул қилади, шўро муассасалари барча ишлари билан танишади. Ижроия комитет ва бошқа ташкилотлар мажлисларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Бу билан комиссарлик жойлардаги аҳволни эътибордан туширмасликка ҳаракат қилди.

1921 йил сентябрда Туркистон республикаси МИК қарори билан Миллатлар ишлари халқ комиссарлигида оз сонли миллатлар бўлими ва тожик секцияси тузилди[3]. Унгача бу ишни тожиклар ўртасида

---

1. ЎзР МДА 36 ф., 63 ҳужж. 5 б.
2. Ўша ерда. 120 ҳужж. 5 б.
3. Дегтяренко А.Д. Развитие советской государственности в Таджикистане. М., Госюриздат, 1960, С. 31-32.

Форс бўлими олиб борган. Шуни таъкидлаш керакки, шу давргача Туркистон ўлкасида яшовчи асосий миллатлардан бири бўлган тожиклар давлат ҳокимияти органларида ўз вакилларига эга бўлмаганлар. Секция тузилгандан кейин эса уларнинг фаолиятлари фаоллашган. Масалан, Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг 1922 йил 1 мартда № 56 737 сонли Маориф Халқ комиссарлигига юборган маълумотномасида таъкидланишича:... Оз сонли миллатлар бўлими тожик секцияси тез фурсатда Самарқанд шаҳрида 70 курсант учун тожик маориф институтини ташкил этиш ва очишни сўрайди. Чунки, тожик-маданий миллий ходимларга кескин эҳтиёж сезилмоқда[1].

Биз юқорида кўриб ўтганимиздек, Туркистон ўлкаси ўз миллий таркибига кўра бир миллатли эмас эди. Унинг аҳолисини ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ва бошқалар ташкил қилар эди. Улар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишнинг турли даражаларида эдилар, лекин тарихий тақдир туфайли бир-бирлари билан чамбарчас боғланган эдилар. Аҳолининг кўп миллатли эканини 1920 йилги аҳоли рўйхатига кура Туркистон МСРдаги бир неча вилоятлар мисолида ҳам олиш мумкин: Самарқанд вилоятида 792649 киши яшарди, улардан 472002 узбек, 234468 тожик, 22485 қозоқ, 14063 қора-қирғиз, 17581 рус, 3107 украин, 8454 маҳаллий яҳудийлар, 12272 форслар ва бошқалар яшар эди[2]. Туркман вилоятида 260973 туркманлар, 3506 қирғизлар, 1311 ўзбек, сарт, таранчи, қашқарлар, 18411 форслар, 11196 арманлар, 25668 руслар ва бошқалар яшар эди[3].

---

1. ЎзР МДА 36 ф., 1- рўйх. 195 ҳужж. 4 б.
2. Материалы Всероссийской переписей 1920 г.ч. I.вып. У.Поселенние итоги Самаркандской области. Ташкент, Изд. ЦСУ Туркреспублики, 1924, С.29.
3. ЎзР МДА 36., 1- рўйх. 130 ҳужж. 4 б.

Туркистон МСРнинг бошқа вилоятларида ҳам аҳоли таркиби шундай эди. Шунинг учун Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигидаги оз сонли миллатлар бўлимида 1922 йили қуйидаги секциялар фаолият кўрсатган: эрон-озарбайжон, латиш, арман, поляк-литов, украин, тузем-яхудий, тожик, немис, яхудий, корейс, татар, дунган-таранчи[1]. Бу билан комиссарлик ўзининг фаолиятида тақдир тақозоси билан ўлкада яшаётган турли миллат вакилларининг ҳаёт шароитларини ҳам назардан четда қолдирмади. Шундайлардан бири - арман миллатига мансуб кишилар эдилар. Улар ўлканинг Самарқанд вилоятида кўпчилигини ташкил қилар эдилар. Шунинг учун улар ўзларининг она тилисида газета чиқаришга ҳаракат қилдилар. Шу мақсадда Арман секцияси Самарқанд вилояти ижроия комитетига ўлка Миллатлар ишлари комиссарлигидан Тошкент шаҳрида арман нашр босма харфини сўраб бериш учун мурожаат қилди.

Комиссарликнинг оз сонли миллатлар бўлимида юқоридаги миллатлар секцияларига ана шу миллатлар кадрлари зарур эди. Шу мақсадда бўлим 1921 йил 20 декабрда Маориф Халқ комиссарлигига Самарқанддаги хизматчиси Рахматуллаев Исматуллани тожиклар ўртасида маданий-оқартув ва сиёсий ишларга жалб қилиш учун командировка қилинишини сўраб мурожаат қилди[2].

Бўлимнинг яхудий секцияси ҳам миллий масалани нормаллаштиришда актив фаолият кўрсатди. Жумладан, бўлим маҳаллий яхудийлар орасида ноўрин миш-мишлар кенг тарқалганлигини ҳисобга олиб, Ички ишлар Халқ комиссарлигининг 16 ноябрь № 38 қарорига мувофиқ Тошкент Диний Яхудий қошидаги камбағал яхудийларга ёрдам бериш комиссиясини тугатди[3].

---

1. ЎзР МДА 36 ф., 1- рўйх. 130 ҳужж. 4 б.
2. Ўша ерда, 40 ҳужж. 30 б.
3. Ўша ерда, 194 ҳужж. 9 б.

Шунингдек, жойларда миллий масалани нормаллаштириш, маҳаллий оз сонли миллатлар мавқеини ҳимоя қилиш учун комиссарлик ўз вакилларига эгадир[1].

Демак, партия X съезди, Туркистон республикаси Шўролари X съездининг миллий масала бобидаги қарорларини Туркистонда амалга ошириш учун катта қадам қўйилди. Бу қолоқ бўлган Туркистон ўлкасида айниқса муҳим эди. Янги тузилган комиссарлик илгаригисидан кўп жиҳатидан фарқ қилар эди. Аввалги комиссарликда миллий бўлимлар йўқ эди. Партия жамоатчилик фикрининг янги комиссарликка нисбатан самимий муносабатида. - дейди Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссари С.Диманштейн, - унинг ишдаги муваффақияти кўп куттиришни талаб этмайди[2].

Чет эл ҳуружи ва фуқаролар уруши даврида, яъни Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ республикада маҳаллий миллат кишилари орасидан янги жамият қурилишининг истеъдодли ташкилотчилари - Н.Турақулов, К.С.Отабоев, Й.Охунбобоев, Б.Дадабоев, А.Икромов, Р.Исломов, А.Раҳимбоев, С.Қосимхўжаев ва бошқалар етишиб чиқдилар. Шунингдек, жойларда ҳам маҳаллий миллат вакиллари раҳбар органларга жалб қилина борди. Жумладан, 1920 йил май ойида бўлиб ўтган Сирдарё вилоят шўроларининг съездида қатнашган 164 делегатнинг 48 таси қирғизлар, 40 таси узбеклар эди[3]. Съезд кун тартибида асосий масалалардан бири сифатида миллий масалани муҳокама қилди.

Ўрта Осиёда халқларнинг озодлиги, тенг ҳуқуқлилиги, тақдири учун курашганлардан бири Т.Рисқулов эди. 1921 йили у РСФСР Миллатлар ишлари Халқ комиссарининг муовини этиб тайинланади. Т.Рис-

---

1. ЎзР МДА, Р-34 ф., 1- рўйх. 339 ҳужж. 195 б.
2. "Известия" ТуркЦИКа, № 265, 24 ноября 1921 г.
3. Ўша газета, № 100, 10 мая 1921 г.

қулов 1921-1922 йиллар даврида ана шу лавозимда ишлаб чиниқди. 1922 йил охирида у Туркистонга қайтади ва Туркистон МСР Халқ комиссарлар Кенгашининг Раиси бўлиб ишлади[1]. Т.Рисқулов бир вақтнинг ўзида РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг аъзоси ҳам эди.

Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг тузилиши катта аҳамият касб этди. Комиссарлик мустамлакачилик қолдиқларига қарши, маҳаллий халққа нисбатан бюрократизм ҳаракатларига қарши курашди. Бу улкан ишларни амалга оширишда комиссарликнинг ўзидаги ва жойлардаги бўлимлари изчил фаолият кўрсатиши зарур эди. Комиссарлик иккинчи даврининг дастлабки йилида ўлкадаги чет эллик фуқаролар масаласига эътиборини қаратди. Бу масала унинг 1921 йил 3 декабрдаги коллегия мажлисида кўриб чиқилди ва у фуқаролар миллий манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди[2]. Шунингдек, қарорда яҳудий-қочоқларни Фарғонадан ташиш комиссарлик махсус гувоҳномаси билан гуруҳлар орқали Ўлка кўчириш комиссияси амалга ошириши таъкидланди.

Туркистон ўлкаси фақат сиёсий ва маданий жиҳатдан эмас, шу билан бирга биринчи навбатда иқтисодий жиҳатдан ривожланиши зарур эди. Чет эл ҳуружи ва фуқаролар уруши Туркистон ўлкасининг ҳам иқтисодий ҳолатига жиддий таъсир қилган эди. Бундан ташқари Шўро Россияси, шунингдек Туркистон ўлкасига жаҳон уруши мобайнида оврупа империалистлари томонидан жиддий зарар етказилган эди. Шу мақсадда 1922 йил 17 февралда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги "Жомий" мачитида Эски шаҳар ижроия комитети ва мусулмонлар Диний Бошқармаси ташаббуси билан митинг ўтказилди. Унда 150 мингга яқин уламолар, шўро хизматчилари ва фуқаролар қатнашдилар.

---

1. Дашхлейгер Г.В. Историография Советского Казахстана. (очерк). Алма-Ата, изд.Наука Казахской ССР, 1969, С.21.
2. ЎзР МДА 36 ф., 1- рўйх, 40 ҳужж. 16 б.

Митингда ижроия комитет номидан ҳозирги вақт ҳақида Маллабоев маъруза қилди. Митинг қатнашчилари Генуя конференциясида қатнашадиган РСФСР вакилларига етказилган зарарни қатъиян тўлашни талаб қилишни эслатиб ўтишни лозим топдилар[1].

Лекин, ўлкадаги асосий вазифа - иқтисодий тараққиётни изга солишда эди. Бунинг учун янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш керак. Дарҳақиқат, партия X съезди таъкидлаганидек, "Чоризмнинг помешчиклар ва буржуазиянинг бу халқларга нисбатан тутган сиёсати - бу халқлар ўртасидаги ҳар қандай давлат куртакларини йўқ қилиш, уларнинг маданиятига шикаст етказиш, тилларига эрк бермаслик, уларни жаҳолатда тутиш ва, ниҳоят, уларни мумкин қадар руслаштиришдан иборат эди. Бу халқларнинг тараққий қилмаганлиги ва сиёсий қолоқлиги ана шундай сиёсат натижасидир"[2].

Инқилобдан олдинги даврдаги иқтисодий муносабатлар сарқитлари ҳаётда ўзининг таъсирини ўтказмай қолмас эди. Мана шундай келишмовчиликдан бири сувдан фойдаланиш масаласида Туркман вилоятида келиб чиқди. Буни ижобий ҳал қилиш мақсадида Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ташқи ишлар Халқ комиссарлигига 1922 йил 9 январда хат жўнатади. Унда туркман қабилаларининг Форсияга нисбатан ўзбошимчалик ҳаракатлари қораланади ва комиссарликдан бу масалани нормаллаштириш учун тезлик билан музокараларга киришиш зарурлиги таъкидланади[3].

Комиссарлик ўлкадаги бошқа туркман аҳолисига бу ҳақдаги ҳақиқатни етказиши зарур эди.

Ўлканинг иқтисодий заифлигидан фойдаланган буюк давлатчи шовинистлар - рус миллатига имтиёзли мавқе бериб, бошқа халқлар-

---

1. ЎзР МДА 36 ф., 1- рўйх. 138 ҳужж. 47 б.
2. КПСС резолюцияларда... 259-260 б.
3. ЎзР МДА 36 ф., 1- рўйх., 205 ҳужж. 2 б.

га қарши нафрат ва адоватни тарғиб қилувчи рус буржуазиясининг реакцион идеологияси ва сиёсатчилари миллий сиёсатни ўзгартиришни талаб қилиб чиқа бошладилар. Бу таклифни буюк давлатчи шовинистлар билан бирга ўзбек шовинизми ҳам кутариб чиқди. Хуш, ўзбек шовинизми бўлганми? РКП(б) XII съезди миллий масала бўйича секция мажлисида (1923 йил 25 апрель) меҳмон сифатида қатнашган Х.Мусаев ҳақиқатни очиқ айтади: Ҳа, ўзбек шовинизми бўлган... ўзбек шовинизмида маҳаллий ҳукумат шу қадар айбдор эмас, балки 60% рус мухтор вакиллари айбдор[1]. Бунда марказдан келган вакиллар таъсири катта бўлганлиги таъкидланади. Ўлкадаги буюк давлатчи шовинистлар маҳаллий миллатларнинг вакилларини Туркистон Компартияси аъзолигига қабул қилишни чеклашни талаб қилдилар. Шу муносабат билан РКП(б) МК 1922 йил 16 январда "Туркистон Компартиясига" деган циркуляр хат билан мурожаат қилди. Бу хатда шундай дейилган эди: "Сизлар Туркистон Компартиясининг У съездида Туркистондаги миллий сиёсатнинг асосий йўлини тўғри, РКП(б) Марказий Комитетининг директиваларига батамом мувофиқ ҳолда белгилаб бердингиз... Иқтисодий сиёсатнинг "янги йўли" деб аталган йўл Туркистондаги миллий сиёсат йўлини заррача ҳам ўзгартирмайди. Туркистонда янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш Шуро ҳокимиятининг ер сиёсатини қайта кўриб чиқишга олиб келиши керак деб масалан, қирғиз аҳолисидан тортиб олинган ерни яна унга қайтариб берган Еттисув ер ислоҳотини қайта кўриб чиқишга олиб келиши керак деб ўйловчи ўртоқларнинг хулосалари ғоят хато ва мутлақо юзаки хулосалардир..."[2]

РКП(б) МКнинг бу директиваси янги иқтисодий сиёсатга ва партиянинг миллий сиёсатига нотўғри қарашларга чек қўйди. ва

---

1. Известия ЦК КПСС, № 3, 1991, С.177.
2. ЎзР МДА 36 ф., 1- рўйх. 49 ҳужж. 44 б.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатни тўғри амалга оширишларига ёрдам берди. Туркистон МСР марказдаги ана шундай комиссарликка юборган хатида у ерда чиқаётган янги иқтисодий сиёсат ҳақидаги асарларни уч асосий тилга: ўзбек, қирғиз ва форс тилига таржима қилиш кераклиги кўрсатилди[1]. Бу эса партия илгари сурган сиёсатни маҳаллий миллатнинг тўғри тушунишига ёрдам бераради.

Туркистон ўлкасининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожида марказий органларнинг ёрдами зарур эди. Ана шу мақсадда Бутунроссия МИК ва ХККнинг 1920 йил 16 декабрдаги қарорини бажариш мақсадида 1921 йил 1 апрелдан РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги қошида Туркистон вакиллиги фаолият кўрсатди. Унинг биринчи навбатдаги вазифалари қуйидагилар эди:

1. Марказдаги муассасалар билан амалий алоқалар ўрнатиш.

2. Марказда Туркистоннинг иқтисодий эҳтиёжларини чегаралаш ва ҳимоя қилиш.

3. Асосий комитетлар (главком) ва Халқ комиссарликларининг нарядларни бевосита амалга ошириш ва Туркистонни таъминлаш режаларини амалга оширилишини назорат қилиш (юкларни қабул қилиш ва уларни Туркистонга поездлар орқали жўнатиш).

4. Ниҳоят, янги иқтисодий сиёсат муносабати билан, вакиллик марказ ва Туркистон ўлкасида маҳсулот алмаштириш тадбирларини ҳаётга тадбиқ қилишни ишлаб чиқди ва амалга оширди[2].

Туркистон вакиллиги олдида ўлка халқларининг иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун марказдан кураш олиб бориш масъулияти турар эди. Лекин бу оғир вазифани бажариш ўлканинг ўзидан ети-

---

1. ЎзР МДА 36 ф., 1- рўйх. 49 ҳужж. 44 б.
2. Шесть лет национальной политики Советской власти и Наркомнац. (1917-1923 гг.) (вместе отчета) М., 1924. С.52.

шиб чиққан миллий кадрлар зиммасига юкланиши зарур эди. Инқилоб даврида Вақтли Бухоро Компартияси МКини тузишда В.В.Куйбишев таклифи билан Марказий Комитет таркибига турли миллат вакиллари киритилди. Бухоро ХСР ҳукумати таркибида ўнга ва республика МИК таркибига маслаҳат овози ҳуқуқи билан кирувчи РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигида мухтор вакиллик лавозими таъсис этилди[I].

Ўлкада асосий муаммолардан бири ҳамон тил масаласи эди. Чунки, маҳаллий миллат вакиллари дунёқарашининг ўзгаришида миллатларнинг давлат тилларига эгаликлари муҳим ўрин тутарди. Лекин Эшонхўжаевнинг "Известия" газетасида босилган "Турк тили - давлат тили" номли мақоласида шўро ҳокимиятининг дастлабки тўрт йили ичида бу масаланинг қандай амалга оширилганлиги кўрсатилади. Туркистонда шўро ҳокимияти - миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш шиорини амалда бажариш йўлида 1918 йилданоқ турк тилини давлат тили эканлиги ҳақида декрет чиқарди, - дейди муаллиф. Лекин, амалда мана шу 4 йил ичида маҳаллий аҳоли тилини давлат тили деб эътироф этишгача ҳолатнинг ёмон қиёфасини кўрсатмоқда. ...Ҳамма давлат муассасаларида, - деб ёзади муаллиф, - ишлар имкониятга қараб турк тилига ўтказилиши зарур ва маҳаллий миллат вакили хоҳлаган давлат муассасасига мурожаат қилганда, унга тушунарли тилда тушунишларига ва жавоб беришларига ишонч ҳосил қилсин[2]. Лекин энг ачинарлиси шундаки, Туркистон республикасида миллий муносабатлар масаласи билан шуғулланувчи ягона Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ўзининг ҳужжат ишларини фақатгина 1922 йил I июлдан Туркистонда яшовчи маҳаллий миллат вакиллари тилига

I. Рахманов Н. Осуществление ленинской национальной политики в Средней Азии. Ташкент, "Фан", 1973, С. 119-120.

2. "Известия" ТуркЦИКа № 34 12 февраля 1922 г.

утказди. Албатта, Халқ комиссари қурби таъкидлаганидек: бу тадбирни амалга ошириш йўлида кичкинагина тўсиқ бор эди, у мусулмон ходимларни тайёрлашдаги етишмовчилик эди[I]. Аммо, ҳужжатларни маҳаллий халқ тилига утказиш жойларда олдинроқ бошланган эди. Масалан, комиссарликнинг I922 йил I5 апрель - I5 маига Туркман вилояти бўйича берган 5- маълумотномасида шундай дейилади: Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги бу масалани жойлардаги ишларни кўтариш ва бу билан барча жабҳаларда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий масалаларда ҳал этиш имкониятини бериши учун муҳокама қилди[2]. Бунинг учун маҳаллий миллат вакилларини тайёрлашга қисқа муддатли курслар очиш керак. Бу тадбирни амалга ошириш техник томондан, айниқса молиявий томондан анча қийин эди.

Лекин, афсус, Эшонхўжаевнинг ана шу фикрларини ҳозирги икки йил давомида биз ҳам такрорлаяпмиз. Чунки, Ўзбекистонда давлат тили деб - ўзбек тили қабул қилинганига қарамай, қонун ниҳоятда секинлик билан амалга оширилмоқда.

Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг фаолияти тараққиётнинг турли жабҳаларини ҳал қилишни ўз ичига оларди. Шулардан бири ёш авлодни ҳам етук, ҳам баркамол бўлиб етишишига бўлган эътибори эди. Жумлядан, комиссарликнинг I922 йил I4 майдаги коллегия мажлисида "Кўмак" тўгарагининг устави муҳокама қилинди[3]. Бу тўгаракнинг асосий вазифаси шундаки, хоҳловчи ўзбек ўқувчиларни ўқишни давом эттириш учун РСФСРдан ташқарига жўнатиш билан шугулланади. Бу маҳаллий миллат вакилларига нисбатан жуда катта ёрдам эди. Туркистон ўлкаси учун чет эл тажрибасини ўрганган мана шундай ёш маҳаллий миллат вакиллари керак

I. "Жизнь национальностей". № I5(I50) I7 июля I922 г.
2. ЎзР МДА 36 ф., I- рўйх. 203 ҳужж. 54 б.
3. Ўша жойда, 42 ҳужж. 57 б.

эди.

Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ўз фаолиятида маҳаллий миллат вакилларини Қизил Армия сафларига жалб қилиш масаласи билан шуғулланганлиги ҳақида юқорида тўхталган эдик. Чет эл ҳуружи ва фуқаролар уруши даврида Қизил Армия сафларига оммани сафарбар қилиш шошилинч суратда олиб борилган эди. Қизил Армиянинг асосий қисми рус миллатига мансуб шахслардан иборат эди. Эндиги асосий муаммо маҳаллий миллат вакилларидан Қизил Армия қисмларини тузишдан иборат эди. Қизил Армия руслардан иборатлигига Фарғона вилоят ҳарбий комиссари вилоят инқилобий комитети вилоят партия комитети ва бўлимлар мудирларининг 1920 йил 25 майда бўлиб ўтган қўшма мажлисида ҳаққоний баҳо берган эди: Рус қўшинлари маҳаллий аҳолининг ҳеч қачон кўпгина сабабларга кўра ишончини қозона олмайди: бунда айб бизники ва оммаининг коронғулигидадир, яъни омма кўп вақт мустамлака зулми остида бўлган, дейди[1]. Бундан ташқари шу масалани комиссарлик ўзининг мажлисида ҳам кўриб чиққан. Унинг 1922 йил 19 апрелда бўлиб ўтган коллегия мажлиси маҳаллий миллат вакилларини Қизил Армия сафларига жалб қилишни кечиктириб бўлмайдиган зарурат эканлигини қайд этди. Бунинг учун комиссарлик ТуркМИКка ана шу масалада декрет чиқариш кераклигини кўрсатиб мурожаат қилди[2]. Шундай қилиб комиссарлик ўлкада маҳаллий миллат вакилларидан иборат Қизил Армия қисмлари тузиш учун ҳаракатни бошлаб берди.

Комиссарлик амалда мавжуд бўлган темир йўл қоидалари матнини, чипталарини турк тилида нашр этиш, турк ёзувига эга янги

---

1. ЎзР МДА 25 ф., 1-рўйх. 315 ҳужж. 28-29 б. ёки Великая Октябрская социалистическая революция и гражданская война в Киргизии. 1917-1920 гг. Фрунзе. Киргосиздат, 1957, С. 311.
2. ЎзР МДА 36 ф., 1- рўйх. 44 ҳужж. 20 б.

пул бирликлари чиқаришни зарур деб топди[1]. Шу мақсадда ТуркМИКка, алоқа йўллари округига, РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигига мурожаат қилинди. Лекин, 1922 йил 11 январдаги ТуркМИКнинг Туркистон комиссарлигига юборган жавобида қайд этилишича, мусулмон тилида бундай нарсалар йўқ экан[2]. Аммо Туркистон ўлкасидаги маҳаллий мусулмон аҳолиси эҳтиёжларига хизмат қилиш учун Туркистон ХКК почта ва телеграф халқ комиссарлигига 1921 йил 27 февралдаги № 42 қарори билан Эски Тошкент ва Самарқанд (Эски шаҳар) ўртасида ҳар қандай почта йўлланмаларини турк тилида ташкил этиш топширилган[3]. Афсуски, бу фақат кичик ҳажмдаги ҳаракатнинг намунаси холос эди.

Комиссарлик ўзининг иккинчи даври фаолиятида анча фаол ҳаракат қилди. Бу вақтга келиб, комиссарлик ўз олдига қўйган Туркистон Шўро республикасини мустаҳкамлаш йўлидаги, ўлкадаги турли миллатларни янги жамият қурилиш томон жалб қилиш йўлидаги вазифасини асосан тугаллади. Шуни айтиш керакки, комиссарлик ўзининг фаолиятини ўзи тўхтатиш ҳақида 1922 йил 29 апрелдаги коллегия мажлисига киритганлиги кишини ажаблантиради. Коллегия аъзоси Богод Мк Ижроия бюросининг тахминлари тўғрисида ахборот берди. Натижада коллегия мажлиси шундай қарор қабул қилди: Туркистон республикаси аҳолиси миллий ҳаёти соҳасида тадбирларни ўтказишда Миллатлар ишлари комиссарлиги қийинчилик ва тўсиқларга дуч келаётганлигини ҳисобга олиб, Миллатлар ишлари комиссарлигини тугатиш орқали уни қайта ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаиди[4].

---

1. ЎзР МДА 25 ф., 1- рўиҳ. 69 ҳужж. 2 б.
2. Ўша жойда, 17 ф., 1-рўйх. 1079 ҳужж. 19 б.
3. "Известия" ТуркЦИКа 12 марта 1921 г. № 55.
4. ЎзР МДА 36 ф., 1- рўйҳ. 98 ҳужж. 15 б.

Бу ерда комиссарликдаги мавжуд миллий бўлимларни ТуркМИКка бевосита кириши қабул қилинган қарорларни бажаришига яхши имкон беради, деб ҳисобланади.

Комиссарлик коллегиясининг бу қарори ўлкада миллий масалани тўла ҳал этмай, ўзини четга олишни билдирар эди. Лекин, комиссарлик гарчи қийин бўлса ҳам, ўлкадаги маҳаллий миллат вакилларидан раҳбар кадрлар етишмаса ҳам миллатлар тақдири учун астойдил курашчи бўла олар эди. Шундай бўлса ҳам Туркистон ўлкасининг фақат ички ҳаёт учун эмас, балки ташқи ҳаётда ҳам бошқа миллий республикалар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари ўсди ва мустаҳкамланди.

Шу сабаблар асосида Туркистон МСР Миллатлар ишлари Халқ комиссарлигининг фаолият кўрсатишига ҳожат қолмади. Шу сабабли комиссарлик ўзининг 1922 йил I4 июль қарорида: ТуркМИК Президиумининг 4 июлдаги I02 қарори билан ўлка Халқ комиссарлиги сифатида тарқатилган деб ҳисоблансин, деган қарор қабул қилди[I].

Комиссарлик фаолияти тўхтатилишининг объектив сабаблари ҳам бор эди. Туркистон ўлкасидаги миллий масала шунчалик чалкаш эдики, жойлардаги маҳаллий халқ оммаси уни тўлиқ тушуниб етмади. Бунинг учун комиссарлик ўша ҳудудлардаги органларда иш юритишни кўпчилик аҳоли маҳаллий тилига ўтказишга ҳаракат қилди. Лекин у ерларда зарур воситалар мутлақо йўқлиги учун бу масалани ҳал этиш ниҳоятда мушкул эди.

Марказда И.В.Сталин бошчилик қилган РСФСР Миллатлар ишлари Халқ комиссарлиги фаолияти большевиклар миллий сиёсатини амалга оширишда таянч бўлди. Лекин, қайсики ўз халқлари тақдири учун курашаётган Украина ва Белоруссияда нафақат бу комиссарликнинг,

---

I. ЎзР МДА 36 ф., I- рўйҳ. I08 ҳужж. 59-орқ.л.

балки умуман марказнинг қарорлари тан олинмас эди. Фуқаролар урушининг қийин шароити туфайли марказдаги комиссарлик кўп миллатли давлатни зўрлаб қурилишига асос солди. Душманлардан озод бўлган мамлакатда "кўнгилли асосда эркин ва тенг ҳуқуқли халқлар бирлашуви - Шўро Социалистик Республикалар Иттифоқи тузилди"[I]. Бу ҳаётий зарур нарса деб саналган тарихий воқелик амалда ўзини оқламади. Чунки, ёш Шўро ҳокимиятини чет эл ҳужумларидан сақлаш, халқмизни асрий мустамлакачилик зулмидан халос қилиш зарур бўлган шароитда юзага келган "Иттифоқ" тинч шароитга келганда ўзининг ноўрлигини билдирди. Нима бўлса ҳам марказдаги органлар мустақиллик сари ҳаракатни бўғиб ташлашга уринмоқда эди. Партия X съезди қарорларида: "... капиталистик давлатлар Шўро жумҳуриятларининг яшашига хавф солиб турганлигидан, айрим шўро жумҳуриятлари якка-якка яшаганда муҳим ва мустаҳкам бўлмайди..."[2] деган ҳулоса чиқарилди. Бу қарорнинг бажарилиш якуни I922 йил декабрдаги СССР тузилиши бўлди.

РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигини тугатиш учун ҳаракат борарди. Халқ комиссари И.В.Сталин партия XII съездининг миллий масала бўйича секция мажлисида (I923 йил 25 апрель) комиссарлик ҳеч қандай иш қилмаётганлиги ва ишларни тўхтатаётганлигини таъкидлади. У ҳатто: "Мен икки йил Миллатлар ишлари халқ комиссарлигини тугатиш учун курашдим ва рад жавоби олдим", - дейди[3]. Бунда у МИКда икки палата тузиш учун ҳаракат бошлаганлигини назарда тутган эди.

I922 йил декабрда СССР тузилгандан кейин РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигининг фаолият кўрсатиши учун зарурат қол-

---

I. КПСС резолюцияларда... 258 б.
2. Ўша ерда.
3. Известия ЦК КПСС, № 4, I99I, С. I70.

мади, 1923 йил июлда ўнинчи чақириқ ВМИК иккинчи сессияси ўзининг қарорида миллий республикалар ва вилоятлар ташкил этиш ишилари, шунингдек, ягона иттифоқ давлатларини бирлаштиришдаги хизматларини таъкидлаб, уни тугатилганлигини эътироф этди[1]. Шундай қилиб аввал Туркистондаги, кейин эса марказдаги бу орган фаолияти тўхтатилди.

Туркистонда маъмурий-партиявий орган жорий этилиши билан марказнинг таъсири янада кучая бошлади. Шу мақсадда РКП(б) Ўрта Осиё бюроси ташкил этилди. Бу бюро РКП(б) МКнинг ўлкадаги ишончли органи эдики, уни фақат рус миллатига мансуб шахслар бошқарар эди.

РКП(б) МК ва РСФСР ХККининг чекка ўлкаларни тобеликда ушлаб туриш сиёсатига қарши чиқишлар кўп бўлди, лекин уларнинг фикрлари инобатга олинмади. Масалан, партия XII съездида Грузия ХКС раиси Ф.Махарадзе шундай деган эди: "Бу ерда мустақил, эркин шўро республикалари ҳақида гапиришаяпти... бу қанақа мустақиллик, қанақа эркинлик эканини ҳамма билади. Ахир бизда ягона партия, ягона марказий орган, ниҳоят у ҳамма республикалар учун... ҳамма нарсани ҳал қилади, умумий кўрсатмаларни ҳам, масъул раҳбарларни тайинлашни ҳам..."[2].

Шундай бўлса ҳам Ўрта Осиёда талайгина ишлар амалга оширилган эди. Жумладан, биз юқорида иш ҳужжатларини маҳаллий миллат тилига ўтказиш борасида маълум ишлар бошланганлигини таъкидлаган дик. Бу ўша вақтда партия, шўро ва хўжалик органларини мустаҳамлашда муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга шаҳар ва қишлоқ аҳоли-

---

. Песикина Е.И. Народный комиссариат по делам национальностей и его деятельность в 1917-1918 г. С. 153.

. XII съезд РКП(б). Стенографический отчет. М., 1923. С. 472.

сининг сиёсий активлиги ўсди. Бу айниқса, маҳаллий ва марказий органларда уларнинг қатнашуви орқали кўринди. Масалан, 1922 йил декабрь ойида бўлиб ўтган Туркистон МСР Шўроларининг XI съездидаги 291 делегатдан 179 таси маҳаллий миллат вакиллари, 62 та руслар, 50 та бошқа миллат вакиллари эди[1]. Лекин ишлар ва миллий масалалар рақамлар орқалигина ечилмаслигини ҳамма билади.

Афсуски, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, партия, давлат арбобларининг нафақат хатолари билан, балки жинояткорона хатти-ҳаракатлари билан кейинги йилларда миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принциплари поймол қилинди. Айниқса, индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини қайта қуриш, маданий инқилобни амалга ошириш жараёнида жумҳуриятларнинг, вилоятларнинг марказ таъсири билан у ерга бўйсуниши тобора ошиб борди. Ваҳоланки, партия XП съездидан кейин кўп миллатли шўро давлатида миллий муносабатлар масаласига бағишланган махсус на партия съезди, на партия МК Пленуми (1989 йил сентябрь Пленуми бундан мустасно) бўлди. Фақатгина, партия МКининг миллий жумҳуриятлар ва вилоятлар масъул ходимлари билан миллий масала бўйича охирги Кенгаш 1923 йил июнда бўлган эди.

Шундай қилиб, Туркистон ўлкасида ўта қийин шароитда иш олиб борган Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги баъзи хатоликларга йўл қўйиб фаолият кўрсатган бўлса ҳам, барибир ҳали ўлкадаги миллий тараққиёт учун зарур эди. Ҳозирги кунимизда миллатлараро муносабатлар кескинлашган бир вақтда миллатлар ишлари халқ комиссарлиги тўплаган тажрибадан фойдаланиш ўринли бўлур эди. 90- йилларнинг бошларида республикада тузилган ва фаолият кўрсатаётган

---

1. Уразаев Ш.З. В.И.Ленин и строительство советской государственности в Туркестане. Ташкент, Фан, 1967, С.350.

оз сонли халқлар миллий маданий марказлари бу соҳадаги бўшлиқнинг ўрнини тўлдириб, халқларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга, тили, урф-одатлари ривожланишига хизмат қилмоқда.

Х У Л О С А

Шундай қилиб, Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолиятини кучимиз етганича таҳлил этган ҳолда Туркистон тарихида 20-30- йиллар алоҳида бир даврни, бу давр мураккаб бўлиб, ўтган воқеа ва ҳодисаларни холисона баҳолаш, ҳақиқатни қарор топтириш, илмий муаммоларни ҳал этиш, ҳар бир халқ тарихини ижтимоий тараққиёт қонунларини билиш асосида ҳар томонлама таҳлил этиб тадқиқот ишларини олиб бориш тақозо этилишига ишонч ҳосил қилдик. Айнан миллий масала билан шуғулланган Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фаолияти тўлиқ ўрганилмаган деган хулосага келдик. Биз тадқиқот ишимизда унинг сабабларини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Демак, Туркистонга марказдан сунъий равишда олиб келинган Октябрь инқилоби туфайли ўлка халқлари мустақиллик учун кураш бошладилар. Лекин, Ўрта Осиё халқлари асосий қисми эътиқоди ислом дини эди. Шариатда мусулмонлар тубандаги уч нарсадан сақланишга буюрилган эди. Булар: ожизлик, қўрқоқлик, дангасалик эди. Аммо, партиявий буйруқбозлик принципига асосланган раҳбарият халқ оммасининг бундай қарашлари рўёбга чиқишига доимо қарши курашиб келди. Ҳаттоки, инқилобдан кейинок ташкил топган Қўқон исломлаштирилган мухториятини уч кун ичида Қизил қўшинлар билан ваҳшийларча таладилар. Бу воқеаларни ўз кўзлари билан кўрган халқ оммасининг Шўро ҳукуматига ишончи сўна бошлаши уни ўз тақдири учун қўлга қурол олиб курашга чорлади. Шу кунгача тарихда "босмачилик" ҳаракати деб келинган миллий озодлик ҳаракати бошланди. Бундай шароитда эса ўлкада кўп миллат истиқомат қилиши ҳисобга олиниб Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги ташкил топди ва фаолият кўрсатди. Демак, бу комиссарлик фаолиятини тадқиқ этиб, муаллиф

қуйидаги хулосаларга келди:

- Ўрта Осиёда инқилобдан кейин Шўро ҳукумати сиёсатидан норози бўлган халқ оммасининг миллий-озодлик ҳаракати бошланди. Бунга сабаб, бизнингча:

1. Аҳолининг ижтимоий соҳадаги қийин аҳволи;

2. Ўлка халқлари ўртасидаги иқтисодий тақсимот нотўғри олиб борилаётганлиги.

3. Ўрта Осиё халқлари маҳаллий миллатларининг эътиқоди бўлган динни поймол этилиши.

4. Ҳудуддаги миллатлар ўртасида тенгсизликни мавжудлиги.

5. Ўрта Осиё халқлари маҳаллий халқ оммасининг алоқа, муомала воситаси бўлган она тилисидан мажбуран воз кечтирилганлиги эди.

Юқоридаги сабаблар ўз-ўзидан ўлкадаги миллий масалани кескинлаштириб юборди. Шунинг учун Туркистон МСЖ Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги тузилишини ҳаёт тақозо эта бошлади.

- Марказнинг, Туркистон МСР Шўролар ҳукуматининг етарли амалий ёрдам бермаганлиги комиссарлик иш фаолиятини янада қийинлаштирди. Шунингдек, унинг амалга ошириши зарур бўлган тадбирлари иқтисодий соҳада Шўролар ҳукумати томонидан етарли даражада қўллаб қувватланмади. Бу эса табиий равишда комиссарлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатди.

- Маъмурий-партиявий буйруқбозлик системаси таъсири остида бўлган комиссарликнинг сафларида буюк давлатчи шовинистлар бўлганлиги ҳам унинг фаолиятини тўхтатишга олиб келди.

- Гарчи қийин, мураккаб шароит бўлса ҳам Туркистон халқлари ичидан миллатлар тақдири учун курашувчи кадрлар етишиб чиқди. Лекин, улар озчилик бўлганлиги учун Марказ органларининг

йўл-йўриқларига бўйсунишга мажбур қилинди. Айримлари эса, умуман хорижга бадарға қилинди. Бу билан халқларимизнинг асрий орзу-умидларига бўлган ишончлари сўндирилди.

- Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда йўл қўйилган "фожиали" хатолардан бири минг йилликлар давомида Туркистон халқлари ўртасида фойдаланиб келинган эски ўзбек ёзувидан воз кечилганлиги бўлди. Ҳолбуки, янги алфавитга ўтиш орқали маҳаллий миллатлар миллий қадриятлари оёқ ости қилинди. Лекин, шуни таъкидлаш лозимки, гарчи махаллий миллат она тилисида шўро, хўжалик органлари иш олиб бориши ҳақида қарор бўлса ҳам, янги алфавитга ўтишнинг ташкил этишни бошқариш ишини кўп ҳолларда маҳаллий бўлмаган миллат вакиллари амалга оширганлар. Шунинг оқибатида тарихимиздан муносиб ўрин олган Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Ал-Фарғоний, Беруний, ИбнСино, Улуғбек, Бобур, Мир Алишерларнинг араб имлосида битилган дурдона асарларини ҳозирги ёш авлод ўқиёлмай, "мажруҳлик" ҳолатига тушган.

- Партия X съезди қарорларини бажариш деган аснода илгари фаолият кўрсатган Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги қайта тикланди. Бу олдингисига нисбатан мураккаброқ тузилган эди. Чунки, комиссарлик биринчи даври фаолиятида Ўрта Осиёнинг ўзига хос шароитига асосан иш юритганлиги партия, шўро органларини анча чўчитиб қўйган эди.

- 20-30- йиллардаги жамиятда рўй берган бир қанча нохуш ҳолатлар, маъмурий буйруқбозлик системасининг вужудга келиши, партия якка ҳокимлиги даврига ўтилиши оқибатида тарих саҳифасидан қорага бўялиб чиқариб юборилган ташкилотлар, ҳаракатлар ишларига, шахслар фаолиятига адолатли баҳо бериш вақти келди. Масалан, 1917 йил сентябрда ўлкада ташкил топган янги сиёсий пар-

тия "Турк одамлари марказиёти (федерацияси) фирқаси" қабул қилган Дастур ва Уставида Туркистон, Қозоғистон ва Бошқирдистон учун миллий-ҳудудий мухторият берилишини талаб қилган. Демак, Туркистон МСРнинг ташкил топишига марказ органлари ўз-ўзидан йўл қўйиб бермаган.

- Марказда 1917-1923 йиллар давомида фаолият кўрсатган РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги Туркистондаги комиссарликка амалда ҳеч қандай ёрдам бермади.

- Туркистон ўлкасида маҳаллий миллат вакилларидан чиққан кадрларнинг етишмаслиги, бу ишга ҳаракат бошлаган Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигига имконият берилмаганлиги Ўрта Осиё халқларини 70 йилдан ортиқ вақт ичида эзилиб келишига олиб келди.

- Ўрта Осиёда шошма-шошарлик оқибатида ўтказилган миллий-давлат чегараланишининг оқибатлари туфайли миллартлараро муносабатлар низолари келиб чиқди.

Демак, Ўрта Осиёдаги мураккаб ҳаёт тарзининг мавжудлиги сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги ечилиши зарур бўлган вазифаларни қийинлаштириб юборди. Шунингдек, Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги таркибида маҳаллий миллат вакилларининг турмуш тарзини билмайдиган шахсларнинг фаолият кўрсатиши унинг ишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмас эди. Чунончи, комиссарлик фондида сақланаётган ҳужжатларни таҳлил этганда айрим ҳужжатлардан истисно деярли барчаси фақат рус тилида эканлигини увоҳи бўлдик. Ваҳоланки, комиссарлик фаолиятининг дастлабки аврида коллегия мажлисини икки тилда олиб бориш ҳақида қарор абул қилинган эди. Афсус, ҳамма хатолик юқоридан эканлигига шонч ҳосил қилдик.

Шундай қилиб биз, энди ўша даврдаги воқеалар жараёнини ўзгартира олмаймиз, халқлар тақдири учун, мустақиллик учун курашиб курбон бўлганларни қайтара олмаймиз. Лекин, биз шу кунгача тарихда "оқ доғлар" деб келинган воқеа-ҳодисалар, шахслар фаолиятини давр руҳида ўргана оламиз. Уларнинг маънавий ва руҳий меросини ўрганиш орқали мустақиллик сари қадам қўйган Ўрта Осиё давлатлари тарихига адолатли саҳифалар кирита оламиз. Бундай шахслар қаторига Т.Рисқулов, Г.Сафаров, А.Раҳимбоев, Н.Хўжаев, Чулпон, Мустафо Чўқай ўғли ва бошқаларнинг номларини киритишимиз мумкин. Шундайлардан яна бири, марказда Туркистон халқлари тақдири учун курашган М.Х.Султон-Галиевнинг ҳаракатини бир томонини кўрайлик. Бу тарихдаги "оқ доғ" дейилган "Султон-Галиев аксилинқилобий ташкилот" фаолияти билан боғлиқ эди. Афсус, унинг раҳбари 1930 йил 8 июль қарори билан олий жазога ҳукм этилган. Фақатгина, 1990 йил 29 майда оқланди. У РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси бўлиб РКП(б) XII съездида делегат сифатида "Сталин томонидан таклиф қилинган масаланинг қўйилиши миллий масалани ҳал этмайди"[1] деб таъкидлаган. Унинг бундай қатъият билан сўзлаши албатта "халқлар отасини" ғазабини уйғотади. Съезддан кейин 10 кун ўтибоқ, у қамоққа олинади. 19 майда у И.В.Сталин, Л.Д.Троцкий ва РКП(б) МКК аъзоларига хат билан мурожаат қилади. Унинг "оддий давлат асослари" билан Туркистон федерацияси тузиш ғоясида регионда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда маҳаллий миллат меҳнаткашларини жалб қилиш асос бўлади. Бунинг оқибатида турклар ҳудуди бўлмиш: Қирғизистон, Қашқар, Хива, Бухоро, Афғонистон ва Форсиянинг турк қисмларини бирлаштириб Туронни ташкил қилиш имкони туғилади[2]. Лекин,

---

1. Қаранг: "Известия ЦК КПСС", № 4, 1991 г. С.161.
2. Ўша газета, № 10, 1990 г. С.79.

унинг фикрларидан биронтаси инобатга олинмайди. Чунки, уни партия ва Шўро ҳукуматига қарши иш юритувчи сифатида қоралашган эди. Демак, тарихимизда шу кунгача "оқ доғ" сифатида қаралиб келинган мана шундай воқеаларни адолатли кўриб чиқишимиз, ҲАҚИҚАТ ва ЁЛҒОНни жой-жойига қўйишимиз керак.

Халлас, Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги марказ тасарруфида фаолият кўрсатган бўлса ҳам, ўлкада яшовчи турли хил миллатлар ҳаёти, турмуши, эътиқодини ҳимоя қилди. Бу эса комиссарлик фаолиятидаги байналмилаллик хусусиятларини намоён қилди.

Шундай қилиб, ушбу мавзуни таҳлил этиб, ўрганиб, муаллиф томонидан қуйидаги таклифлар юзага келди:

1. Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги фондидаги ҳужжатларни тартибга солиш зарур. Чунки, унинг ҳужжатларидан баъзилари (масалан, 34 фонддаги 325-328, 334-337, 346 ҳужжатлар) нотўғри равишда бошқа фондга киритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик комитети ва собиқ партия архивида мавжуд бўлган сирли ҳужжатларни ўрганиш учун чиқариш вақти келди.

2. Инқилобдан кейинги даврда фаолият кўрсатган, лекин, тарихимиз саҳифаларидан мажбуран ўчирилиб юборилган шахсларнинг қўлёзма асарлари, ҳужжатлари ҳамон қариндошлари қўлида сақланмоқда. Булардан фойдаланишни кенг йўлга, ёхуд аниқ системага солиш лозим.

3. Ўрта Осиё давлатлари етакчи тарихчи мутахассислари иштирокида "Туркистонда миллий масала муаммолари: ҳақиқат ва уйдирма" деган номда халқаро илмий амалий конференция ўтказилса, унинг илмий материалари махсус китоб қилиб чиқарилса, мақсадга

мувофиқ бўлур эди. Чунки, ҳозирги кундаги республикамизда юзага келган турли миллий ташкилотлар ва марказларнинг амалий фаолиятини ташкил этишда 20-йиллардаги Туркистон МСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги қошида, сўнгра вилоят, уезд, шаҳар, ноҳиялар Шўролари ҳукуматидаги миллий бўлимлар иш тажрибасини ўрганиш, улар йўл қўйган хатоларни бугунги кунда такрорламаслик учун бизга сабоқ тарзида жуда муҳим қўлланма бўлур эди.

4. 80-йилларда юзага келган аввалги СССР ўрнидаги давлатлараро миллий муаммоларни оқилона, одилона, инсон ҳуқукларини поймол этмай, уни ҳимоя этиш нуқтаи назаридан тўғри ҳал ўетиш ишларини бошқариш учун ҳар бир республикада миллий ишларни бошқариш идорасини, унинг бўлимларини эса вилоятлар, шаҳарлар ва ноҳиялар ҳокимликларида тузиш иши мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаймиз.

5. Комиссарлик фаолиятида, унинг жойлардаги бўлимлари ишида фаол бўлган, лекин қатағонга учраган шахсларнинг номларини абадийлаштириш лозим эканлигини таъкидлаймиз. Масалан, Фарғона вилоят миллатлар ишлари комиссари бўлиб ишлаган Ҳ.Ҳусанбаев ва бошқа шунга ўхшаш шахслар.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот ишимиз тарихимиздаги парда ортида мавжуд бўлган ҳақиқатни юзага чиқарди деб ҳисоблаб, уни мустақил Ўзбекистон солномасининг дастлабки вақтидаги ҳаракати эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР, МАТБУОТ ВА АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ

I. Адабиётлар.

I. Абдуразаков С.К. Административно-территориальное устройство Узбекской ССР. Ташкент, "Узбекистон", I987, I04 с.

2. Алескеров Ю.Н. Интервенция и гражданская война в Средней Азии. Ташкент. Госиздат УзССР, I959, 234 с.

3. Аминов Х.А. Из истории борьбы за осуществление ленинской национальной политики в Туркестане (ноябрь I9I7 - июнь I9I8 г.). Труды УзГУ, Самарканд, I958, вып. 83. с. I83-I98.

4. Березкин В. К I0- летию I-го съезда Красной гвардии и Красной Армии Туркестана. "Революция в Средней Азии". Сб.2. Ташкент, I929.

5. Биккулова З. Руководство Коммунистической партии Туркестана работой женотделов (I9I7-I924 гг.) Труды ТашГУ им. В.И.Ленина. вып. 3I2.

6. Вахабов М. Формирование узбекской социалистической нации. Ташкент. Госиздат УзССР, I96I. 588 с.

7. Вахитов М. Избранное: Статьи, речи, письма, документы. Казан, Таткнигоиздат, I967, I22 с.

8. Великая Октябрская социалистическая революция и гражданская война в Киргизии (I9I7-I920 гг.). Документы и материалы Фрунзе, Киргизгосиздат, I957, 428 с.

9. Воскобойников Э., Зевелев А. Туркомиссия ВЦИК и Совнаркома РСФСР и Туркбюро ЦК РКП(б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. Ташкент, Госиздат УзССР, I95I.

I0. Гафурова К.А. Борьба за интернациональное сплочение трудящихся Средней Азии и Казахстана в первые годы Советской

власти (I9I7-I924 гг.). М., "Наука", I972, 30I с.

II. Гордиенко А.А. Образование Туркестанской АССР. М., "Юрдическая лит." I968. 3I5 с.

I2. Он же. Создание советской национальной государственности в Средней Азии. М., Госюриздат, I959, 248 с.

I3. Гуманенко А. Октябрь в старом городе Самарканда (Исторический очерк). Ташкент. Госиздат, I933. 46 с.

I4. Дашхлейгер Г.В. Историография Советского Казахстана (очерк). Алма-Ата. изд. "Наука". Казахской ССР, I969.

I5. Дегтяренко Н.Д. Развитие советской государственности в Таджикистане. М., Госюриздат. I960, I65 с.

I6. Желтова Г.И. Осуществление ленинской национальной политики в Туркестанской АССР (I92I-I924 гг.) Ташкент, Фан, I964.

I7. Она же. Национальнне моменти в партийном и государственном строительстве Туркестанской АССР (I92I-I924 гг.). ТГПИ им. Низами. Учение записки. Том 49. Ташкент, I964.

I8. Из дневника Куропаткина Н.А. "Красний архив". т.I9.I927.

I9. Из истории борьбн за освобождение Востока (Восстание киргиз Туркестана против царизма в I9I6 г.) "Новий Восток", I924. кн.6.

20. Иномжонов З. Туркистон АССРнинг тузилиши ва ривожланиши. "Қизил Ўзб.", "Правда Востока", "Ўзбекистон Сурх." бирл. нашр. Тошкент, I957, 56 б.

2I. Иноятов Х.Ш. Борьба большевиков за победу Советской власти в Туркестане. Ташкент, Объедин. изд."Кнзл Узб", "Правда зост.", "Узб.сурх". I957, 68 с.

22. Онже. Ўзбекистонда Октябрь революциясининг галабаси. Тошкент, "Ўзбекистон", I986, I39 б.

23. Он же. Победа Советской власти в Узбекистане. Т.,I967,248с.

24. Он же. Ленинская национальная политика в действии. Ташкент, "Ўзбекистон", I978, 440 с.

25. История Узбекской ССР. т.I.кн.2. Ташкент, Изд.Ан УзССР, I956.

26. История Коммунистических организации Средней Азии. Ташкент. "Узбекистан", I967, 783 с.

27. Ишанов А.И. Укрепление Советского государства в Узбекистане период восстановления народного хозяйства (I922-I924 гг.). Учение записки юрфака САГУ, вып.III. Ташкент, Госиздат,УзССР. I957.

28. Он же. Роль Компартии и Советского правительства в создании государственности узбекского народа. Ташкент. "Узбекистан", I978. 272 с.

29. Он же. Создание Бухарской Народной Советской республики (I920-I924 гг.). Ташкент. Изд. АН УзССР, I955. I80 с.

30. История СССР. т.Ш. М., "Наука", I968.

3I. Карв-Ниязов Т.Н. Социалистическая культ ура узбекского народа. Ташкент, Госиздат УзССР, I949, 78 с.

32. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули. Тошкент, "Ўзбекистон", I992.

33. Каримов Ш. Қафасдаги қуш орзуси. Тошкент, "Фан", I99I.

34. Коканбаев А. Борьон с басмачеством и упрочение Советской власти в Фергане. Ташкент. Госиздат УзССР, I958, II6 с.

35. Кулиев К.М. Национальная политика Коммунистической партии в годи гражданской войни и иностранной интервенции. Трудн ист.ист. арх. и этногр. Ашхабад. Изд. АН ТССР, I956.

36. Культура Туркменской ССР за 25 лет. Ашхабад, I950.

37. Ланда Л.М. Создание народного комиссариата по делам национальностей Туркестанской АССР и его деятельность в I9I8-I9I9гг.

В кн. Из истории Советского Узбекистана. Изд. АН УзССР, 1956.

38. Ленин В.И. Миллий масала юзасидан танқидий мулоҳазалар. ТАТ, 24 т.

39. Ленин В.И. "Ишчилар, аскарлар, деҳқонларга!".ТАТ,35 т.

40. Лунин Б.В. В.И.Ленин и народы Средней Азии. Ташкент, "Узбекистан", 1967, 247 с.

41. Манжара Д.И. Революционное движение в Средней Азии 1905-1920 гг. В кн. "Революция глазами современников". /Сборник статей и воспоминаний./ Ташкент, "Узбекистан",1991.

42. Масов Р. История топорного разделения. Душанбе,"Ирфон", 1991.

43. Матвеев А.М. Из истории иностранных интернационалистов в Средней Азии /1918-1920 гг./. Труды ТашГУ,Ташкент, 1960.

44. Мусаев М.М.,Урманова Р.К. Узбекистон ССР тарихи. Дарслик, "Ўзбекистон", 1986.

45. Мусбюро РКП/б/ в Туркестане. Туркгосиздат, 1920.

46. Непомнин В.Я. Исторический опыт строительства советской государственности в Узбекистане /1917-1937/.Ташкент,Госиздат УзССР, 1960, 379 с.

47. Нуруллин Р.А. Военно-политический союз народов страны в годы гражданской войны./Великая сила дружбы народов/. Сб.статей. Ташкент, 1973.

48. Очерки истории Коммунистических партий Туркестана, Бухары и Хорезма. Ташкент, Госиздат УзССР, 1959.

49. Песикина Е.И. Народный комиссариат по делам национальностей и его деятельность в 1917-1918 гг. М.,АОН при ЦК КПСС/б/, 1950.

50. Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. Ред. колл. Ташкент, "Фан", 1967, 771 с.

50. Пўлатов Х. Культурно-воспитательная деятельность Советского государства в Узбекистане (период борьбы за построение фундамента социализма). Ташкент, Госиздат УзССР, I959, I42 с.

5I. Ражабов С.А. В.И.Ленин и советская национальная государственность. Душанбе, "Ирфон", I970. 687 с.

52. Он же, Создание узбекского социалистического государства. Ташкент, Госиздат УзССР, I950.

53. Рахманов Н. Осуществление ленинской национальной политики в Средней Азии. Ташкент, "Фан", I973.

54. Рискулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Ташкент, Узгосиздат, I926, 2I6 с.

55. Садиков А.С. и др. Ташкентский Государственнй Университет им. В.И.Ленина. Ташкент, Госиздат УзССР, I96I. I09 с.

56. Саидкулов Т.С. Малоизученные источники по истории Коммунистической партии Туркестана. В сб. "Историография, источниковедение истории Компартии Туркестана. "Ташкент, "Узбекистан", I989.

57. Саидов П. Из истории деятельности Коммунистической партии по организацию и воспитанию трудяшихся масс местных национальностей Туркестяна в I9I8-I920 гг. Трудн СамГПИ им. С.Айнии. Самарканд, I969.

58. Сталин И.В. Октябрь тўнтариши ва миллий масала. Асарлар. 4 том. Тошкент, Ўздавнашр, I949.

59. Третий Всероссийский съезд Советов рабочих, Солдатских и Крестьянских Депутатов. Петербург. I9I8.

60. Турсунов Х.Т. Национальная политика Коммунистической партии в Туркестане. Ташкент. "Узбекистан", I97I. 367 с.

6I. Ўша муаллиф. Улуғ Октябрь ва Совет узбекистонида ленинча миллий сиёсат тантанаси. Тошкент, "Ўзбекистон", I977,32 б.

62. Уразаев Ш.З. Туркестанская АССР - первое социалистическое государство в Средней Азии. Москва,Госюриздат,1961, 179 с.

63. Он же. В.И.Ленин и строительство советской государственности в Туркестане. Ташкент, "Фан", 1967, 518 с.

64. Усманова Н.Х. Культурно-просветительная деятельность Народного комиссариата по делам национальностей Туркестанской АССР. Труды ТашГУ им. В.И.Ленина, вып.423, 1972.

65. Фозилхўжаев Қ. КПСС - халқлар дўстлиги байроқдори. Тошкент, ЎзКП МКнинг Бирл. нашр. 1967, 47 б.

66. Хакимов М.Х. Партия и советская национальная государственность /Руководство КПСС созданием и развитием советской государственности народов Средней Азии и Казахстана/.Ташкент, "Узбекистан", 1980.

67.Харин Б.П. К вопросу о первых аграрных мероприятиях Коммунистической партии Туркестана /ноябрь 1917-1918 гг./ Труды ТашГУ им.В.И.Ленина, История КПСС, вып.170.

68. Шамсутдинов Р.Т. Делега ы Туркестана на Всероссийских и Всесоюзных съездах Советов. Москва, /История СССР,№1,1987.

69. Эльбаум Б.Д. Проблема партийного руководства национально-государственным строительством в историографии Компартии Туркестана. В кн. "Историография, источниковедение истории Компартии Туркестана". Ташкент," Узбекистан", 1989.

II. Нашр этилган ҳужжатлар.

1. Бюллетень XII Всетуркестанского съезда Советов, №1, 1924.

2. Декреты Советской власти. том I.

3. Документы внешней политики СССР. ч.I. 1957.

4. X съезд РКП/б/. Март 1921 года. Стенографический отчет. Москва, Госполитиздат, 1963.

5. XП съезд РКП(б). Стенографический отчет. М., I923.

6. История советской Конституции в декретах и постановлениях Советского правительства I9I7-I936 гг. М., I936.

7. История советской Конституции в документах (I9I7-I956 гг.) М., Госюриздат, I957.

8. Материалы Всероссийской переписей I920 г. ч.I. вып. У. Поселенные итоги Самаркандской области. Ташкент, Изд.ЦСУ Туркреспублики. I924.

9. Материалы IX съезда Советов рабочих, дехканских, крестьянских, казачьих и красноармейских депутатов Туркестанской Социалистической республики. Ташкент, I920.

I0. Образование Татарской АССР. Сборник документов и материалов. Казань, I963.

II. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. т.2. Ташкент, I972.

I2. Политика Советской власти по национальным делам за три года I9I7-XI-I920. М., Госиздат. I920.

I3. КПСС резолюцияларда... Тошкент, "Узбекистан". I98I.

I4. Победа Октябрской революции в Узбекистане. Сборник документов. том.I. Ташкент. Изд. АН УзССР, I963.

I5. Резолюции и постановления съездов Коммунистической партии Туркестана (I9I8-I924 гг.). Ташкент, I958.

I6. Сборник важнейших документов, постановлений и распоряжений правительства ТАССР за I9I7-I922 гг. Изд. Комиссия СНК.

I7. СССРда гражданлар уруши тарихидан. Хужжатлар тўплами. 2 том, I96I.

I8. СУ (Собрание Узаконений и Распоряжений Рабочего и Крестьянского Правительства). № 6, I9I7 г.

19. Труды 3-го съезда Коммунистической партии Туркестанской республики РСФ. Ташкент, 1919.

20. СУ РСФСР, № 15, 1918 г.

21. Фрунзе М.В. На фронтах гражданской войны. Сб. док.

22. Третий Всероссийских съезд Советов Рабочих, Солдатских и Крестьянских Депутатов. Петербург. 1918.

III. Статистик маълумотлар

1. Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-октябрь 1921 г. Ташкент.

2. Справочник Народного комиссариата по делам национальностей. 1921.

3. Среднеазиатский экономический район. Ташкент, 1922.

4. Узбекистан за 15 лет. Статистический сборник. Ташкент, 1939.

5. Шесть лет национальной политики Советской власти и Наркомнац (1917-1923 гг.). (вместо отчета). М., 1924.

IУ. Архив ҳужжатлари.

1. УзР МДА ф.17. Туркестанский Испольнительнй комитет. "Секции Центрального комитета по национальным делам". оп.1. ед.хр.1060. л6-6об.

2. Шу фонд. Временное положение об областных и уездных комиссарах по национальным делам Туркестанской Автономной Республики. оп.1. ед.хр.1060. л.16-17.

3. Шу фонд. В Центральнй Испольнительнй Комитет Советов. оп.1. ед.хр.1060. л.57.

4. Шу фонд. Комиссару по национальным делам. Краевой Татарской отдел. оп.1.ед.хр.1070.л.47.

5. Шу фонд. Наркомнац. На № 70 от 9 января 1922 г.

оп.I. ед.хр.I079. л.I9.

6. Шу фонд. Статистический отдел при Наркомпросе.
оп.I. ед.хр.I079. л.45.

7. Шу фонд. Всем отделам народного образования Республики.
оп.I. ед.хр.I062, л.5.

8. Шу фонд. Всем отделам народного образования.
оп.I. ед.хр.I062. л.I9.

9. Шу фонд. Всем отделам народного образования.
оп.I. ед.хр.I062. л.2I.

I0. Шу фонд. Комиссару по национальным делам.
оп.I. ед.хр.I063. л.3.

II. Шу фонд. В Центральный Испольнительный Комитет Т.С.Р.
оп.I. ед.хр.I063.л.23.

I2. ф.25. Совнарком Туркреспублики.

В Совет Народних комиссаров Туркестанской Автономной Республики. оп.I. ед.хр.I2I. л.6.

I3. Шу фонд. Выписка из журнала Совета Комиссаров Туркестанской Республики. от 8-го ноября I9I8 г. за № 57.
оп.I. ед.хр.I22. л.9-об.

I4. Шу фонд. Выписка из журнала Совета Комиссаров Туркестанской Республики от 8-го ноября I9I8 г.
оп.I. ед.хр.I22. л.9-об.

I5. ф.Р-34 Наркомпрос Туркреспублики.
Протокол №2I, 22 марта I9I9 года заседания членов коллегии при комиссариате по национальным делам.
оп.I. ед.хр.325. Л.64.

I6. Протокол №28 от I6 апреля I9I9 года Заседание членов коллегии при комиссариате по Национальным делам.
оп.I. ед.хр.325. л. 9I.

17. Шу фонд. Народному комиссару по национальным делам Туркестанской Автономной Федеративной Республике. Доклад.
оп.I. ед.хр.338. л.23.

18. Шу фонд. В комиссариат по делам национальностей.
оп.I. ед.хр.338. л.286.

19. Шу фонд. Выписка из протокола № 2 заседания Голодностепского Уездного Мусулманского Бюро РКП 21 июня 1919 г.
оп.I. ед.хр. 338. л.287.

20. Шу фонд. Протокол № 4 Заседания коллегии при отдела по национальным делам Андижанского Исполкома... состоявшегося 4-го августа 1919 года.
оп.I. ед.хр.338. л.426.

21. Шу фонд. Выписка из доклада Голодностепского Уездного отдела по Национальным делам.
оп.I. ед.хр.338. л.514.

22. Шу фонд. В самаркандский областной Исполком.
оп.I. ед.хр.339. л.195.

23. Шу фонд. К протоколу № 5 25 октября 1918 года. Заседания редакционной коллегии.
оп.I. ед.хр.346. л.132.

24. ф.36. Народный комиссариат по делам национальностей Туркреспублики.

Москва. Кремль. Народному комиссару Сталину.
оп.I. ед.хр.4. л.4.

25. Шу фонд. В Совете Народных комиссаров Туркестанской Автономной республики.
оп.I. ед.хр.4. л.21-об.

26. Шу фонд. Голожение Краевом Комиссариате по национальным делам Туркестанской Республики.

оп.I. ед.хр.4. л.43-об.

27. Шу фонд. Положение о комиссариате по национальным делам Туркестанской республики Российской Советской Федерации.

оп.I. ед.хр. 4. л.74-74-об.

28. Шу фонд. Доклад.

оп.I. ед.хр.I0. л.2.

29. Шу фонд. Вниска из протокола заседания Крайбюро 3-го ноября I9I9 г.

оп.I. ед.хр.I5. л.75.

30. Шу фонд. Положение о Краевом Комиссариате по Национальным делам Туркестанской Республики.

оп.I. ед.хр.I5. л.42-43.

3I. Шу фонд. Комиссарь национальных дел.

оп.I. ед.хр.I5. л.80-80-об.

32. Шу фонд. Протокол № 2 Заседания коллегии нацией при Наркомнаце от 3 декабря I92I г.

33. Шу фонд. В Наркомпрос.

оп.I. ед.хр.40. л.30.

34. Шу фонд. Протокол№ 2I Заседания коллегии Наркомнаца от 8 февраля I922 г.

оп.I. од.хр. 42. л.6.

35. Шу фонд. Протокол № 22 Заседания коллегии Наркомнаца от II февраля I922 г.

оп. I. ед.хр. 42. л.7.

36. Шу фонд. Вниска из протокола №34 заседания коллегии Наркомнаца от I4 мая I922 г.

оп.I. ед.хр. 42. л.57.

37. Шу фонд. Протокол №29 Заседания коллегии Наркомнаца от I9 апреля I922 года.

оп.I. ед.хр. 44. л.20.

38. Шу фонд. Москва. Наркомнац. Трубниковой.

оп.I. ед.хр. 49. л.44.

39. Шу фонд. Выписка из протокола № 50 Заседания исполбюро Ц.К.К. П.Т. от I7-го сентября I92I г.

оп.I. ед.хр. 59. л.34.

40. Шу фонд. Постановление Центрального Исполнительного Комитета Советов Туркестанской республики. 2I сентября I92I г. № I05.

оп.I. ед.хр.63. л.5.

4I. Шу фонд. Протокол № 5. Заседания Туркменского отдела Наркомнаца от 29 декабря I92I г.

оп.I. ед.хр.66. л.II.

42. Шу фонд. В Ц.К.К. П.Т.

оп.I. ед.хр. 68. л.I6.

43. Шу фонд. Полтарацк. Туркобисполком.

оп.I. ед.хр.72. л.I3.

44. Шу фонд. Приказ №50 I4 июля I922 г. по наркомнацу.

оп.I. ед.хр. I08. л.59-об.

45. Шу фонд. Санитарное положение среди киргиз Туркестана.

оп.I. ед.хр. III. л.36-об.

46. Шу фонд. Протокол № I8. Заседания коллегии Наркомнаца от 9 I-I922 года.

оп.I. ед.хр.II3. л.4.

47. Шу фонд. Протокол № 22 Заседания коллегии Наркомнаца от II февраля I922 года.

оп.I. ед.хр. II3. л.I7.

48. Шу фонд. Мандат.

оп.I. ед.хр. I20. л.5.

49. Шу фонд. В Центральний испольнительний комитет Туркестанской Республики.

оп.I. ед.хр. I29. л.3-3-об.

50. Шу фонд. В центральное статистическое управление.

оп.I. ед.хр.I30. л.I.

5I. Шу фонд. Население Туркестанской Республики по данным переписи I920 года.

оп.I. ед.хр. I30. л.4.

52. Шу фонд. Протокол.

оп.I. ед.хр. I38. л.47.

53. Шу фонд. Постановление Совета Народних Комиссаров Туркестанской республики 3-го ноября I92I года. № 345.

оп.I. ед.хр. I53. л.8.

54. Шу фонд. Университетская жизнь.

оп.I. ед.хр. I53. л.I0.

55. Шу фонд. В Наркомпрос.

оп.I. ед.хр. I95. л.4.

56. Шу фонд. Письмо.

оп.I. ед.хр. I94. л.9.

57. Шу фонд. Всем гражданам Корейской национальности.

оп.I. ед.хр. I96. л.2.

58. Шу фонд. В комиссию узбекотдела Наркомнаца от заведиающего школой имени "Хамида". Доклад № 25.

п.I. ед.хр.20I. л.68.

59. Шу фонд. По Тургайской области.

п.I. ед.хр. 203. л.54.

60. Шу фонд. Мандат.

л.I. ед.хр. 204. л.25.

6I. Шу фонд. В Наркоминдел.

оп.I. ед.хр.205. л.2.

62. ф.39. Наркомвнутдел Туркреспублики.

Протокол № 50 Заседания Президиума Ферабисполкома от II августа I92I года.

оп.I. ед.хр. 4I8. л.37.

63. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Марказий кенгаши партия архиви.

60 ф. Туркистон Компартияси Марказий комитети. Разговор № 34. Тов. Крутикова с тов. Фигольсним.

оп.I. ед.хр. 49. л.55.

64. Шу фонд. В крайком РКП(б).

оп.I. ед.хр. 69. л.I2.

65. Шу фонд. Копия постановления 3-го чрезвичайнога съезда Бухарских коммунистов от 29 декабря I9I9 г.

оп.I. ед.хр. I57. л.3.

66. Шу фонд. Резлюция 3-го чрезвичайного съезда Бухарских коммунистов от 3I декабря I9I9 года.

оп.I. ед.хр.I57. л.5.

67. Шу фонд. Положение о Туркестанском Краевом Бюро Мусульманских организации РКП.

оп.I. ед.хр. 236. л.I.

68. Шу фонд. Вписка из протокола Президиума Крайбюро от 5-го ноября с.г.

оп.I. ед.хр. 237. л.24.

69. Шу фонд. Редакционное коллегия "Иштирокиюн" от 3 марта I920 г.

оп.I. ед.хр. 430. л.9.

70. Шу фонд. Доклад Андижанского уездно-городского мусульманского бюро на Краевой конференции мусульманских бюро 9-го января I920 года.

оп.I. ед.хр. 688. л.I.

7I. Шу фонд. В Краймусбюро.

оп.I. ед.хр. 688. л.8.

72. Шу фонд. Тезисы по вопросу о положении Краевой печати в Туркестане и предложения о мерах к улучшению ея.

оп.I. ед.хр. 8I0. л.2, 3.

У. Кундалик, хафталик, ойлик матбуот нашрлари.

а) Журналлар.

- Вестник просвещения и коммунистической культуры. Ташкент. № 78. I92I.
- Военнй работник Туркестана. № 5-6. I922.
- Военно-исторический журнал. № I0. I940 г.
- Известия ЦК КПСС, № 3-4, I99I, № I0, I990 г.
- Мулоқот. № 4. I99I й.
- Наука и просвещение. № 2 I922 г.
- Революционнй Восток. № 6. I934 г.
- Фан ва турмуш. № 2. I99I й.

б) Рўзномалар.

- "Жизнь национальностей" 9 марта I9I9 г. I7 июля I922 г.
- "Знамя свободы" I июля, I4 июля I9I7 г. 7 января I9I8 г.
- "Известия" ТуркЦИКа 9,I0 сентября I9I9 г., 7,8 октября I9I9 г., I0,2I сентября I920 г., I8,25 января I920 г., 23 июня I920 г. 5,I8 января I92I г., I7 февраля I92I г., I2 марта I92I г. I0 мая I92I г., 7,I2 февраля I922 г., 27 мая I922 г.

- "Известия" орган Самаркандского обкома и ревкома, 21 марта 1920 г.
- "Иштракиюн" 9 май 1919 й.
- "Коммунист" 22 ноября 1918 г.
- "Красный фронт" 22 октября 1919 г.
- "Красная Фергана" 2 сентября 1920 г. 17 июня 1921 г.
- "Наша газета" 20 июня, 18 ноября, 12 декабря 1917 г. 13, 16 апреля, 5, 12 мая, 29 июня, 13, 21 сентября, 17 октября 1918 г.
- "Правда" 10 февраля, 10 марта 1921 г.
- "Совет Ўзбекистони" 16 май 1990 й.
- "Туркестанская правда" 10 января, 26 августа 1924 г.
- "Туркестанский курьер" 11 ноября 1917 г.
- "Туркестанский коммунист" 9 июня 1919 г.
- "Туркестанские ведомости" 21 ноября 1917 г.
- "Свободный Самарканд" 25 ноября 1917 г.
- "Ўзбекистон овози" 15 сентябрь 1991 й., 8 сентябрь 1992 й.
- "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" 15 ноябрь 1991 й.
- "Қизил байроқ" 29 март 1922 й.
- "Еш ленинчи" 29 октябрь 1991 й.

VI. Номзодлик ва докторлик диссертациялар ва авторефератлар.

1. Айриева Н.А. Деятельность Компартии Туркестана по подготовке партийных и советских кадров (1918-1924). Автореф. дисс. канд. наук. Ташкент. ТашГУ им. В.И.Ленина, 1973.

2. Матвеева Т.М. Деятельность Наркомнаца в годы гражданской войны (1918-1920 гг.). Автореф. дисс. канд. наук. М., МГПИ, 1950.

3. Меженина В.М. Организация и идейно-политическая дея-

тельность агитпоезда ВЦИК РСФСР "Красный Восток" в Туркестане и Бухаре /1920-1921 гг./. Автореф. дисс. канд. наук. Ташкент, АН УзССР, Инс. ист. и арх. 1970.

4. Нуруллин Р.А. Борьба трудящихся Туркестанской АССР за укрепление местных Советов в годы гражданской войны /1918-1920/. Автореф. дисс. канд. наук. Ташкент, Ан УзССР, Инс. ист. и арх. 1958.

5. Оронюк Б. Помощь Российской Федерации Туркреспублике в социалистическом строительстве /1917-1924 гг./. Автореф. дисс. канд. наук. Ташкент, Ан УзССР, Инс. ист. и арх. 1964.

6. Уразаев Ш.З. Государственный строй Туркестанской Автономной Советской Социалистической Республики /1917-1924 гг./. Автореф. дисс. докт. наук. Ташкент, Ан УзССР, 1962, 37 с.

7. Хайдаров Г.Х. Очерки истории народного образования в Туркестанской АССР /1917-1924 гг./. Автореф. дисс. канд. наук. Ташкент, САГУ, 1953.

8. Шамсутдинов Р.Т. Становление и развитие Советов в Средней Азии /1917-1925 гг./: проблема общего и особенного. Дисс. докт. наук. Москва, АН СССР, 1987, 484 с.